

Аҳмад Аъзам

Ҳикоялар:

Соясини йўқотган одам
Гўзаллик қирралари
Қатағон йили
Ойнинг гардиши
Одамнинг оласи
Алмисоқдан қолган Карим
Кичик илмий ходим Ҳамдамов
Ноинсоф Мусо

СОЯСИНИ ЙҮҚОТГАН ОДАМ

Хикоя

Үшанды менга нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, буни ҳозир ҳам тушунтириб беролмайман. Ҳеч нарса бўлмагандек юрибман. Лекин бунга кўникунимча жуда кўп нарсалар бўлиб ўтди.

Бир куни чўзма лағмон еб ўтирган эдим, ўзимча шундан кўраман, бирдан оёққўлим бўшашиб, бошим бўм-бўш бўлиб, ичим хувиллаб кетди. Атиги бир-икки сония, ўзимни йўқотдиму дарров ўзимга қайтдим. Бошқача тушунтирсам, туппа-тузук, ҳамма қатори ростмана одам туйқусдан ўз мазмунини йўқотиб, яна қайтиб топгандек ғалати ахволга учрадим, ростдан, бирдан мазмуним чиқиб кетиб, яна қайтгандек бўлди. Шу ҳолат лағмоннинг чилвирини қошиқقا ўраб, оғзимга олиб боргунча давом этди. Бор гап шу. Ўзи тушлик деса, юрагим безиллайди, яна аксига олиб шериксиз чиққанман. Бу ҳолат шув этиб ўтиб кетди-ю, лекин кайфиятимни бузди, кўп очин-тўқин юраман, толиққанимдан дедим-да, бир амаллаб, лағмонни тамомладим. Ишга қўл силтадиму ижарамга жўнадим.

Хонамга келиб ўзимни ойнага солдим, кўринишими яхши, ранги рўйим жойида. Факат уйқу босяпти. Каравотга чўзилганим заҳоти тубсиз қудуққа қуладим. Шу ухлагандан эртаси куни офтоб тиккага келгунча донг қотибман. Тиниқиб уйғондим. Кеча бунақа бўлгани кечалари билан ухламай китоб ўқишимдан, вақтида ётиб, вақтида туриш керак, йўқ эса, соғлиққа ҳам, мияга ҳам таъсири бор, одам ўзини аяши лозим, дедим. Айвонга чиқдим, офтоб чараклаб турибди. Кўп ухлаганимга қўзим сал ачишаётганини айтмаса, ҳамма нарса ҳамишагидек. Ҳеч эътибор қилганмисиз, уйкудан туриб, кўп қаватли уйнинг айвонигами, ҳовлигами чиқасиз-да, атрофга кўз соласиз, ҳеч қанақа ўзгариш кўрмайсиз, шамол ё булат, қор ёки ёмғир бўлиши, ҳаво айниши мумкин, лекин дунё ўзгармайди, балки ўзгарар, лекин ўзгариши йиллаб, ўн йиллаб чўзилади, одамга билинмайди. Шунақа, мен қараганда ҳам ҳамма нарса ҳамишагидек, ҳатто айвонга чиқишимда ҳам ўзгариш йўқ, кеча ё бир йил олдин қандай қараган бўлсан, шундай қараётган эдим. Лекин, биласизми, шу ҳар доимги муқимлиқда пинҳона бир ўзгариш бўлсаю сиз буни кўрмасангиз ё ниманидир излаб чиқсангиз-да, шу излаётганингизнинг нима эканлигини англаб ололмасангиз, бир нарсани зўр бериб билмоқчи бўлсангиз-да, шу нарсанинг ўзи нима бўлиши мумкинлигини ҳам билолмасангиз, кўнглингизга омонатлик кириб қолади. Фалати-я? Мен шунга айтипман, одамнинг мазмуни йўқолганга ўхшаган бир ҳолат деб.

Мен ана шунақа бир ҳолатда эдим. Айвонга бир аниқ мақсадда чиққаним йўқ, шунчаки ҳар кунги одатим, мана уйқудан уйғондик, дунёга

яна бир қараб қўяйлик, ўзимизни ҳам кўрсатайлик деб қарадим. Дунё ҳам – ўша-ўша, лекин шу кўринишида ўзининг эмас, менинг ўзгарганимни билги қилаётган бир нарса бордек, шу калаванинг учини тополмай, кўнглим доим ўзи таяниб турадиган таянчларини йўқотиб қўйгандек омонат эди, агар тушунтира олган бўлсан. Ижарада бир ўзим турганимдан эмас, ана шу хаёллар чулғаб олгани, бу хаёллар исканжасида якка эканим ва ёнимда ҳатто ҳамхона дўстим яшаганда ҳам, унга бу аҳволимни айтганим билан, нафақат у, дўст, балки умуман ҳеч ким тушунмаслиги, ҳеч бировга тушунтириб беролмаслигим учун ҳам маҳкум ёлғиз эдим. Ўзимни одамлар тўдасига ургим келди, лекин бу тўда ичида мени ҳеч ким танимаслиги, бегона эканлигимни кўнглим сезиб, хонамдан чиққим келмай турарди.

Кўчага тушиб, ишхонага телефон қилдим, мени ҳеч ким сўрамабди, бошлиқ ҳам йўқламабди, ҳаммаси жойида экан. Наҳотки, бир инсон тушдан кейин ишдан кетиб қолса, эртаси куни ишга бормаса, бирон одам қизиқмайдими, деб ҳам ўйладим.

Телефон гўшагини илиб, энди юраётганимда, офтоб чараклаб турган эди, бир кўзойнакли семиз йигит аввал оёғим тагига, кейин ўзимга қаради-да, ҳайрон туриб қолди. Бирон нарса илашибдими ё бошмоғимни пойма-пой, ё шимимни тескари кийибманми, деган хавотирда ўзим ҳам ўзимга қараб олдим - ҳеч гап йўқ. Бизда қизиқ одамлар бор-да, баъзилари нотанишга ҳам худди одамёввойига учрагандек бақрайиб тураверади, дедиму йўлимда кетавердим. Негадир мен шунақаларга кўп дуч келаман. Троллейбусдами, автобус ё трамвайдами албатта битта-яrim одам менга тикилаётган бўлади. Тикилгани билан қарашида маъно йўқ, худди “Чипта олишни унутманг！”, “Юкнинг баҳоси ўн тийин”, деган эълонларни лоқайд ўқиётгандек. Кўчадагилар-чи, кўзини қадаб ўтгани етмагандек, орқамдан ҳам тикилиб қолади. Ўрганиб кетганман, лекин семиз йигитнинг қарашидан ғашландим. Нарироқ юриб орқамга ўгирилсам, у ҳали ҳам менга қараб турган экан, юзини бурди. Мени бир ўзгариб кетган эски танишига ўхшатди-ёв, деб ўйладим. Ҳар эҳтимолга қарши яна у ёқ-бу ёғимга қараб олдим, йўқ, ҳаммаси жойида.

Қаршидан бир қиз келяпти экан, бегонага тикилиш одобсизлик эканини ўйлаб бораётган бўлсан-да, яна бу қиз бола, кўзимни узолмадим: - кичкина, ингичка, юзи чўзинчоқ, бургутча бурун, қирра ияги катта, ўзига ярашиғли хунук, юпқа қора чарм камзулча, қора юбка бошмоққача, оёқ жонивор ҳам сибизикдай шекилли, қадам босишида гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан очилаётган лозими... лозим бўлиб лозим, колготки бўлиб колготки эмас, қора юпқа матодан, тўпиққача; почасига қалампирнусха, рангдор гул тикилган, ҳар хил тош қадалган, юзига тушган тола сочини қўтариб қўяётгандан кўрдим: тирноқлари ингичка, узун-узун устирилган, этдан ташқари қисми оқлигича қолган, эт усти қизғиш бўялган, қулогига қарамабман, сиргаларини сочи ёпган шекилли, лекин хивич бармоқларида икки-учтадан, тоши майда, мен фарқига бормайман, балки олмосдир, узук. Мўъжазгина урғочи йиртқич! У менга бир қараб қўйди-да, бир қадам четланиб ўтди. Худди мен уни еб қўядиган бир маҳлуқдек. Шунда, ҳамма кийими қора бўлганигами, хаёлимга

бу қиз шу қиз эмас, балки бирон қизнинг гулдор сояси, деган бир қиёс келди.

Соя деган нарса айни шу вақти хаёлимга бекорга келмаганига ҳалигача ҳайронман: одамнинг шуури унинг ўзи билмаган нарсаларни ҳам сезар экан.

Шу куни ул-бул егулик олиб яна ижарамга қайтдим, чўзилиб ётиб кечгача ўқидим, туриб шифтдаги неончироқнинг элас-элас ғўнфиллаши остида ёзув-чизув билан алла-паллагача ўтирдим. Ҳар кунгидан сал ғалатироқ бўлгандек эди, диққат қилмабман, кейинроқ, ахволим ойдинлашгандан сўнг билдим, билмаганим ҳам яхши бўлган экан, қоқ яrim тунда ақлим озиши ҳеч гап эмас эди.

Бу куниси ишхонага келдим, бошлиқ ҳузурига кириб, кеча “сал маза қочиб” келолмаганимни айтдим, койиса керак, деб ўйлаган эдим, аксинча, ҳамишагидек илажайиб: “Ҳай-ҳай! Қўйинг шу маза-пазаларни, касал бўлманг сира”, деди, сўққабош йигитнинг бундай юриши яхши эмаслигини гапириб, бир оз насиҳат ўқиди. Мендайлигида уйланмай юриб, ҳозир жабрини тортаётган, ўша пайтлари фақат ишга қараб, ўзига қарамагани учун ҳозир гоҳ у ери, гоҳ бу ери оғриб турар экан, ҳай-ҳай. “Мен сўққабош эмас, бўйдоқман, холос, иккови икки нарса！”, деб айтай дедим-у, менга яхшиликни соғиняпти-ку, деб ичимга ютдим.

Ҳа-я, айтмабман, икки қаватли ишхонамизнинг деразалари офтобга тескари, офтобни биздан тўққиз қаватли министрлик тўсиб қўйган, шунинг учун бизда кундузи ҳам чироқ ёнади, ҳамма чироқимиз “дневной” - неон, булар ҳамма нарсанинг соясини ёйиб юборади. Лекин маълумотнома ёзаётганимда столнинг усти одатдагидан равшанроқ эди, бунга ҳам диққат қилмаган эканман.

Тушда Барот икковимиз бирга тушликка чиқдик. Менга бир нарса бўлганини шу Барот билиб қолди. У уч йилча олдин кўчадан ҳамён топиб олган. Саккиз юз қирқ етти сўм. Шундан бери ерга тикилиб юришни одат қилган.

Ишхонамизнинг соясидан чиқиб, сал юрганимиздан кейин менинг гапларимга ҳа-ху деб ерга қараб кетаётган Барот бир тўхтади-да, дабдурустдан: “Ий-э, сенинг соянг қани! Қизиғ-у！”, деб қолди. Аввалига Баротнинг гапини тўғри тушунмадим, “Шу ҳам ҳазилми”, демоқчи бўлиб, беихтиёр ерга қарасам, мендан ерга соя тушмаяпти! Туйқусдан калламга бир нарса келмади. Лекин, мана, соя, мендан тушган соя йўқ! Офтоб томон бўлса керак деган илинжда осмонга қараб, кейин соя тушадиган жойни мўлжал қилсам, оппоқ! Яъни оқариб кетган асфальтнинг ўзи! Офтоб мендан тўппа-тўғри ўтиб, ерга тушяпти, ўртада мен йўқ! Баротнинг оёқдан бошланган, боши ҳам дўмпайиб турган сояси бор. Офтоб тиккада чараклаб тургани учун калта, гирдиғум, лекин, ҳар қалай, одамнинг сояси-да! Меники эса йўқ! Ростдан йўқ! Довдираб қолдим-у, лекин бўлиши мумкин эмас, икковимизнинг ҳам қўзимизга шундай кўриняпти, ҳозир соям лип этиб ерга тушади, деган бир мустарлик ҳам бор. Бемаънилиқ-да, ахир, шунақаси ҳам бўладими?

Барот ҳеч қачон чуқур ўйламайди, ҳозир унга қизик, жуда қизик. “Қойил-э! Э-э, зўр!” дейди нуқул. Мен билан иши йўқ.

Бирдан бўлса-да, одамнинг хаёлига кўп нарса келар экан: ҳамма бошқа, мен бошқа бўлиб қолдим, одамлар орасидан чиқиб, бошқа дунёга ўтиб кетдим, лекин шу дунёда яшайман, шу дунёда одамга ўхшаб юрибман, лекин одамларга ўхшамайман, ҳамма росмана одам, мен эса... Атрофимга қарайман, ҳу, ана, тош бўлса ҳам, ҳайкалнинг сояси бор, дараҳтларнинг таги қуюқ кўланка, қўчада машиналарнинг сояси ёнида ҳилпираб кетяпти, троллейбус симлариники кўчани чизиб кетган, симёғочиники йўлга кўндаланг, Баротнинг сояси ўзи билан, қадам босса, у ҳам одимлайди, қўлини силкитса, у ҳам қимирлайди! Ёнимиздан ўтиб бораётган одамларнинг ҳаммасининг тагида сояси бор! Мен... нега бунақа?!

Ўйлаб ўйимга етолмайман, Баротга бир нарса деяй десам, тилимга гап келмайди. Барот “Қизиғ-а, нега бунақа бўляпти?”, дейди. Барот шунақа савол бердими, жавобини айтсангиз ҳам, бари бир, тушунмайди. Саволининг ўзи “Мана, мен шу ергача зўрға келдим, у ёғига ярамайман”, дегани, ўйлаганининг чегараси шу. Шунинг учун: “Ҳа-э, тезроқ юрайлик, қорин очиб кетди”, деди.

Юриб боряпман, шу пайтгача оёғимга лип-лип илашиб эргашган соямнинг жойига қарайман, ҳеч нарса йўқ, шунга худди оёғим ҳам ерга тегмаётганга ўхшайди. Шундай қилсам соям мендан ажралиб ялп этиб ерга тушиб қолар деган илинжда, уч-тўрт марта сакраб-сакраб ҳам кўрдим, фойда чиқмади. Барот: “Ҳа?” деди, “Кеча чўмилганимда қулоққа сув кирибди”, дедим.

Бирдан Машҳурани ўйламаганим эсимга тушиб қолди. Боядан бери яна бир нарса хаёлимни чимдилаб келаётган эди, бирдан юзага чиқди, агар соям шу билан йўқолиб кетаверса, аҳду паймонимиз нима бўлади? Одамлардан буни яшириб бўлмаса, нима кўп куёшли кун! Қўчада сояси йўқ йигит билан кетаётганини кўрган одамлар менга эмас, Машҳурага ачинади, бечора қизнинг бир нуқсони борки, сояси йўқ йигит билан юришга кўнибди, дейди. Учрашайлик, десам, бундан кейин: “Кечирасиз, ҳали ҳам сизни яхши кўраман, лекин сояси йўқ йигит билан қандай юраман?”, деса-я. Нима, қўчада қолган қиз эмас, айтиши мумкин.

Фикру ўйларимчувалашиб кетгану ўзим худди ойна устида сирғалаётгандек кетиб боряпман. Тагингизга соянгиз тушиб турмаса, муаллақ бўлиб қолар экансиз!

Баротнинг хаёли эса овқатда: “Нега ҳамма лағмон бир лағмон, Халил мўйловники бошқача?”, деди. “Қўй шу лағмонни, ўзимнинг лағмоним чиқиб турибди-ку”, дедим. “Э-э, ким қайдаги нарсаларни ўйлайсан-а, - Барот шундай деб оёғим тагига қараб қўйди: - Ҳали ҳам йўқ. Ҳай, бўлмаса бўлмапти-да”. Айтдим-ку, Барот шунақа ҳафтафаҳм деб. “Ке, қўй, одамнинг сояси бўлди - нима, бўлмади - нима, - деб менга яна таскин берди у. – Энг асосийси, одамнинг ўзи бўлсин. Мана борсан, соппа-соғсан, юрибсан. Етади шу!” Тўнканинг фалсафасини қаранг!

Қўчада одамлар ўтибқайтиб юрибди, ҳамма ўз ташвиши биланми, бизга бир-да-ярими кўз ташлаб ўтгани билан, унча аҳамият бермайди. Ҳар эҳтимолга қарши Баротнинг бу ёнига - офтоб томонга ўтдим: Баротнинг

сояси иккаламизга ҳам ўтади. Баротнинг елкаси офтоб, мендан соя тушмаяпти. Шу вақти бир фикр келиб, ҳаяжонланиб кетдим. "Тўхта-чи!", дедим. Барот тўхтаб менга қаради. "Мендан офтоб кўриняптими?", деб сўрадим. Барот тушунмади: "Офтоб? Ана осмонда-ю! Сенда нима қилади?", деди. Бўйим Баротдан узунроқ, унинг бетини бошимнинг соясига мўлжал қилиб: "Яхшилаб қара, юзимдан офтоб кўриняптими, йўқми?", дедим. Барот юзимга тикилиб турди-да: "Йўқ, - деди. – Бетинг жойида. Нега офтоб кўриниши керак, бетинг тешик эмас-ку. Ке, қўй шу гапни, одамни жинни қилай деяпсан". Барот менга фирт бегона кўринди. У бари бир тушунмайди. Ахир, соям бўлмаса, демак, офтоб нури тўппа-тўғри ўтиши, унда ўзим ҳам бўлмаслигим керак-ку! Бошим Баротнинг кўзига соя солмаса, унда Баротга юзимнинг ўрнида ҳам офтоб кўриниши керак эмасми? Юрагим ўйнаб кетди, жуда ғалати: офтоб билан Баротнинг ўртасида турсам ҳам у мени кўряпти, демак, мен офтоб тўсяпман, унда соям қаёққа кетади? Бош қотди. Бу ёғи нима бўлади энди, кимга қандай тушунтираман?

Одамлар нима дейди? Ишхонадагилар... Хаёл ке-етди!

Бошлиқ чақиртиради-да, илжайиб: "Хў-ўш, укам, нима қилдик? – дейди. - Ишлайверинг десам, ахвол бунақа, ишдан бўшанг, десам меҳнат қонунини - КЗОТни бузганингизча йўқ, лекин ичимида бошқача одам бўлиши... Ҳай-ҳай, ё ўз ихтиёргиз билан ариза ёзасизми, а?". Мен бошлиқнинг илжайишини ёмон кўраман, худди бошқа бир бегонанинг илжайишини расм солиб, юзига тақиб олганга ўхшайди. "Майли-ку-я, нима айбим учун?", деб сўрайман. Бошлиқ: "Укажон, тўғри тушунинг, райкомдан "Сизда бир сояси йўқ йигит бор экан, нега чора кўрмаяпсиз, нега ушлаб турибсиз?", деб сўрашса, нима деб жавоб берамиз? Сиёсий тус олиши мумкин", деб илжаяди. "Нега, ахир, соям йўқлиги сиёсий хато эмас-ку?!", дейман ҳамма нарсани тушуниб турган бўлсам ҳам. Бошлиғимиз энди майн илжаяди: "Ундай деманг, ҳай-ҳай, бизда ҳамма масалага сиёсий қаралади-я, мен шу хатонинг олдини олайлик, дейман, ҳали сиёсий хатога ўсиб чиқмасдан". "Бунга райкомнинг нима алоқаси бор? Уларнинг шундан бошқа қиладиган иши йўқми? Наҳотки соям йўқлиги билан шуғулланишса?", деб чин кўнгилдан сўрайман. "Ҳай-ҳай, айтмадимми? Ҳазилляпсизми? - деб раҳбаримиз яна илжаяди. – Билсангиз, укам, ҳаммамиз партиямизнинг паноҳида ва... доимий ғамхўрлигидамиз". "Ишдан бўшасам, кейин менга қандай ғамхўрлик қилади?", деб сўрайман. Бошлиқ бир деразага қараб олиб, менга эгилади: "Йўқ, укам, ҳамма ерда партиямиз паноҳида бўласиз! – деб энди совуқ илжаяди. – Сизга яхши йўл кўрсатган эдим-а, ҳай-ҳай, энди колективга қўйишга тўғри келади"...

Мажлисни, албатта, бошлиқнинг ўзи очади: "Жонажон партиямизнинг ҳаётбахш қарорларидан илҳомланиб, коллективимиз кейинги пайтлари катта ютуқларни қўлга киряпти... (хоказо-ҳоказо)... Мана, ҳаммамиз ўз соямизга эгамиз. Лекин орамизда сояси йўқ одамнинг пайдо бўлгани, тўғрироғи, унинг ўз соясини йўқотиб қўйгани бизни жиддий ўйлантиряпти. Ҳали юқори органлардан бу борада кўрсатма олганимиз йўқ, лекин шундай кўрсатма олишга аминмиз. Бунинг учун у ёққа ташаббус билан

чиқишимиз, бу масалани ўз кучимиз ечишимизни айтишимиз керак... Қани, кимда қандай фикр бор?” Биринчи Мирқосим ака сўз олади: “Кўпдан бери шу болада гумоним бор, бунинг идеологияси бузук деб парткомимизга ҳам айтганман. Чунки ғоявий ёт, бемаъни адабиётларни кўп ўқийди. Аксарияти чет элликларники. Бир куни хонасига кирсам, столи устида Хемингуэй, Фолкнер деган америкаликларнинг китоби турибди экан. Ҳей, ука, ёш жонингни ўйламайсанми, нима қиласан антипартиявий китобларни ўқиб, десам, булар бизга дўст прогрессив ёзувчилар-ку, деб устимдан кулгандек бўлди. Ахир, ўша чет эллик ёзувчилар чет элда яшаса, ўша ёқда ҳам ўзининг компартиясига кирмаган бўлса, ёзганлари антипартиявий бўлмай, нима бўлади? Мен ўқимайман шуларни, шунга, мана, ўзим ҳам, каллам ҳам соғ”. Партиямиз Фулом ака сиёсий хушёр, лекин бамаъни одам, энсаси қотиб: “Мирқосим ака, масаладан чалғимайлик!”, дейди. “А, мен нима деяпман? – деб бўш келмайди Мирқосим ака. – Масаланинг ғирт ўзини гапиряпман-ку. Бўлмаса айтдим-а сизга: қаранг, шу бола ҳар хил нарсаларни ўқийди, дедим, қарамадингиз! Ахир, ўша ёзувчилар бизга дўст эмас, дўст тбўлса, нима учун жонажон партиялари сафида эмас, бор-ку, бор-ку, Гесхол деган ўртоқ бошқаради, йўқ кирмайди, чункпи дўст эмас. Капитализмда яшайди улар, яхшисининг ҳам ҳам қонқонига бузук идеология сингиб кетган. Мана оқибати, университетни битирган, келажаги порлоқ йигит идеализм ғоялари таъсирида айниб ўтирибди!”. Фулом ака вазмин жилмайиб тушунтиromoқчи бўлади: “Ўшаларни мен ҳам ўқиганман, асарларида ҳеч қанақа ғоявий бузуклик йўқ. Ана, ўзимизнинг кутубхонада ҳам бор, олиб ўқиб кўринг!”. Мирқосим ака: “Ўқимайман, кутубхонада бор деб ҳамма нарсани ўқийверадими?!”, дейди. Бошлиқ қалам билан сув тўла графинни уради, графин тўқиллайди: “Ўртоқлар, масалага қайтамиз: ким гапиради? Мирқосим ака, бошқаларга ҳам навбат беринг!”. Ботир ака сўз олади: “Мен бошлиғимизнинг гапидан шуни тушундимки, бу йигитга орамизда ўрин йўқ экан. Нега? Соя йўқлиги учун! Мирқосим буни ғоявий бузуклик, деяпти. Оғзим бор деб гапириб, ўзимиз хато қилмайлик-да. Мана, бир вақтлар шунақа гаплар билан қанча шоир, ёзувчи, сиёсий арбобларимиз қамалиб, отилиб, кейин реабилитация бўлди. Бу йигитни уч-тўрт йилдан бери биламиз, яхши йигит, лекин, тўғри, кўп ўқийди, аммо кўп ўқигани учун кўп нарсани билади. Мана, сояси йўқолиб қолибди, лекин шу билан ёмон одамга айланиб кетди, десак, хато қилиб қўймаймизми? Балки бошқа қобилияти очилгандир? Шахсан менинг бу масалада ўз фикрим бор: юраги тоза, кўнглида кири йўқ, оқ, нияти яхши – ёруғ, шунинг учун ундан ерга қора соя тушмайди”. “Ҳай-ҳай, - дейди бошлиқ. – Бизлар-чи?”. “Нима бизлар?”, деб тушунмади Ботир ака. Бошлиқ илжаяди: “Бизларнинг юрагимиз қора экан-да унда? Шунақа демоқчимисиз? Бутун колективга қора суйкайпсизми?”. Ботир ака ғулдираб қолади: “Ҳеч кимга қора суйкаётганим йўқ”, деди. “Суйкайпсиз! – Бошлиғимиз асабийлашса қатъий илжаяди, худди йиғламсираётгандек бўлиб қолади. – Фақат колективимизга эмас, бутун жамиятимизга қора чапляйпсиз! Чунки ҳамманинг сояси бор, бу йигитники эса йўқ! Сиз ҳали жавоб берасиз бу гапингизга!”. Шу пайти Турабжон сакраб туриб:

“Ўртоқлар, менда битта таклиф бор. Оғайнимизни инвалидликка чиқариб юборайлик!”, деб қолади. Ҳамма анграяди, ҳатто бошлиғимизнинг оғзи очилиб, Туробжонга бақраяди. “Тушунмаяпсизлар-а? - дейди Туробжон. – Оёғи йўқ одам инвалид бўладими? Сояси йўқ бўлса шундай-да! Энг яхши йўли шу”. “Мумкин эмас, - дейди кадрлар бўлими бошлиғи Зухра опа. – Мехнат қонунларида бунақа банд йўқ”. Тўхтаган баҳс яна қизийди. Мирқосим ака вағиллаётганда унга қараб туриб бир нарсага эътибор қилган эдим: ўзининг ҳам сояси йўқ эди. Унинг ҳам, ўтирганларнинг ҳам – бирортасининг сояси йўқ, чунки неончироқдан соя тушмайди, офтобга чиққанда пайдо бўлса ҳам, лекин ҳозир ҳаммаси мен қатори. Соялари йўқлиги ўзларига халал бермайди-ку, нега мен буларнинг қаторида, колективда бўлмаслигим керак, деб ўйлайман... Охири яна Фулом ака сўз олади: “Ўртоқлар! Масалани жудачувалатиб юбордик. Бунақада бир қарорга келолмаймиз. Бир ўйлаб қўрайлик: ҳозир бу йигитни ишдан ҳайдаш ҳақида қарор чиқарсак, у кўчада қолади, унда чиндан ҳам ҳар хил таъсирларга берилади, ғоявий-аҳлоқий бузилиши мумкин. Кейин у олдин ишлаган коллектив қаёққа қараган эди, партия комитети нима учун ўз вақтида чора кўрмаган, деган саволлар чиқади. Биз бунга йўл қўя олмаймиз, чунки партиямиз ҳар бир инсонни ўйлайди, унинг ғоявий оғишқинғайишларига йўл қўймайди, назоратда тутади. Тўғри орамизда ёт унсур бўлмаслиги керак, бу йигит сояси йўқлиги билан орамизда ёт, лекин ҳали унсур эмас. Келинг, уни ўз тарбиямизга олайлик, соясини топишга муҳлат берайлик. Тополмаса, кўпдан қуён қочиб қутулмас, соясини жойига қотириб қўямиз! Бу ерда бўлган баҳслар шу эшикдан чиқмасин, маъқулми, нима дедингиз?”. Ботир ака: “Э-э, отангизга раҳмат! Бу – ақлли одамнинг гапи！”, деб юборади. Бошлиқ дарров ташаббусни ўз қўлига олади: “Раҳмат, ўртоқ Аҳмедов, келинг, энди масалага якун ясасак-да, бир қарор чиқарсак. Бир комиссия тузсан! Комиссия бу йигитнинг сояси йўқолиш сабабларини ўрганса ва соясини яна пайдо қилиш тадбирларини ишлаб чиқса-да, навбатдаги йиғилишда ҳисбот билан чиқса, нима дедингиз？”, дейди. Баҳсдан боши ғовлаган ҳамма унинг гапини маъқуллайди, бошлиқ майин илжаяди, Фулом ака совуққина жилмаяди, шу билан йиғилиш тугайди.

Кейинги воқеалар айнан бўлмаса-да, шундай кечди.

Турган гап, ишхонадаги гап-сўзнинг ҳаммаси, мен, яъни соям йўқлиги ҳақида бўлади. Неон чироқлар ёниб турадиган ичкаридаги давраларда ҳамкасларим йўқ соямни чиқиб қолармикан деган умидда кўзи билан пайпаслайди, кўчага чиқсам, текин томошага гурр этиб эргашадилар, иши зариллари деразадан бўйинни чўзади, ана-ана деб, қўллари билан кўрсатади. Булар бориб уйларига, оғайниларига “Бизда шунақа антиқа одам бор！”, деб мақтанса керак, бошқа ишхоналардан ҳам одамлар келиб: “Оғайни, илтимос, ўтиниб сўрайман, бир офтобга чиқинг, соянгиз йўқлигини ўз кўзимиз билан қўрайлик”, деб хирадик қиласди, ҳатто баъзилари пул қистирмоқчи ҳам бўлади. “Йўқ нарсанинг нимасини кўрасиз？”, деб унамайман, ишдан чиқишимни пойлаб кўчада тураверади. Бир-иккита салобатли бошлиқлар

келиб мени кўриб кетди, тавба, дейман, кап-катта одамлар, бошқа қиладиган иши йўқмикан? Тушликка яқин пастда қора мошин кўринса, бас, биламан, ҳеч бўлмаса, биронтаси келган бўлади, ёнида шотирлари билан. Тушмайман, кутадилар, у ёқ-бу ёққа бетоқат юрадилар, охири биттасини ичкарига югуртирадилар. Бошлиқ кафтларини хурсанд ишқалаганча илжайиб менинг хонамга келади: “Қани, тушдик, Самижон Салимовичнинг ўзлари кептилар!” “Тушмайман! – дейман. – Жонга тегиб кетди-ку! Маймун ўйнатяпманми?” “Ҳай-ҳай, укам, шундоқ баобрў одам сизни кўргани келсаю сиз хурсанд бўлиш ўрнига... - дейди бошлиқ - Сиздан нима кетди, тушиб, ўн қадамча айланиб. Яна қайтасиз, вассалом!” Тушсам, ҳалиги Самижон Салимович дегани соям йўқлигини кўргани келганини яшириб, ўзини архитектор кўрсатади: “Да-а, тўғри, бино эскирган, министрликнинг орқасига хунук ямоқдек бўлиб турибди”, дейди, виқор билан гапиришга уринади, лекин товуши титраб кетади – кўзи менинг оёғим тагида, ўзимга қарашга қўрқади. Ёш болага ўҳшайди булар! Бир қуни бир каттакони келибди, деразадан кўрдим: ранги совуқ, гапирмайди, атрофда беш-олтита бир хил силлиқ кийинган, галстук таққан кулранг костьюмли йигитлар, нуқул атрофга аланглайди. Йигитларидан бирори унга эгилиб, бир нарса сўраган эди, у бошини силкитди. “Опчиқ!” деган шекилли, бирпасда ранги ўчиб бошлиғимиз хонамга кирди. “Ташқарига чиқайлик! Лекин, илтимос, ҳеч кимга қарамай, тўғри қўчанинг у томонига ўтиб кетаверасиз!”. Кўргани келганларга ўрганиб қолганман, лекин бунақасига дуч келмаган эдим. “Нега? Тўхтамайми, мен билан гаплашмайдими?”, деб ҳайрон бўлган эдим, бошлиғимнинг бетидаги илжайиш расми тиришиб кетди: “Ҳай-ҳай! Сизни кўргани келишганини зинхор-базинхор билмаслигингиз керак!”, деб ғалати гап қилди. “Қандай билмайман, айтиб турибсиз-ку!”, дедим. “Э-э, укам, ҳозир ҳаётингиз ҳал бўлиши мумкин! Айтганни қилсангиз-чи！”, деб бошлиғим сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди. Хўп дедим, келишиб олдик: аввал у чиқади-да, менинг қандай қилиб ишхонанинг эшигидан кўчага қараб юришимни кўрсатади, кейин мен у нима қилса, шуни такрорлайман.

Мен эшикнинг ичкарироғидан қараб турдим, ҳалиgilар ҳам кўриниб турибди, бошлиқ чиқди, атрофда худди ҳеч ким йўқдек ғўдайиб алангламоқчи эди, ҳалиgilарга кўзи тушиб, каловланиб қолди-да, текис ерда қоқилиб, соясининг устига йиқилиб тушай деди, ўзини ўнглаб ўқдай учиб кўча томонга отилди. Ҳалиги каттакон бошлиғимизни соясини йўқотган одам шу деб ўйлаган шекилли, ҳафсаласи пир бўлди, ёнидагига қараган эди, униси мени танийди шекилли, сезилар-сезилмас бош чайқади. Кейин мен чиқдим, бамайлихотир боравердим, кўз қиримда кўряпман, уларнинг кўзи менда, ҳаммаси яхши эди, офтобрўяга чиққанимни биламан, ҳалиги каттакон: “О-о чорт! Сгни, сатана!”, деб чўқина кетса бўладими! Ранги совуқлигига қарамай, ўзи қўнгилчанроқ эканми, ёмон бўлиб қолди денг! Иккитаси югуриб келиб, уни сужди, биттаси ичкарига чопди. Жуда катта амалдор экан, ҳаммасини типирчилатди. Ичкарига чопгани бир стакан сув олиб чиқди. Мен кетаримни ҳам, кетмасимни ҳам билмай қотиб турибман. Каттаконга дори ичиришди, у ўзига келгандан мени секин имлади. Мен олдига бордим. У менга қараб

турди-да: “Человек как человек, да пуст живёт. Только смотрите за…”, деб у ёғини айтмади, мен ўзимча тушундим.

Соям йўқлиги анча вақт кабинетларда, хоналарда, долонларда, тушликларда, ўзим боримда ҳам, йўғимда ҳам кўп муҳокама, тортишув-баҳсларга сабаб бўлиб юрди. Ишхонамизга жон кирди, масала битта ва бунинг чораси йўқлиги, чора топиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаётгани учун ҳамманинг боши қовушди, умумий чорасизлик ҳамкасларни ахил, бир-бирига қандайдир меҳрибон ҳам қилиб қўйган эди. Илгари ишга қатнашим эрталаб келганларга эшик олдида “темир дафттар”га қўл қўйдириб, кейин хоналарга бир-бир бош суқиб чиқадиган, кечқурун кетаётгандарга, энди хонасида қўл қўйдириб қоладиган Зухра опамизни қизиқтирган бўлса, энди келишим билан ҳамма мени кўргани киради, чин кўнгилдан соғлиғимни сўрайди, кетаётганимда жўр бўлиб яхши тилаклар билдириб хайрлашади.

Гулом ака икки кундан кейин мени қабинетига чақириб, сухбатдан ўтказди. “Мен сизнинг юриш-туришингизда бир фавқулодда нарса кўрмаяпман. Лекин, бари бир, негатив ҳодиса. Райкомдаги ўртоқлар билан маслаҳатлашдик, ишлайверсин-чи, дейишиди. Ўрганишади сизни. Ўзингизга қаранг. Ҳар ким билан гаплашманг. Кейин... ўша ёзувчиларнинг асарларини ўқимай туриңг, маъқулми?”, деди.

Ўзим ҳам шу ўртада ўйлаб юрган эдим, чунки оданинг сояси йўқлигига тегишли у-бу нарсаларни ўқигандек эдим. Хемингуэйнинг бир асарида “Офтоб чараклаб турмаса, матадорнинг сояси йўқ одамдан фарқи бўлмайди”, деб ёзилгани эсимда. Яна қайсиdir китобда ўқиганман: француз шоирларидан бири, Малларме бўлса керак, балки Рембодир, ўртоғи билан йўлда кетаётиб, соясига қараган-да: “Ҳозир шу соямни шолчадек юмалоқлаб, қўлтиғимга олсан, нима дейсан?”, деган. Шоирлар, биласиз, шунаقا теша тегмаган гапларни гапларни топади, буни айтган шоир ҳам соясини юмалоқлаб, қўлтиғига қистирмаган-у, лекин “Сояси йўқ одам”ми, “Соясини йўқотган одам”ми деган достон ёзиб шухрат топган экан. Достонни, турган гап, русчага таржима қилинмагани учун, ўқимаганман, французчани эса билмайман. Фақат бир китобда у ҳақда ёзилганига кўзим тушган: камбағалларнинг сояси ориқ, бойларники семиз экани ҳақида айтилган экан, лекин қайси китобда – бу ҳам эсимдан чиқиб кетган, лекин бу маълумот саҳифанинг ўзида эмас, пастидаги “сноска”да эди. Дунёда китобдан кўпи йўқ, қайси бирининг номини ёдингда сақлайсан. Лекин соям йўқолиб қолгандан кейин шу ўқиганларим эсимга тушиб, уйдаги тўрт мингдан ошиқ китобларимнинг ҳаммасини бир бошдан титиб, ўша китобни ахтардим, топилмади. Лекин уларда, бари бир, ҳаётда ҳақиқатан ҳам соясини йўқотган одам ҳақида айтилмаган-ку. Ташбех, ўхшатиш, холос. Меники эса ҳаётда бўляпти, соям ҳақиқатан йўқолиб қолди.

Балки, балки... менинг соямнинг йўқолиши билан ўша шоирнинг соясини йўқотган одам деган достони қандайдир робита бордир? Яъни ўша шоир ҳаёлида соясини йўқотган одамни ўйлаб топган, бу одам унинг достонида яшаган, бу достонни бир адабиётчи ўқиб, уни китобига киритган,

у китобни бошқа адабиётшунос ўқиб, мақоласида тилга олган, бу мақолани яна бошқаси ўз китобидаги “сноска”да эслатган, бунинг китоби ўз навбатида рус тилига таржима қилинганд, мен шу таржимани ўқиганман, ўқиётганимда ўша шоирнинг сояси йўқ одами достондан китобга, китобдан мақолага, яна китобга, кейин таржима китобга, ундан менга ўтиб қолган-да, бир неча йилдан кейин менинг соямни йўқотган, яъни ўша сояси йўқ одам ўша шоирнинг хаёлидан, йўқ, достонидаги ботиний шууридан достонни ўқиган адабиётчининг ботиний шуурига, ундан бошқасининг, охири таржимоннинг ботиний шуурига, ундан эса... менинг ботиний шууримга эмас, ҳаётимга ўтиб қолган. Тўпори ғоявий Мирқосим ака, умуман, китоб ўқимаса-да, шу маънода ҳақ бўлиб чиқади: ўқиганларим менга таъсир ўтказган... Фирт бемаънилик, лекин ҳеч бошқа маънили изоҳ тополмай, миям қайнаб кетади! Бунақа гапларни ҳамкасларимга айтмайман, чунки соям йўқолгани етмагандек, мени ақлдан озганга чиқаришлари ҳам мумкин.

Шусиз ҳам ўзи ҳаммаси мен билан шуғулланяпти. Соямни яна пайдо қилиш учун комиссия ишлаяпти, мени бир жуда тажрибали профессорга кўрсатишиди. Оқсоч, басавлат одам экан, чирт узилиб кетай деб турган кўйлагининг тутгалари тагидан қорнининг жуни ҳам кўриниб туради. Тиззаларимга резинка болғача билан урди, қорачиғимни у ёққа қаранг, энди бу ёққа деб роса текширди, қовоғимни чаппа қилиб кўрди. “Кўп ўқийсизми?”, деди. Мен умидланиб: “Ҳа, кўп ўқийман, кўп ўқишдан ҳам соя йўқолиши мумкинми?”, дедим. “Э-э, йўғ-а, жиндай толиқиши бор, бошқаси ҳаммаси нормада. Ўқийверинг. Мана, биз ўқиб профессор бўлганмиз, сояминдай йўқолмаган-ку”, деди. Кейин негадир: “Ичингиз қотмайдими?” деб қолди. “Нима эди?” дедим – ҳар бир саволидан умид қиляпман-да. “Кўп ўтириб китоб ўқиган одамда ич қотиш бўлади”, деди профессор бамайлихотир. “Йўқ, менда унақа эмас”, дедим. “Та-ак, оиласиздан ҳеч кимнинг сояси йўқолмаганми? Вақтинча бўлса ҳам?”. “Йўқ”, дедим. “Аждодларингизда-чи? Бобо, буви, аммо, хола, хуллас, ҳаммасида?”, деб сўради. Сал нафсониятимга тегди, “Йўқ, бўлмаган! Мен руҳий касал эмасман-ку, домла!”, деган эдим. “Шундай, - профессор жаҳлимга парво ҳам қилмай. – Лекин биз ҳамма томонни сўрашимиз керак”. Охир-оқибат, профессор менга ҳеч қанақа ташхис қўя олмади, комиссияга ўзимнинг олдимда: “Бу жуда ноёб ҳодиса, замонавий тиббиётда бу ҳол кўрилмаган ҳам”, деди. Буни ўзим ҳам билардим. Лекин комиссия дегани бари бир тадбирлар тузиши ва шу ҳақда ҳисбот берини керак, бир марта йигилиш ўтказиб, менга шу тузилган тадбирларни ўқиб бердилар. Асосан, “ўртоқ Фалончи Фалончиевнинг соясини топиш масаласи ҳар тарафлама чуқур ўрганиб чиқилиб, қатъий зора тадбирлар ишлаб чиқилсин”, деганга ўхшаган одатий гаплар. Мени ҳайрон қолдиргани шу бўлдики, меҳнат интизомимни қатъий назоратда ушлаш чора-тадбирлари ҳам бор экан. “Ишга шусиз ҳам ўз вақтида келиб-кетаман-ку”, дедим. “Энди, ўртоқ, шу модда бўлмаса бўлмайди”, деб уқтиришиди. “Маъқул”, дедим. Факат энди бечора Зухра опа мени пойлайман, ҳар кунги дўкон кезишларидан маҳрум бўлар экан.

Лекин менинг соям йўқолгани бир томондан ишхонадаги меҳнат

интизомини яхшилади. Ишхонадаги ҳаёт мен туфайли қизиқ бўлгани боис, ҳамма, янгиликдан қуруқ қолмай деб ишхонага ўз вақтида келади, вақтидан ўтказиб кетади. Ҳатто бошлиғимиз юқоридаги раҳбарлар мени кўргани келиб қолишини ўйлаб, ишхонадан қимирламайди, амали бундан карра қўтарилиб кетгандек, юриш-туришлари ҳам ўзгариб қолган, лекин менга қуюқ муомала қиласди, хонамизга ҳам кириб: “Хўш, укам, қалай, ҳали ҳам йўқми?”, деб сўрайди, ишдан бўшатишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, ҳатто, бир-икки одамдан эшитдим, мен билан фахрланар ҳам эмиш, “Шу йигитни асраримиз керак, бир хосияти бор”, деган эмиш бир жойда. Тўғри-да, мени деб у раҳбар бўлган ишхона оғизга тушди. Тумонат одам келиб кетяпти.

Бошларида одамлардан қочгани жой тополмай юрдим. Кўргани келишгани етмагандек, кун-кунора чойхонага судрайдилар. Буни қаранг, ишхонамиздагилар бошқа жойдаги жўралари билан одамнинг сояси бўлмаслиги мумкинлигидан ошга гаров ўйнаб, турган гап, албатта ютиб чиқади. Авваллари жаҳлим чиқди, лекин ўйлаб қўрсам, ҳамкасларим мени сояси йўқ деб қатордан чиқариб ташламаяпти-ку. аксинча давраларига оляпти, чойхонага боришининг нимаси ёмон, ёш мен учун бўлади-ку!

Бориб-бориб кейин ҳаммасига ўргандим, қарангки, кейин одамлар ҳам кўниқди: йўқ нарсани томоша қиласверишининг қизифи қолмади. Олдинлари қачон соям йўқлигидан гап кетса, Барот ўша ерда бўлар, “Икковимиз Халил мўйловнинг лағмонига кетаётган эдик, бирдан қарасам, бунинг сояси йўқ! Ростдан йўғ-эй! Ҳайро-о-он қолдим”, деб бошласа, мен қолиб, уни одам ўраб олар эди. Бориб-бориб унинг ҳикояси бойиб, бойиб, ўзига ёд бўлиб кетди, қизиқиб келган одамлар, мени кўргандан кейин албатта, унга ҳам учар әдилар. Вақт ўтиб, унинг гаплари ҳам зерикарли бўлиб қолди.

Бу орада Машҳурадан умид узиб, институтига бормай юрган эдим, ташвишланиб ўзи келди. “Тинчликми, ё мендан хафамисиз, на телефон қиласиз, на кўриниш берасиз?”, деб ўпкалади. Унинг ёш тўлаёзган кўзларига қараб, томоғимга бир нарса тикилди, ахир, шундай қиздан айрилиш осонми?

- Юринг, кўчага чиқайлик, - дедим видолашув оҳангига.
- Йўқ, шу ерда айтинг, нима бўлди? – деди у охирги гаплашишимиз эканини кўнгли сезиб.
- Бўлди бир нарса, - дедим ўзимни зўрға тутиб. – Кўчада айтаман... кўрсатаман.

Ўзим йўл бошладим, Машҳура эс-хуши учеб менга эргашди.

Офтоб чарақлаб турган эди, менинг баҳтсизлигимга бутун дунёни нурга тўлдирган, ҳамма нарса ўз тагига соя ташлаётган эди.

- Мана, қаранг! – дедим.
- Кўзимга ёш келганидан ўзим Машҳурага қарай олмадим, юзимни тескари бурдим.
- Кўряпман, - деди Машҳура қулоғим тагига.
- Нимани? – дедим, Машҳура билан охирги кўришувим шу эканидан кўнглим идраб.
- Соянгиз йўқлигини! – деди Машҳура.

Бор кучимни түплаб Машхурага қарадим, унинг кўзлари кулиб турарди. Юрагим ҳаприқиб кетди.

- Хўш? – деб ғулдирадим.

- Сизники бўлмаса, мана, менини бор-ку!

Машхура қўлтиғимга кирди-да, иккала қўли билан маҳкам чангллади.

- Мана, битта соя бўлдик! Етади иккаламизга ҳам!

Бу чараклаб, оламни ёришириб турган офтоб остида мендан баҳтиёр одам йўқ эди.

Кўп ўтмай тўйимиз бўлди, офтоб чараклаб тургани қўлтиқлашиб юрамиз, бизга қараган бироннинг “жуда маданий эр-хотин экан” деб ҳаваси келса, бошқа бироннинг энсаси қотади, “Ў биродар, маҳкамроқ қўлтиқланг, бўлмаса қочиб кетади!”, дейди, мен кулиб Машхуруни маҳкамроқ қўлтиқлайман, икковимизнинг соямиз атиги битта эканини қараганлар билмайди.

Яшаб юрибман. Булутли қунлари бемалол, офтоб чараклаб турган қунлари кўчада ҳали ҳам бир-да ярим одам соям йўқлигини кўриб, анграйиб қолади, бепарво ўтиб кетавераман. Баъзилари тўхтатиб: “Оғайнин, қизиқ, сизнинг соянгиз йўқми ё қўзимга шундай кўриняптими?”, деб эринмай сўрайди. “Қўйсангиз-чи? Одамнинг ҳам сояси бўлмайдими? Анави ялпайиб ётган нарса соям бўлмай нима?”, деб соям тушиши керак бўлган жойга худди уни кўраётгандек қарайман. Сўраган бечора ўсал бўлиб, ўзининг томидан хавотир олиб қолади. Қизиг-эй, агар соянгиз бўлмаса ҳам у худди бордек бемалол юрсангиз, кўрган одамлар ҳам ўз кўзига ишонмай, сизни сояси бор деб ўйлар экан. Лекин уч-тўрт киши бирдан соям йўқлигини кўриб қолса, бундай қилиш қийин. Уч-тўрт киши биргаликда “Кўзимизга шундай кўриняпти шекилли”, деб айта олмайди, ҳатто улар ҳар бири ўзича ақлдан озса ҳам биргаликда бирдек ақлли бўлиб қоладилар. “Мана, оғайнин, уч-тўрт киши кўриб турибмиз, соянгиз ялпайиб ётгани йўқ, умуман, йўқ”, деб туриб оладилар. Менинг ҳам тажрибам ошиб кетган, соям тушиши керак бўлган жойга қарайман-да: “Э-э, тўғри, лекин ўзи бор, ишхонамда. Ҳозир тушликка чиқаётиб, оёққа илашиб халал беради деб, ишхонага ташлаб келдим”, дейман. Ҳалигиларни кўрсангиз! Завқим келади: “Рост-да, ерда судралади, хас-хашак илашади, кирланади, уни ювиб берадиган хотин ҳали йўқ, ўзим тозалайман. Соя ўзи қора бўлса ҳам уни тоза тутиш керак, ахир!”, дейман. Ўзларининг томошаси чиқади, калима қайтаради ё шоша-пиша чўқиниб қўяди.

Ишқилиб, гоҳ ундей, гоҳ бундай, бемалол яшаб юрибман лекин...

Кўп ўйлайман, менинг соям ростдан ҳам йўқолганми ё бу воқеаларнинг ҳаммасини хаёлимда ўзим ўйлаб топиб, кейин шунга ишониб қолмаганмиканман? Унда ҳалиги ёзувчилар ўша китобларни ёзган-ку, мен уларни ўқиганман-ку, дейман. Шунча нарсани, одамларни, уларнинг мажлисда мени муҳокама қилганларини хаёлимда тўкий олмайман-ку, сояси йўқотган одам бўлсан ҳам шулар билан ишлаб юрибман-ку, райкомда, ундан юқорида ишлайдиганларни, бир гап бордирки, мени кузатишга мажбур

қиляпман, улар ғоямни текширмоқдалар, назоратда тутиб турибдилар, дейман.

Битта одам хаёлида шунча нарсани ўйлаб топиб, кейин буни ҳаётга айлантира олмаса керак. Айниқса шунча китобни. Бутун бошли дунё-ку. Яна Шкловскийнинг китобида бир хитой роҳибининг туш кўргани, тушида капалакка айлангани, уйғонганидан кейин, ўша тушим тушмиди ё ҳозирги ҳаётим капалакнинг кўраётган тушимикан, деб фарқига боролмай қолганини шеъриятнинг чиройли мисоли сифатида тилга олиб ўтилганини ўқиганман. Лекин уники, униси бўлса ҳам, буниси бўлса ҳам, бари бир, туш. Бунақа тушларни бизнинг Барот ҳам кўради - бир куни эрталаб уйидан келди-да: “Қизиғ-эй! Бугун тушимда Ҳаётнинг тушини кўрибман！”, деб талмовсиради. Мен Баротнинг шу калласига шундай чиройли ташбеҳ келса-я, деб ҳайрат билан: “Ҳаётнинг туси！”, деб юборибман. “Ҳаётнинг тушида мен ҳали ҳам икки яшар бола, кўрпачанинг устида йиғлаб ўтирган эканман. Онам келиб: “Бўлди-да, Баротжон, қулоқдан қулоқ қолмади, деб қўлимга кулча берибди. Кулчага қўлчаларимни узатаётганда уйғониб кетдим”, деди Барот. “Э-э, ўғлининг айтяпсанми？”, дедим. “Ҳа-да, отини отимга уйқаш қўйганман. Қара-эй, ўзимнинг шундайлигимни туш кўрсам ҳам бошқа гап эди, тушимда, эй, ақлинг етяптими, Ҳаётнинг тушини кўрибман, унинг тушида мен Ҳаётдек ёш боламан, йиғлабман! Қизиғ-а, нега бунақа бўлади？”, деди Барот маъюсланиб. Мен индамадим. Инсоннинг кўнгли жуда сезгир, Барот ўзига уйқаш қилиб от қўйган Ҳаётига жуда меҳрибон, ҳатто Ҳаётгинам ухлаганда туш кўрса, тушида ёлғиз қолиб қўрқмасмикан, деб кўп ўйлаган, шунинг учун тушида ўғлининг тушига кириб, унинг ҳолатида ўзини кўрган. Ўзига тушунтирмадим, чунки айтганим билан бари бир тушунмайди.

Нима бўлмасин, Баротники ҳам, хитой роҳибиники ҳам туш. Меники эса эса ҳаёт! Ўнгимда бўляпти. Тушим бўлганда, тушунтириб берардим. Тушунмаяпман ҳам, тушунтириб ҳам беролмайман.

Соям йўқ, лекин яшаб келяпман соямни йўқотган бўлсам-да...

1986 – 2000

ГЎЗАЛЛИК ҚИРРАЛАРИ

ҳикоя

Ўзи ғалати кун бўлди. Ҳаво ҳам шунга ўхшаган. Қандайдир дим, бўғилиб кетаётгандек бўласан-у, чуқур нафас оламан десанг, ҳаво bemalol, кўкрагинг тўлади, “Ҳаво етмаяпти-я！”, деб ёзғирмоққа чоғланган одамга алам қиласди.

Нима хоҳлаётганингни ўзинг ҳам билмайсан.

Ўзи-ку, одам деган худойим берган ҳар бир кунга шукр қилиб яшashi керак. Кун билан куннинг фарқи йўқ. Лекин бу дунёда Ҳеббимга ўхшаганларга ҳамроҳ бўлсанг, тағин эрталабдан кўзингга чўпдек қадалиб турса, куфрга ботасан... Йўқ, тағин ҳам истиғфор айтаман, тавба дейман, Ҳеббимни менга ака ё ука, ё бир ҳамхона қилиб яратганда куним қандай ўтарди! Ундан ҳам, ўзимни шунақа яратганда борми?! Минг бор тавба қиласман, оллоҳ меҳрибон, раҳмимни еган, шукр, минг бора шукр!

Турибди ҳишшайиб! Эшикни одамга ўхшаб очса майли. Бу... ширқ этиб тортади-да, тураверади. Забон йўқ. Гапни тиланиб оламиз. Лош долонда, бир кўл эшик тутқичида! Турибди. “Ҳа?” дедим, ёруғ оламни тўсмасанг-чи, дегандай. Қани эди бу дунёда андиша, юз-хотир, муомала деган нарсалар бўлмаса-да, кўнглингда нима кечса, ҳаммасини тилингга чиқарсанг! “Ҳў-ўв! Фалон-писмадон!.. Турқингга сени!” деб бошласанг. Начора, бу ҳам одам боласи, ўзи одам бўлмаса ҳам, бир бечора муштипар шуни одам бўлади деб умид билан туқсан. Айтдим-ку, бунда тил-забон йўқ, сувга чўкиб ўлаётган бўлса ҳам, ҳишшайиб қараб тураверади, ёрдам кераклигини ўзингиз фаҳм қиласиз. “Менинг олдимга”, дейди. Эй, хей, гапини қаранг! Ўзидан ҳам чала. Одам боласи тушунадими? Биз-ку, қарғадан ошнанг бўлса, емишинг... дегандай, ўрганиб кетганмиз. “Сизнинг олдингизгами？”, деб жўрттага анқовсирайман. “Сиздан бошқа ҳамма тушган” эмиш. Худди менга олдин тайнинлаб қўйгандек.

Башарасидан маълум, бир амал теккан бунга.

Бўғилмайсанми шундан кейин. Ўзини кўрсанг зарданг қайнайди-ю, гапини эшигандан кейин айниқса... Бўғиласан, ҳаммага етган ҳаво сенга етмайдигандек бўлади. Ҳавога тўйсанг ҳам, тўймасанг ҳам алам қиласди.

Ўзи ҳаётга бир мартагина келасан, шунда ҳам Ҳеббимга ўхшаган нокасга ёзғириб ўтасан – ботиб кетади-да одамга. Бўлмаса, кунда нима айб, худонинг ҳамишагидек қарами кенг бир куни... Ҳеббимга ўхшаганлар кенг дунёни кўзингга тор қилиб юборади-да. Мана, деразадан қарасанг, одамлар bemalol, эмин-эркин яшаб юрибди-ку, ишга келишади, уйга боришади, кўчаларда юришади, бир-бирлари билан ширин сухбат қуришади, чақ-чақ қилишади... Сен эса эрталабдан Ҳеббимнинг турқига рўпара бўласан!

Менинг айтганларимга ҳам кўп ишонаверманг-ку, шу бўғилсам, енгил тортаманми деб атай ошираман, ёмон кўрганимга ёлғонни атай ёпиштириб ташлайман, тухматдан ҳам қайтмайман баъзан. Лекин ичимда. Бирор ҳисоб сўрамайди-ку, тўғрими? Бўлмаса, айтдим-ку. Ҳеббим ҳам худойим яратган бир жонзот, елканинг устида бир пўстаккалла, пўстакнинг тагида йилтир иккита тешик... Лекин бунинг қиликларига сира чидаб бўлмайди-да!

Ўзи оти асли Бегимқул бўлган, ҳужжатида “қул”ини ёзишмаган. Мен уйқаштириб Ҳеббим дейман, ичимда албатта; кўпчилик Ҳайкал дейди. Ростдан, бетаъсир – минг уриш, минг сўқ, парвоси йўқ, ҳишшайиб тураверади. Кўзи йилтиллашини айтмаса, нималигини билиб бўлмайди. ~айрат ака бир куни: “Буни бундай деманглар, ҳайкал зўр одамларга қўйилади, бу нима – постамент, тамал тоши. Устига нима қўйманг – фарқи йўқ, миқ этмай кўтариб тураверади”, деди. Ботир ўшандаги: “Унда, эшак эканда”, деди. Лекин лақаби ўзгармай қолаверди.

~айрат ака шунаقا топиб гапиради, доим унинг калласига беш кетиб юрардим, бир воқеа ўтди-ю, шу билан гапини унча ёқтирамайдиган, ҳатто ғашланадиган бўлдим.

Бир куни йўқ ердан Ҳожиқул Ҳеббим билан уришиб қолди. Ҳеббим, фаросатдан худо қисган, бир мундайроқ гап қилувди. Ҳожиқулнинг ҳамиятига тегиб кетди. Шу ҳам одамми, нимасидан хафа бўламан, деб ҳай берса-қу, олам гулистон, лекин чумолини гапирсанг ўзига олиб, бастини ростлайдиган Ҳожиқулдан ўтиб тушди. Бир сапчиб Ҳеббимнинг олдига борди-да: “Сен ҳайкални... онангни... Чавақлаб ташлайман лекин!” деб бақирди. Бир қўлинин орқа чўнтағига ҳам юборди-ёв шунда. Қалтирашидан, пичоғи бўлса, яна аччиқ устида бир нарса қилмасин деб ажратишга интилган эдим. ~айрат ака енгимдан тортиб, қулоғимга секин: “Эчки билан хўқизнинг урушидан зўр томоша чиқармикан”, деди Енгимни бу қўлим билан тортиб олдим, лекин орага тушмадим. Караб туравердим: Ҳожиқул титрабқақшаб бақиради, Ҳеббим ўша-ўша, ҳишшаяди. Менга эса ~айрат аканинг тиржайиши ўтиб тушди. Ҳожиқулдан жаҳлим чиқди. Қўлингдан келмайдиганни нима қиламан бақириб? Одам ҳам ўзини шунча хўрлатадими? Очиғи, худонинг ўзи кечирсин, Ҳожиқулнинг ~айрат акага қасдмақасд Ҳеббимни чавақлаб ташлашини ҳам истадим лекин.

Мен ҳамма нарсага баҳо берадиган ва ҳамма нарсада ўзини ҳақ деб биладиган одамларни, балки ўзим ҳам шундайдирман, азалдан ёмон кўраман. ~айрат ака бир қўрсин эди “Одамнинг табиатида йиртқичлик бор, у ов қилиб, ҳайвонларни ўлдириб туриши керак, хусури қонмаса, қонида тажовуз тўпланиб қолади. Урушларнинг олдини олиш йўли шу” деган гапига исботни! Шу одамга ҳайронман лекин: нима гап бўлса албатта битта назария тўқийди! “Дўқ уриш инсон қонида қадимқадимдан сақланиб келаётган ҳайвониятнинг инъикоси”, дейди масалан.

Сал ўтказиб тушдим. ~айрат ака, Ботир, Сафарниёз ака, Ҳожиқул билан мен бўлдик. Буларнинг авзоидан билдимки, Ҳеббим домладан топшириқ олган, лекин нима топшириқлигини айтганича йўқ, мени кутган, ҳамма унинг оғзига маҳтал. У менинг қўришиб-сўрашиб бўлишимга ҳам тоқат қилди, кейин худди биз гала бўлиб ҳозир бировнинг томорқасига кириб кетамиз-у, у қайтараётгандек, “Хо-ош”, деди. “Ҳайкал олиб келамиз” экан. Ботир пиқ кулди-ю, дарров оғзини йиғишириб, “Нима билан?” деб сўради. “Трамвайда”, деди Ҳеббим. ~айрат ака илжайиб: “А, трамвайдан бу ёғигачи?” деб суриштириди. Сафарниёз ака бир пасда росмана дардмандга айланиб, афтини тириштириди: “Бирга боришим мумкин, лекин юк кўтариш менга

мумкин эмас”, деди. “Ош мумкин-а?”, деди Ботир. Ҳожиқул бутун юк бир ўзига қолаётгандек зорланиб: “Ҳовлида аравағалтак бор-ку” деди. Ботир: “Шунча одам, күтаролмаймизми-я!”, деди. ~айрат ака яна аччиқ илжайди: “Ҳайкал – санъат асари, уни аравағалтакка солиб, балога қолмайлик”, деди. Ботир ирғиб турди-да, бу қўлига кўринмас кепка олиб, у қўлини кўринмас уфққа чўзиб, Ленин бўлиб берди. Ҳожиқулнинг ранги бўзарди, Сафарниёз ака уришиб берди: “Бунақа маймунликка, биласизми, неча йил беради?”. “Ленин маймунми?” деди Ботир. Сафарниёз ака тилини чўқиллатди. Ҳожиқулга жон кириб: “Битта ўзи кетса ҳам майли эди, бу ҳаммамизни...”, деди. Ботир чўчиди-ю, лекин хўрзлик қилди: “Бориб айтинг, Алиев қилди, мен қўшилмадим, деб”. ~айрат акага худо берди: “Нега индамай қараб турдингиз, бари бир, иштирокчисиз, дейишади. Ана, политехда ўн беш киши битта ҳазил учун кетди. Еткизганни ҳам тортиб кетишибди, ўзи бошлади деб”. Шундан кейин ҳамма бирдан жимиши. Боядан бери навбат тегмай турувди, ниҳоят сўрамоқчи бўлган гапимни сўрадим: “Ҳўш, обкеладиганимиз қанақа ҳайкал ўзи?” Бирдан Ҳеббимга савол ёғилди: “Кимнинг ҳайкали?” “Каттами?” “Ҳайкалми, бюстми?” “Қаердан олиб келиш керак?”

Ҳеббим жим.

Сафарниёз ака: “Лениннинг ҳайкали-да, бошқа кимники бўларди”, деди. Шунда Ботир: “Бор-у бизда Ленин. Яна биттасини ...ми”, деб юборса бўладими? “Ҳий-й!” деди Сафарниёз ака қўзи пешонасига чиқиб. Ҳожиқулнинг ранги қочиб, юпқа лаблари ўз-ўзидан пирпираб қолди. ~айрат аканинг кўзойнаги йилт этди-да, кўзини ёпди. Ботирнинг сўкиниши баралла эди, лекин ваҳимадан эшитмаганга олдик, ўзининг ҳам кўзлари ғилтиллаб кетди. Агар Ҳеббимнинг ҳануз ўша-ўша ишшайишини айтмасак. Айтдим-ку бошда, бунинг нималигини билиб бўлмайди, деб.

Яна жимлик қўл келиб, Ҳеббимга дона-дона: “Айтинг, домла қаердан кимнинг қанақа ҳайкалини обкеласиз, дедилар. Гапириңг”, дедим. Сизга айтмабман, жаҳлим чиқса ё бирон нарсадан бошим қотса, гапимни, айниқса саволни дона-дона чертиб айтаман. Ўзим ҳайронман шу одатимга, адашиб кетмай дейманми...

Буни қаранг, билмас экан! Домла эрталаб кираверишда унга: “Тўртбештанг бориб ҳайкални олиб келасизлар”, дебди. Бор гап шу, бошқасини билмас эмиш. Трамвайнин ўз калласи билан топибди, жониворнинг ишлаганини қаранг! “Билмийман, лекин борамиз. Мен хўп, деганман, ким бормаса, бормади, деб домлага айтаман”, дейди яна. Айтмади бу, бир марта айтган ҳам.

Бизда бир Ҳаким ака деган ишларди. Ўзи ёмон одам эмас, лекин кимнинг олдига кимлар келиши билан жуда қизиқар, айниқса қизу жувонни кўздан қочирмасди. Худди мутахассислиги шунданми дейсиз. Билмадим, кўрганми ё тўқиб чиқарганми, бир куни: “Домла котиба чой узатганда пиёлани мана бундок қилиб олади”, деб домланинг шу аснода Ҳолиданинг тирсагидан билагигача қандай силаб қўйишини кўрсатиб бизни кулдирди. Лекин Ҳеббим кулмади. “Бу билан нима демоқчисиз?”, деди. Ҳаким ака биз

кулганга маст, Ҳеббимга қараб: “Э-э укам, домламиз ҳам эркак, чиройли чиройли қизларни териб юради, демоқчиман”, деди. Ҳеббимнинг тузи ўзгармади, лекин қўзлари йилтиллагандек бўлди: “Тухмат! Мен буни бундай қўймайман”, деди. Ҳаким ака, жа унақа юраги ботир эмасди, лекин Ҳеббимни жини сўймаганигами, ишқилиб: “Қўйманг! Сизни эркак деб тухмат қилди, деб ўзларига кириб айтинг!”, деб тишини гиззилатиб қолди. Ҳеббим: “Айтаман ҳам!”, деди. Биз айтдиқўйди-да деб ўйлабмиз, чиқиб кетганига эътибор ҳам бермабмиз. Ҳали тарқалганимиз йўқ, Холида телефон қилди, Ҳаким акани домла чақиряпти, деди. Ботир: “Ух, Ҳайкал бориб айтган, шоҳим, сизни эркак деб тухмат қилди, деган”, деб ҳазиллашди. Ҳаммамиз қулдик. Ҳаёлимизга ҳеч нарса келгани йўқ. Мен чой қўйдим, ҳали шиша банкадаги сув вижиллаганча йўқ эди, Ҳаким ака қийшиқ илжайиб қайтиб келди. Фақат Сафарниёз ака: “Ҳа?”, деди, сезгир одам-да. Ҳаким ака бошини ғалати чайқади: “Домла менга янги лавозим очмоқчиман, шу ўринга сиз жуда бопсиз, десалар, эплай оламанмикан, депман, жуда эплайсиз, дедилар, мен ҳам майли, сиз нима десангиз шу-да депман. Рози бўлишдан олдин қанақа лавозим деб сўрамайсизми, дедилар. Мен аҳмок сўрабман ҳам. Менга ҳарам оғаси бўласиз, нечтасининг билагини силаганимни санаб юрасиз, дедилар”. Бунақа пайтда ишонасизми, одамнинг калласига ҳеч нарса келмай қолар экан. Лахзада етим бўлдик, Худди бошимизга ногаҳон ажал келгандек. Нуқул бир-бирилизга жовдираймиз. Ажалнинг ўқи ҳам бунча бефаҳм бўлмас. Худди отамизни бир телба ўлдириб қўйгандек. Телбага нима ҳам дейсан!? Нега ўлдирдинг, деб сўрасанг, ўлдираман, деб олдиндан айтдим-ку, деб турса. “Айтаман, дедим-ку сизларга. Айтдим-да. Мен тўппатўғри одамман”, дебди.

Кўрдингизми унинг қандай тўппа-тўғрилигини!

Бир ойча у билан гаплашмай юрдик, лекин бир жойда ишлагандан кейин юз юзга, кўз кўзга тушади, ҳишшайиб қўлини чўзиб турса, қандай қайтарасан, бир тескари қарайсан, икки тескари... Кейин... бу ўртада Ҳаким ака ҳам ишдан бўшаб кетди.

Ҳеббимга ҳатто ноқулай ҳам бўлгани йўқ.

“Ўв, бўлмаса, бориб домладан анигини сўраб келинг”, десак, бунга ҳам йўқ дейди. Домла шуни ҳам эплолмадингми, деса, қанақа одам бўлар эмиш. Одам! Шу-я?!

Тортишдик, калламизга жўяли фикр келмади. Бу тўнка-ку маълум: бормади булат, мен нима қилолардим, деб тураверади. Ҳар биримиз ўзимизча шуни ўйладикми, кўп тортишмай, оғзимдан илиниб, домлага мен борадиган бўлдим. Кўчада ғижиллашиб туравермаймиз-ку.

Долонда бораётиб, менга айтмай домланинг олдига кирибсиз деб ёзгириб юрмасин, деган андиша билан Аҳмаджон аканинг хонасига бош сукдим, у Холидага суқланиб қараб ўтирган экан, сал ранги қочиб нима гаплигини сўради. Мен тушунтирдим. Пешанаси тиришиб кетди. “Менга индамадилар, сизларга айтган бўлсалар, албатта, бориш керак”, деди. “Бориш керак, лекин қаёққа? Шуни билмаяпмиз-да. Домладан сўраб беринг”, дедим. Аҳмаджон ака ўрнидан туриб кетди. “Илмий котиб завхозми сизларга – нима

бўлса мени рўпара қиласизлар. Билмайман мен, лекин борасизлар” деди. “Бўпти, сухбатингизни бузманг, ўзим сўрайман” деб эшикни ёпаётсам, Холидачаси нима дейди денг! – “Домла академияга кетдила-а!” Шуни олдиндан айтса бўлмасмиди?

Э-э, бор-э, менга нима, деб чиқаётган эдим, долонда Шермат учради. Рассом – ҳайкал-пайкал қаерда бўлишини шу билади.

“Комбинат иккита, - деди у. - Қайсиси?”

Ўзим билмаган нарсани бунга қандай тушунтираман. Шартта қўлтиғидан олиб ташқарига, ҳалиям Ҳеббимга қараб тумшайиб турган шерикларим олдига судрадим.

Гапни бир жойга қўя олмаганимиздан, иккаласига ҳам борадиган бўлдик. Ҳайкалнинг пири ўзинг, домла шуни билиб, энг зўрини Шермат танлайди, ўзи бошчи бўлиб борсин, деганлар, деб алдаб Шерматни ҳам қўшиб олдик. Шермат унча ишонмади-ю, лекин биз билан трамвайга чиқди. Биринчисига бордик. Шермат билар экан, тўппа-тўғри ҳовлисига бостириб кирдик.

Ҳайкал деганининг макони шу ер экан. Саноғи йўқ, Одамдан отгача, кийикдан кучуккача – ҳаммасидан бор. Не-не виқорли улуғлар бу ерда ағнаб ётибди. Битта Лениннинг ўзидан эллиги бор-ов. Йигирматачаси калланинг ўзи. От минган, гимнастёркали комиссарларми, Фрунземи, булар ҳам бир ўн бештacha. Спортчилар, колхозчилар, шахтёрларми-эй... Хуллас, ҳаммаёқ ҳайкал. Жуда катталари ҳам бор, лекин булар бўлак-бўлак, оёғи, бели, боши алоҳида, ҳар ёқда тумтарақай ётибди. “Буларни бир-бирига кийиштиришади”, деди Шермат. Сафарниёз ака анча таъсирланди: “Кийдиришгунча одам кўзидан панароққа қўйишмайдими? Ҳар ҳолда санъат асари, жудаям ёмон кўринар экан. Одамнинг кўнглига ҳар хаёл келади-я”, деди. Шермат сал энсаси қотиб: “Ҳаммаёғи девор билан ўралган, яна қанақа пана жой керак. Кейин, нима бўпти, катта ҳайкаллар шундай бўлак-бўлак тайёрланади”, деди, Ҳожиқул эса: “Салобати йўқолиб қолар экан”, деди. “Айримларга нима, - деди ~айрат ака, - бир тошнинг устига яна биттасини кўнқайтириб қўйса, ўшанга ҳам сажда қилаверади”. Ҳеббимга қараб турибман, бўйни жиқ-жиқ терга ботган, лекин ~айрат аканинг гапини тушунмасликка олди. “Буларнинг ҳаммаси буюртма, ҳали катталари каттакатта майдонларга, кичиклари колхоз-совхозларга ўрнатилади”, деб тушунтирди Шермат.

Офтоб кўзга уради, иссиқ, шу ҳавода мижинг-мижинг тортишиб юравердик. Биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Буларни ўғирлаб кетишмасмикан, деб ўйладим-да, кейин олиб бориб қаерга бекитиқча ўрнатади, дедим.

Бир жойда жуда каттасининг бўлаклари ётган экан, этикнинг ўзи қайрағочдай баҳайбат, елканинг ўзи супадай, ўртасида ўпқондай ўйик, каллани шу ерга кийиштиришса керак-да. Кўкракдаги тугманинг ўзи рапидадек. Баҳайбат нарса бўлак-бўлак ётибди-ю, ҳаммасининг нимасидир таниш. Шунинг учунми, арқон билан пешанасининг таги, кўзининг устидан, кейин буруннинг остидан, яна иякнинг тагидан сириб боғланган улкан каллани кўрибоқ бу кимнинг бўлаклари эканини билдик – Ленин. Каллаки, маҳалланинг иккита дошқозони бир-бирига қопланган, ундан ҳам катта, жуда

кatta! Калла дегани, ҳайкалники бўлса ҳам, елкада туриши керак шекилли, ерда бир ўзи турса, ҳақиқатан ҳам одамга жуда ёмон таъсир қилар экан. Қўрқинчли. Яна уч жойидан сирмалган арқонларнинг учи унинг қоқ тепаси – тепакалнинг ўртасидан ўйилган тешикдан чиқарилган, буни кўрган одамнинг миясига минг хаёл келади. “Воҳ, Сафарниёз, ёзсангиз бўлди, аниқ қамашади лекин”, деб ҳазиллашди ~айрат ака. Ботир: “Мияси моғорламасин, шамол кириб турсин, дейишган-да”, деб қитмирлик қилди. Ҳожиқул жаҳли чиқиб: “Сиз жонингиздан тўйган бўлсангиз, бошқалар шундай эмасдир”, деди. Шу аснода Ҳеббим: “Ана шу калланинг ўртасидаги тешикдан чиқсан арқонларни кранга илдиради, кран билан катта машинага ортишади”, деб билағонлик қилди. ~айрат ака бунга энди ақли етгандек “Э-э... шунақами” деб чўзди. Ҳеббим шунда яна бир доно гап айтди: “Каллани елкага кийдиргандан кейин арқонни ечиб олиб, тешигини суваб қўйишади”, деди! Э-э, шу ақлни берган отангга раҳмат, дедим ичимда.

Хўб айландик, нимага келганимиз ҳам эсдан чиқа-ёзган эди, майдоннинг охиридаги баланд чинор тагида бир одам қопқора лойга беланиб, куймаланиб турган экан, ёнига бордик. Одам бўйидан анча баланд, қаддини тик тутиб, бир қўли билан соқолини тутамлаганча ўйга чўмган саллали одамнинг ҳайкали, Форобийми, Берунийми, Ибн Синоми, ишқилиб, шарқ алломаси. Катта ҳайкалнинг олдида кичкинаси, бўйи бир газча келар, шунга қараб каттасини ишляяпти экан, Эгасига салом бердик-да, томоша қилишга тушдик. Бизга роса қизиқ-да, ҳайкалтарошнинг ишини кўрмаганмиз. ~айрат ака ҳайкалнинг айланиб томоша қилди, офтоб томондан, тескарисидан қаради, узоқдан туриб, иягини ушлаб тикилди. “Мана, қаранг, ҳайкал чизиклар гармониясига қурилади, сиз буни тушунишингиз керак”, деди менга худди икковимиздан бошқа ҳеч кимнинг бунга ақли етмайдиган алфозда. “Салла ўрамидаги чизикларни қаранг, пешанадаги ажинларга уйғун, улар ўз навбатида соқолдаги чизикларга, соқолдагиларга қўлга, қўл эса тирсак билан яхтакнинг бўртмаларига уланиб, тикка оёққа тушган, пойафзалнинг учлигини кўраяпсизми, ҳаммасини бир-бирига боғлиқ - тепадан – бошдан оёққа – пастга тик шаршарадек қуишлиб тушган тошқин фикр!” ~айрат ака ўзи топган гапларга ўзи жўшиб кетди.: “Энди пастдан қаранг: тепага интилган шиддат! Исён – фикрнинг исёни! Бу аср қолоқлигига қарши кўтарилиган фикрга қўйилган ҳайкал.”

Охирги гапни бошқалар ҳам эшитди. Ботир ожизланиб, ҳавас билан қараб қўйди. Ҳожиқулнинг энсаси қотгани аниқ билинди. Сафарниёз ака шунчаки маъқуллаб бош ирғади, у чарчаган, чанқаган, устига устак, уйқуси ҳам келаётган эди. Шермат, таниш экан, аллақачон ҳайкалтарош билан суҳбатга киришиб, нима масалада келганимизни тушунтириб ётган эди, бўлмаса, ~айрат аканинг гапи учун менга “Ким қайдаги қуруқлар билан ошначилик қиласиз-да”, таъна қиларди. Фақат Ҳеббим ишшайиб: “Фикрга ҳайкал қўйиладими-я, бу Берунийнинг ҳайкали-ку”, деди.

Ҳайкалтарош шу иссиққа қарамай бошига бўғирсоқдай қилиб берет қўндирган дароз, бети бужур бир одам, балонинг ўқи экан, гапимизни тушуниши билан: “Сизларни ҳужжатсиз, рухсатномасиз қайси аҳмоқ юборди

ўзи?!”, деди. Ҳеббим даррор ўзига келди: “Аҳмоқ деманг! Бизни домла юбордилар”, деди. “Нима, домла сени ҳайкал олиб кел, деб юбордими?”, деди ҳайкалтарош. “Ха”, деди Ҳеббим. Ҳайкалтарошнинг аччиғи келди: “Хўп, мана ўша ҳайкал. Елкангга ортиб кетавер”, деди. Ҳеббимнинг шунда башарасини қўрсангиз, “Бу ҳали қуримаган-ку, эзилиб кетмайдими?” дейди! Бу тўнкага шунча гап етиб боргани йўқ, ҳали ҳам бўлса бир амаллаб олиб кетиш пайида, Ҳайкалтарош ҳали ҳам вазмин одам экан, Ҳеббимга эмас, бизга тушунтириди: “Кеча домла билан кўришувдик, конференция олдидан иштирокчиларга Берунийингизни бир кўрсатсак, дедилар, мен, майли, иш тугасин, макетини берарман, дедим. Лекин эрта ё индин одам юборинг деганим йўқ. Тугатай, кейин бераман, деганман”. “Э-э, буниси кичкина-ю, конференцияга каттасини қўйиш керак-да. Буни обкетмаймиз”, деб Ҳеббим баттар ҳайкалтарошнинг энсасини қотирди.

Ҳеббимнинг ҳамишаги тўнкалигими ё домла тушунмаганми, хуллас, бекорга келган эканмиз, бекорга қайтяпмиз. Ҳаммамиз мулзам, эзилган, бир аҳмоқقا эргашиб аҳмоқ бўлганимиздан ўзимиз ҳам хуноб. Айтдим-ку, уни сўккандан ҳам, уришгандан ҳам фойда йўқ. Кон бўлганингиз зиёда.

Яна трамвайга чиқдик. Фақат мен эмас, бошқалар ҳам чарчаган, бирорнинг бирорга гапиргиси йўқ. Нима учундир ҳамма нарса барибир, ҳафсала ўлди, трамвайдада тик турган бўлсам, шу туришимда, шу карахт қўйимда шаҳар оралаб қўчадан эмас, худди дунёдан ўтиб кетаётгандайман. Ростдан, тик турибман, шерикларим тик турибди, қийналиб йилтираётган дараҳтлар, пардадек осилиб қолган кўқимтири тутун – ҳаммаси минг йил шундай туради-ю, лекин ўзинг бу дунёга хозир трамвайдада келиб, унинг деразасидан қараб... ўтиб бораётгандайсан. Уйинг, ота-онанг, ишхонанг, севганинг – фақат хаёлингда бўлган, ўзинг тўқиб чиқарган уйдирмага ўхшаб қоларкан. Караҳт бир донолик, фақат ич-ичингда бир афсус, ўзингга бир ачиниш...

Ҳеббим ҳам қандайдир чўкиб қолган, ўзича бир нарсаларни ўйляяпти, фил миясига хижолатга ўхшаган фикрлар келган шекилли, бошини баланд кўтарган бўлса ҳам, жовдирланқираб қарайди. Сафарниёз ака, боши эгик, кўзлари очик, мудрайди. Ҳожиқулнинг тишга қараган кўзлари қотиб қолган, маънисиз. Ботир ҳаммамизга бир-бир илинж билан кўз ташлайди, лекин сўз қотишга ботинмайди. Шермат алланечук чорасиз кўринади, кап-катта йигит худди етимга ўхшайди шу тобда. Ўттизга борган, оиласлик, йўлини топган йигит етим бўлса нима қилибди, деган ўй келмайди одамга.

Жуда ториқиб кетдим. Одамнинг умри шундай ўтиб кетса, эртага майдонда савлат тўкиб турадиган ҳайкалнинг бошини жойига ўрнатиш учун албатта тепасидан ўйишса, кейин сувашса, мудом шу институтда, шу одамларнинг орасида ишласам, шундай яшайверсам, бир-бирига тўғри келмайдиган ўйлар келади калламга. Бу ёғи шу-да энди, дейман, шу гапни ҳам хаёлимда жуда эринчоқлик билан айтаман, худди фикрларим ҳам бу иссиқда эриб бораётгандай.

Трамвай бўлса юлқинади, лопиллайди, бир қўлимиз билан тутқичга осилиб, биз ҳам чайқалиб кетяпмиз.

Трамвай бекатда түхтади, яна юрди, одам тушди, кирди ва шу вақти... бир қизил, йўқ, алвон, йўқ-йўқ, қирмизи... ловуллаб турган кўйлакда бир қиз трамвайнини ёндириб чиқди. Ҳамма ёқ қизил, алвон, қирмизи яшнаб кетди. Ҳудди бир меҳрибон одам “Хе нодон, ўзингга қамалиб олмай, атрофга ҳам бир қара!” деб қоқ пешонамга, икки қошимнинг ўртасига қарсиллатиб туширгандек, қўзимга олов урилди. Бирдан дунё ўзгариб кетди-да. Э-э, бу қиз эмас, билмайман, бир гув этган алангами, жинсми, фариштами, ишқилиб, қараб туриб бўлмайди, кўз чидамайди, хали юзини, ўзини тузукроқ кўрмай, биляпманки, жуда гўзал, сўлим, сулув, дилбар, таърифга тил айланмайди. Яна нима десам? Одам бидирлаб қолади! Сўзнинг ранги ўчади таърифига. Бу гўзал шу пайтгача қаерда бўлган, ердами, қандай маконда, нима еб катта бўлган экан, бизга ўхшаб нон-чой биланми, ота-онаси занжабилми ё бошқа бир анвои мевалар бериб ўстирганми... умуман бу ўзи онадан туғилганми ё... шу ҳам бирор йигитни яхши кўрармикан... ичимдан бир оҳ келди, одам боласи ҳам шунчалар бўладими, ўзингиз айтинг, шунчалар бўладими, деб бақирдим-ов ичимда. Парпираб туради-да ўзи ҳам!

Унга қараган одам нега гавдам қийшиқ, нега кўзларим чақнаб турмайди, нега бундай пачоқ қилиб яратилганман, деб ўз-ўзидан ўксиниб кетади, қарай олмайди, эй-й, нега мен эзилиб юрибман-а, ахир, ҳаёт мен яшагандан мутлақо бошқача экан-ку, бу дунёда баҳтиёрлар бор-ку, мен нега бундайман, деб ўзига қарши исён кўтаргиси келади.

Кўйинг-чи, мен шу тобда дунёни тамом унутиб, мана шу қизга асир эдим, фақат мен эмас, темир трамвай шу қизни деб юраётган, бундаги одамлар ҳам шу қиз айтгани учун ҳудди шу йўлдан бораётган эдилар.

Сафарниёз ака “Ҳий-й”, деб юборди.

Бошқа шерикларимга қарадим. ~айрат ака, калласи жойида турмайди, бир қизга, бир-бир бизга қарайди, кўзойнаги йилт-йилт чақнайди, илжайиши худди бетига ёпишиб қолган расмдек лишиллайди, Шерматнинг оғзи ним очиқ, тишлари йилтирайди, кўзлари секин ёнган; қизнинг ҳар бир аъзосини: юзи, сочи, елкалари, кўкракларини, оёқларини бир-бир ушлаб кўраётганга ўхшайди, ҳатто мўйловигача диккайиб қолган. Ҳожиқулнинг эса кўзи сал ғилайланиб қолган.

Ў, Ҳеббимни кўриш эсдан чиқаёзибди: у бир-бир бизга, бир қизга қарайди, ҳишшайишида қандайдир, гўё: “Ҳех, буларга жон кириб қолганини қара!” дегандай одамни пастга урадиган ғалати бир завқ бор.

Сафарниёз ака секин енгимдан тортиб, оғзини қулоғимга олиб келди-да: “Ҳамма ишингни ташлаб кетсанг-да шу қизнинг орқасидан... Э-э, яшайсан, яшайсан, бир яшайсан-да...” деб қўл силтади.

Ҳожиқул бу гапни эшитган экан: “Орқасидан боринг, панароқса ўтгандан кейин, нархини айтади”, деди қизга етишини хаёлига ҳам келтиролмайдиган бир алам билан.

“Нима бўлганда ҳам сизга кўнмайди”, деб рашиклиди Шермат.

Ҳожиқул хунук илжайди: “Кўнади, бунақалар фақат пулга юрсин-да”, деди.

Сафарниёз ака: “Э-э қўйинглар шунаقا гапларни. Шундай чиройли қиз, гулдай очилиб турибди”, деди ҳасрат билан.

“Очилгани билан, бари бир, биروف узади, аллақачон узган ҳам. Қаранг, ака, анча күрилган, бўлмаса бунча етилмайди”, деди Шермат.

“Кўзини қаранг, ейман, дейди”, деди Ҳожиқул.

“Шермат, ука, сиз рассомсиз-ку, гўзалликни тушунасиз, қаранг, қандай чиройли! Нима ишингиз бор, бузуқми, йўқми, сизларники эмас-ку. Қаранг, кўзингиз дам олсин, кўнглингиз қувнасин, одамлар қўрсин, қўриб роҳат қилсин, деб яратилганку бу гўзаллик. Боши бўм-бўш ҳайкалга ҳам сифинамиз-ку”, деди Сафарниёз ака хафа бўлиб.

Шермат яна бир нарса демоқчи эди, ~айрат ака орага суқилди: “Нимани тортишяпсизлар? Шу... гўзалми? Гўзаллик нима эканини биласизларми ўзи? Сип-силлиқ бу, ҳамма ёғи ширғай, нигоҳингиз тойиб кетади. Гўзалликда қирра бўлади, тушунасизми, қирра, кўзингиз шу қирраларда тўхтайди, шу тўхтамларда фикр пайдо бўлади. Бу қиз қанақа – ҳамма жойида одамнинг кўзи сирғалиб кетади, бирон нарсани ушлаб бўлмайди, бўм-бўш. Сизларга ҳам ҳайронман”, деди. Бу гапдан кейин ҳамма жимиб қолди. Нимагадир жуда ғашим келди: “Хўп, майли, сизнингча бўлсин, қизнинг ҳалиги... қирраси йўқ, лекин, айтинг, қирралиги қанақа бўлади? Битта мисол келтиринг, чиройли киноюлдузлардан бўлса ҳам”, дедим. ~айрат ака аввал бошини чайқади-да, кейин “Киноюлдузлардан?! Бўёғ-у уларнинг ҳамма ёғи, қирра нима қиласиди?”, деб калта кулди. Жуда жаҳлим чиқди: “Бунга ҳам хўп. Сиз айтган қирралиқ гўзалга Дилором мисол бўладими?”, дедим. Дилором узун бўйли, қоқсуяқ, инжиқ, заҳар, кўп китоб титкилайди, лекин ўқигани юқмайди. “Ҳайронман, шу буржуа олимлари нега доим тескари холоса қилишади-я”, деб юради, негадир ~айрат ака шундай калласи бўлиб, у билан яқин, ғудинг-ғудинг сухбат қуради, мақолалари балодай чиқади, ҳамма устидан ~айрат ака қараб беради, дейди, мен, очиғи, аниқ бир гап айттолмайман, шу қариқизнинг ақлхонасида тайнли илм бўлишига ҳам ишонмайман, агар ҳам баъзи шоирларга ўхшаб, яrim кечаси ичиб олганда илҳоми келиб қолмаса. Саволимга келсак, ~айрат акага ботиб кетди, кутганимдек менга қараб “сен билан тенг бўлдимми-я” деган маънода бир тиржайди-ю, терс бурилди, Ботир биқинимга туртди, биламан – исида “Маладес!” деди.

Бу орада Сафарниёз ака бошини тебратиб, “Ўй! Ўй!”, деб инграганди, яна бирон касали тутди, деб қараб қолдим. У завқини шунака билдираётган экан. Э аттанг, ~айрат ака билан манжашиб, Сафарниёз аканинг ўй-бўйига алаҳсиганимда қиз аллақачон олдинги эшикка етиб олган, тушишга шайланиб турган экан, трамвай тўхташи билан тушдию кетди. Ерда одам сийрак эди, одамлар орасида у баландгина адил қомат, қизил куйлакда, хипчагина қаддидаги ҳар бир бўртган жойи худди кулол дастгоҳда меҳр билан юмалоқлагандек бежирим кетиб боряпти, дод деворгинг келади.

Шу пайти Сафарниёз ака: “Э ўтирумайман сизлар билан, нима яхши нарса бўлса бўлғаб ташлайсизлар! Одам эмассизлар-да шу”, деб ўрнидан кўзғалаётган эди, Ботир елкасидан босди: “Одам эмасмиз, деб айтинг, ака, сўлакайини оқизган биринчи ўзингиз-ку, биздан авло жойингиз йўқ. Нима, нарёқдагилар унга қарамадими, бир қаранг, уларнинг ҳам калласи ўша ёқса

бурилган”, деди. Сафарниёз ака елкасидан унинг қўлини олиб ташлади-ю, жойидан турмади.

Трамвайчи темирини кўтариб тушди. Қиз секин бир-бир босиб кетаётган эди, трамвайдагиларнинг кўзи ўша томонда, назаримда, ҳамма лол.

Ана шу пайти Ҳеббим гапга кирди. Ҳеббим ғаламис бир гапни айтди, негадир тирик жонга ўҳшаб, кўзларига бир маъно кириб гапирди: “Зўр, зўр, дейсизлар. Фех-ҳ! Ҳаммаси –хотину қизнинг пошшоси ҳам... ўша ишнинг гадоси... Ўша пайтда ҳаммаси бир гўр бўлади. Ҳеббим гапини тугатмай, бирдан ҳингил-ҳингил қилди. Ҳали унинг нимани тасаввур қилишига ақлимиз етганича йўқ, хунук бўлса ҳам, ишқилиб, кулишни билан экан-эй, деб ғалати бўлиб турибмиз, ~айрат ака, кейин тан олдим, бари бир, соддалиги бор, умуман, ёмон одам эмас, “Тушунмадим, Бегимбой, ўша ишингиз нима ўзи” деб чин кўнгилдан сўради.

Ҳеббим шунда... қиздан қўзини олиб, бизга қаради, гўзалларнинг кетворгани ҳам, бари бир, нима қилишини айтди! “Қойилми!” дегандек яна ҳингиллади. Шунда қўзимга унинг шу ҳингиллаши суюқ бир нарсага ўҳшаб ялпоқ бетига ёйилиб кетди, ўлай агар, қўзимга шундай кўринди.

Бирдан юрагим эзилди, узоқлаётган қиз худди уни Ҳеббим булғалагандек, энди мумсик, хунук кўриниб кетди.

“Э-э... одам эмас экансиз!” деди Шермат.

~айрат бир гап айтмоқчи бўлди-ю, гапи оғзига тиқилди, жирканган кўйи қотди.

Сафарниёз ака сапчиб туриб, нари кетди, ўша ёқдан туриб, суф сенларга дегандек қўл силтади.

Ботир Ҳеббимга тик қараб: “Одам сасимасин экан, ёмон бўларкан！”, деди.

Ҳожиқул унга унсиз жўр бўлиб, бош ирғади-ю, негадир жовдираб менга қараб қўйди, қўзимнинг қирида илғадим буни.

Ҳеббим ҳаммамизни уриб ташлагандек яйраб ҳингиллайди. Шу туришига қараб турганимда калламга ярқ этиб бир шубҳа урилди: пойлаган бу, ҳозир ҳам пойлаб юради, пойлашни яхши кўради, шундан роҳат олиб юради, номланиши эсимга келмаяпти, бир нима “изм” деган шунақа касал бор, жинси бузуқлик, бу ўшанақа, деб ўйладим ва шуни бетига айтдим. “Ўзингиз кўргансиз, пойлаб юрасиз-да, а?, дедим, ҳозир бутимга тортиб юборади деб, шайланиб ҳам турдим. Йўқ Ҳеббим яна худди ҳингиллашини тўхтатолмагандек, “Нима бўпти？”, деди, кейин ўзини тутиб олди-да, беозоргина “Пойламаганда билмайманми？” деб ғулдиради.

У нимани айтган эди, мен буни сизга атмай, бу-ку – ифлос, лекин сиз нима гуноҳингизга шу гапни эшитишингиз керак?

Энди айтинг, мен шундай одам билан бир жойда ишлайман, шу билан бир ҳаводан нафас оламан. Яна, қаранг, ҳайкал деб ҳаммамизни аҳмоқ қилди, майли, баҳарнав бир гўзални кўрдик, кўзимиз яйрасин, деганда, майли, ~айрат аканинг гапи, ҳамма нарсадан қиррами, тумшуқми ахтаради, лекин Ҳеббимни қаранг, росмана одам шу гапни айтадими? Яна ҳингир-ҳингир қиласи, ҳаммангни бопладимми дейди! БўғИлмай бўладими?! БўғИламан-да,

ахир, ҳаммага етган тоза ҳаво менга етмаётгандек бўлаверади. Э-э худо, дейман, мени-ку яратибсан, нима қилардинг Ҳеббимни яратиб, дейман, ҳаммани одам қилиб тўратасан, нега буни бунақа бино қилгансан дейман, хунобим ошади, ёзғираман, кейин ёлғиз қолган пайтларим истиғфор айтаман, тавба дейман, шу дунёда борлигимга, эгамнинг ўзи мени Ҳеббимга ўхшатмаганига, тириклигимга одамларга одамга ўхшаб, гўзал, чиройли, сулув, сўлим, моҳитобон, малоҳатли қизларга – бокира фаришталарга мияси айнимаган тўрт мучали бутун, йигитга ўхшаб қарашимга, соппа-соғ одамлигимга шукр қиласан.

Ха энди, баъзан бўғиласан-да одам, умр шунақа нарсалар билан ўтиб кетаётганини ўйлаб...

ҚАТАФОН ЙИЛИ

Ҳикоя

Яхшигина изғирин, юрганда баҳарнав, бетни ялайди, фақат қулоқни жиз-жиз ўради, лекин бир жойда турганда этакдан кириб, баданни дилдиратади, ёқадан худди оқаётгандек қуйилади – бўйнимни қисиб олганман, анчадан бери турганимдан елкам қўнишибқотиб, худди бир умр шундай бўйнимни қисиб яшаб келаётгандекман, хаёлимга минг хил умидсиз ўйлар келади, минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг ноябри, бўлмаса, университетни нуқул “аъло”га битирганман, ўн йилдан бери Тошкентдаман, лекин бор пулим чўнтағимда, боргунимча йўлкирага етади холос, мендан олти ёш кичкина Эшназар боя ўзининг “Жигули”сида Жонбойдан қайтди, мен йўлдан ўтган машинага сарғаяман, бу ёғи буюқ, қаҳратон қиши, кўклам сира келмайдиган, кунлар энди илимайди.

Далаларда яккам-дуккам бирчигит қолган, совхоз октябр ойи ўрталарида планни дўндириб бажарган-у, элу юрт ҳали ҳамон шу бажариқни тўлдиролмай жон-ҳалак, бўл-ҳа-бўл ҳиқилдоққа келган.

Офтоб – бетаъсир шиорга ўхшайди – чараклайди, тафти йўқ, чор-атрофга эски увада сочиғандек – кир қор.

Машина ҳар замонда ўтиб қолади, бари тўла, бирон тазияли жойга бораётганини айтмаса, берухсат юриш йўқ, йўлда ҳужжатини олиб қўядилар; боя автобус ванғиллаб ёнбошлаганча тўхтамай ўтиб кетди, умид шундан эди, буни ҳам эгам кўп кўрди.

- Кўлинг толгандир, менга бер, - деб қалин кийимда пиш-пиш ухлаётган ўғлимни аясининг қўлидан олдим.

Обрўни қўлдан бермай, хотинни гапга алаҳситаман:

- Манави йўл Исталин, Пўшкин, Қўлбости, Ленинобод, Калелин, деган қишлоқларимиздан, буниси Еттиуруғ, Каканович, Ботбот, Наврўзтепадан келади, бу ёқда Мўлтип, Кўйбешип, Варашилоп деган қишлоқларимиз бор.

- Мўлтип – шўнғиб деганими ё Молотовми – деб қизиқсинади хотиним.

- Мўлтип – Молотов, Каканович – Каганович, Варашилоп – Ворошилов... майда колхоз замонидан шу отлар келяпти, ўзлари урилиб, кимлиги одамларнинг эсида ҳам йўқ, лекин оти эл оғзида қолган. Кўйбешип – Куйбишев... Қизиқ-да, мана “Саноат”, “Давлатли турмуш” деган қишлоқларнинг оти ҳам шунаقا. Биттасининг оти “Емхашак”. Эй, зўр-эй, молбозорда “Мўлтиппинг моли”, “Кўйбешиппинг моли” деб туришади. Масалан, Какановичнинг моли Москвага тўғри келмайди, чунки Москванинг ҳавоси паст Какановичнинг моли ерда чидамайди, иссиқлаб қолади. Зўр-эй, йўлда, ўзинг кўрдинг, Свансовхоз деган жой бор, “Қайдан бўласиз” десанг, “Свансапхоздан”, дейишади, “Йўқ, асли туғилган жойингизни айтинг”, десанг “Туғилган жойимиз ҳам шу Свансапхозда, у ёғини билмасак”, дейишади. Қара-е, бошқа ёққа бурсанг, нима маъно чиқади.

Изғиринда гапираверса одамнинг жағи ҳам оғриб қолар экан, акам ғир этиб “Перекўска”га – Тошкент йўлига ташлаб келарди, шу вақтига келиб мошини бузилиб берганини қара, ёш бола билан ҳаммага томоша бўлиб турибман, деб ичимга сиқиламан. Бу орада ўтган-кетганлар билан саломлашиб ҳам тураман: Бирори узоқдан бош иргайди, бирога икки қадам бораман, ёнимга келгани қўлимни ҳовучлайди бошқаси қўл олишади-ю, пичирлаб қўяди ё бўлмасам, худди таъна қилаётгандек “Ҳа-а” дейди, бошқа сўз қотмайди, айбинг бордек довдираисан. Отда, эшакда ўтаётганлар жилов ё нўхтани номига бир тортиб, ияқ қоқади – ё саломи, ё алиги; машинада кетаётганлар худди танимагандек хўмрайиб келади-ю, бирдан бурнини силкитади – бу ҳам ҳисоб.

Катта йўлнинг чорраҳаси, чорраҳасида гап қўп, қишлоққа жуда кам келаман, тўй-маракага аралашиш йўқ, тобуткаш бўлолмайман, келганимда фотиҳалик жойларнинг ҳаммасини бир қилиб кириб чиқаман, ҳамқишлоқларим билан кўришиб сўрашадиган жой – шу чорраҳа, шу ерда туришимга қараб, қандайлигимга хулоса чиқаришади, боя Абдужалил додмуомала қилгандан кейин бир хотинимга бир шляпамга қараб қўйди-да: “Сен ҳам энди қишлоқдан узилдингда”, деб кетди.

- Шунча қишлоқнинг барига бизнинг ~азира – марказ. Бозори бор-да. Бозор бор қишлоқ теварагидаги ҳамма қишлоқни бирлаштиради, уларга ўқтамлик қиласи, одамлари ҳам уддабурон бўлади. ~азиранинг ўзидан учта профессор, ўттиз нечта кандидат чиққан. Илмга бундай берилган қишлоқни эшитмаганман. Битта Отабой деган жой бор. Лекин у Туркистонда.

- Шундай қишлоғингизга алоҳида автобус қўйишса бўлмасмикан? – дейди хотиним маъюсланиб.

- Ҳа, кеп қолар, - дейман, - чаккифуруш күпайиб кетади дейишади-да. Шусиз ҳам Самарқанд бозорида “чакки қаерники?” десанг, ҳаммаси “~азираники!”, дейди. Сен бу гапларни қўй, қара, мелиса келяпти. Қандай пар тушган қишлоққа! Бекорга алоҳида мелиса кўйишишмаган!

Ростдан, Сталин томондан мелиса келаётган эди, бизга яқинлашиб қолган.

Хотиним тирсагимга туртди:

- Қаранг... бир чол киши сўрашаяпти.

Бу ёққа қарасам – Сайдбово, ~азирадан чиқиб, ~аровтепасига қайрилиш жойда тўхтаб, биз томонга жилмайиб, тез-тез бош ирғАяпти. Товушини эшитмасам ҳам, калласини қимирлатишидан нима деяётганини биламан: “Э-э, эшонбово, яхшимисиз? Қайтяпсизми?... Бир келган экансиз-да. Тошканлар яхшими? Э-э, келин шуми?... Шундай-шундай кеп туриңг-да...” Шунга яраша жавоб қиласман: “Ўзингиз яхшимисиз? Бизнинг синфдош Ўрин қандай? Неваралар... Ҳа, шу, қайтяпмиз энди...” Албатта, у ҳам эшитмайди – орамиз анча, бақириб сўрашмаймиз-ку кўчада.

- Бориб саломлашмайсизми, ёшлари улуғ экан, - деди хотиним.

- Биз-да шунақа, ҳаммаси бош билан, қимирласа – бас, - дедим.

Ростдан ҳам шунақа, кўрмай қолмасанг бўлди, ишқилиб.

Лекин Сайдбово сўрашиб бўлгандан кейин йўлни биз томонга солди. Дўконга кирмоқчи шекилли. Бари бир ёнимдан ўтади, икки қадам пешвоз чиқмасам бўлмас, чоллар билан қўшқўллаб сўрашиш керак.

- Ма, болангни ушлаб тур, - дедим хотинга.

Шундай бўлади: аввал юришни ўйлайсиз, ўзингизнинг қай бир сониясида гавдангиз олдинга интилиб, ҳали оёғингиз қимирламаган ҳам бўлади; мана шундай – гавдам харакатга келиб, бу қўзғалиш оёқларимга ўтай деганда нақ қулоғим тагидан, “Қаёққа?!?” деган амирона товуш янграб, яна қотиб қолдим.

Қарасам, боя Stalin томондан келаётган милиса йигит қаватимда турибди. Менга эмас, Сайдбовога қараб бақирипти:

- Ўв бобой, тўхтанг! Қани, мен кимга айтяпман?!

Сайдбово жойида такқа тўхтади.

Яна шундай бўлади, кўз ўнгингизда ногаҳон, кутилмаганда, бир беъманилик кечади, каллангиз тўғри ишлаб туради-ю, лекин бу ҳодиса ҳақида ундан ҳам беъманироқ ўйга борасиз. Мен ҳам туйқусдан шундай хаёлга борибман: бобоий тушмагур ~азирадан бирон нарсани ўмарид келяпти, деб ўйлабман. Худди ҳозир мелиса йигит югуриб боради-ю, шартта кув бобоининг малла чакмони ёқасидан ушлайди. “Аблаҳ! Қўлга тушдинг-ку!” бир-икки силтаб, қўлини қайириб, одига солиб кетади. Дабдурустдан шундай туюлди менга!

Лекин мелиса йигит менинг ёнимдан қўзғалмай, яна бақирди:

- Боя нима дедим сизга, а? Боя?!

Унинг бақириғидан ўғилчам уйғониб кетди, қаранг-эй, бир ёшдан сал ошган гўдак, йигламади, мелисага “Жинними бў?” дегандек бир қаради-да ясининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

- Ўзбек тилида айтдим, яхшиликча кетинг,чувалашиб юрманг, дедим. Қулоқ борми, қулоқ?! Ё жун босганми? Кетинг, демадимми?

Сайдово худди кўринмас мошин-галтак ип билан жойига чандиб қўйилгандек, юришга ҳам, туришга ҳам ўхшамайдиган бир ҳаракат қилди-да, мелисага жовдираб қаради.

~алати одам-эй! Боя ~азирада, кетинг, дедим-а! – Мелиса қўлини пахса қилди. – Ё демадимми?!

Сайдово ниҳоят тилга кирди:

- Дедингиз, улим, дедингиз...

Чолнинг тилга киргани баттар мелисанинг ҳамиятини қўзғади:

- Деган бўлсам, қани кетганингиз?

Кетинг деганимга қачон бўлди? Мен Исталинга бориб келяпман. А, қани кетганингиз? Ҳалиям кўзга тикан бўлиб юрибсиз-ку!

Сайдбонинг бети пир-пир учди, менга нажот сўрагандек қараб қўйди. Мен эса мелисанинг дағдағасидан шошиб, аралашишга ҳам, аралашмасликка ҳам ҳайрон, каловланиб турибман, буларникини жуфт демасанг бўлмаса... Сайдово бўйини қисиб, хоксор ғулдиради:

- Турсунхоннинг магазинига печка кептими кан, деб кирудим, уям йўқ экан. Энди опкесанг, битта опқўй, дедим. Эскиси ниҳояти тутаяпти. Айтганингиздан кейин ўзим кетаётган эдим. Энди бу ёқда...

Мелисанинг баттар жаҳли чиқди:

- Ўв бобой! Жонга тегдингиз лекин! Боя неварамга жилоб оламан дедингиз! Энди бу гап чиқдими?! Қариб, миянгизни еб қўйганмисиз?

- Энди, ўғлим, тўғри, қаричилик, мия қолмаган... Қайтаётган эдим, шу...

- Турибсиз-ку шу ерда?! Қани кетганингиз?! Э-э, яна нимага бу ёққа юряпсиз? Боядан бери қараб келяпман, бу бобой кетадими, йўқми, деб... - Мелиса йигитнинг товуши яна баландлади, кейинги гапи энди атрофга ҳам тегишли эди. – Нима қилай сизни, а, обориб тиқиб қўяйми ё?

Бир хил одамлар ўхшаб бу ҳам бақирса қўзи олдиагини кўрмай қолади шекилли, Сайдбонинг пусибгина анча бери келиб қолганини сезмади, пайқагандан кейин жон-пони чиқиб кетди:

- Ия, яна келяптими бу бобой!? Ўв, кимга айтаяпман?! Соқолим бор деб... Ҳе, ўша печкангизният!.. Ўв, тўхтанг, деяпман! Қулоқ борми? Обкетаман лекин, панжарадан термилтириб қўяман!

Сайдово яна тўхтади, яна жавдиради, мен ҳам ғалати бўлиб кетдим: нима қилади невараси тенги бола билан манжашиб, кет дегандан кейин кетавермайдими, ҳозир буларнинг кутурган пайти бўлса...

- Улим, яна битта кечиринг... Илтимос, шундай бир...

- Илтимос-пилтимос йўқ! Жўнанг!

- Бир минитга... шундай бир...

- Аччиғимни чиқарманг лекин...

- Улим, сиз ҳам бир мусулмон...

- Йўқ, копирман! Шунча айтдим, соқоли бор, дедим, энди – бас!

- Улим, бу дунёда!..

- Чайналманг! Бу дунёнгизни йиғишириң! Нима деяпман сизга?!
- Кетаман, улим, кетаман, олдин шу...
- Олдин-полдин йўқ! Всё! Турган жойингиздан кругом марш!

Сайдово noctor туриб қолди. Энди мелисанинг гаплари шунчаки дўқقا ўхшамай бораётган эди. Мен ҳам бир мужмал ахволдаман, мелисанинг гаплари Сайдоводан кўра, нимагалигини ҳали билмайман-у, ишқилиб, менга қаратилаётгандек эди, лекин бобойнинг ҳам қайсарлини тушунолмай турибман.

- Тамом, чўкиртак соқолингизга қарамайман! Обкетаман! Бу ёғи принцип!

- Ҳай, улим, шу домилла билан битта кўришай! Кейин марш бўлса – марш-да! Тез кетаман.

- Эй, дунёи қўтири! Мана гап қаёқда экан!

- Мумкин эмас! – Мелиса қулочини ёйиб, чолнинг йўлини тўсди. - Тўхтанг! Айтганимни қилинг, деяпман!

Мен Сайдбовога интилдим, у киши мелисанинг қулочи тагидан чаққон эгилиб ўтиб, қўлимни олди.

- Ҳэ, бизники шул-да, улим, - деди чол менга, “кўраяпсан-ку, болам, қанақа яшаяпмиз деган маънодаги ҳасратда, кейин сўрашди. Яхшимисиз, болалар яхшими?

Кўзим чолда, бор диққатим мелисада: кўкариб, қалтқалт титрайди, уришганларни ажратиш бошқа, кўришганларни айриш бир бошқа экан, нима қилишини билмайди, факат кўзининг пахтасини чикаради: “Бўлди, бўлди, бас. Бобо, сизга айтаяпман. Бўлди, деяпман”, - дейди нуқул.

Сайдбонинг қўлини қисимлаб узоқ сўрашдим, чолнинг қўллари қадоқ, сиқиб сўрашганда тошдек ботарди. Мен Ўринбойни, Суюнбой акани, биз билан – укаси иккови бир синфда – сакказинчигача ўқиб, кейин уй қилиб кетган қизининг болалари нечта бўлганигача суриштиридим.

Сайдово охири қўлини куч билан тортиб олиб, мелисага қаради, сал енгил тортди.

- Мана улим, сўрашдим, - деди унга.

- Бўлди, сўрашган бўлсангиз, энди кетинг, турманг бу ерда, - деди мелиса йигит сал шаштидан тушиб.

Мелисанинг юмшагани солга ҳам таъсир қилди, тушунтиришга киришди.

Ўзи кетаётган эдим. Тушунаман, ҳозир қаттиқ. Шу айтганингиздан кейин Турсунхоннинг магазинига кирдим. Битта синиқ шкопни қоқишаپти экан. Шу кейин қайтаётиб, бу домилла улимни кўриб қолдим. Бу киши Тошкандай жойда ўқийди, эшонбовомизнинг уллари. Оталари билан яхши эдик, у киши, раҳматли, одам айирмас эдилар. Домилла улимни кўрдим-у, у кишининг ўзлари кўзимга кўрингандай бўлди. Бир кўришиб ўттай, таваррик одамнинг боласи, дедим. Э-э, бизларга қарз-да, улим... Эрта-индин ўзимиз ҳам борсак, нега кўчада улим билан кўришмадингиз, деб сўрасалар, уятга қоламанда... - Сайдвобо ўксиниб, кўзларига ёш олди-да, кейин бирдан гапни бошқа ёққа бурди. – Ке, мелиса улим, сениям бир қўлингни олиб қўяй!..

Мелиса бу гапни кутмаган эди, нокулай бўлди, юзини буриб, чолга қўлини берди. Чол унинг қўлини маҳкам ушлаб, худди молбозорда борбарака қилаётгандек ўқтам-ўқтам силтади:

- Яхшимисан? Тан совлиқми? Мундай сўрашда-е, улим, биз ҳам таварриқ, етмиш бешга чиқдим. Мусулмон боласисан – сўраш, яхшимисиз, бово, дамликкина юрибсизми, де, шундай юринг, де. Етмиш бешга чиқдим ман, улим, сизнинг ёшинингга етайлик, бундан ҳам ўтайлик, де Мен ҳам сени дуо қилай! Барака топ, улим, деб айтай! Кўп ҳам шапкангга маст бўлаверма. Пахта, пахта, дейсан, мана, пахтанинг ичида қарилик, келган жойимиз шу...

Мелиса йигит сал-пал қизариниб, чолнинг гапларидан жиндай хижолатга тушди, лекин унинг гапини кесди:

- Бўлди, ота, бошни қотирманг. Кўришдингиз, ишингиз битди, энди кетинг.

Сайдбово унга хотиржам қаради, лекин алами ичида экан:

- Кетаман, кўришиш бизга қарз эди, уздик. Кўнгилхотиржам. Энди обориб тиқиб қўйсанг ҳам, майли, - деди.

- Бово, илтимос, қонимга ташна қилманг, - деди мелиса йигит энди зорланиб.

Сайдбовонинг лаблари титраб кетди, ўксик бир ўжарлик билан гапдан қолмади:

- Қамайсан-а! Кўришганга қамайдиган закўн йўқ, қопқора қўл халқлар бор-ку, ўшаларнинг сўдида ҳам йўқ! Одамларни мунча қон қақшатма. Бу учун хукумат сенга шимилидириқ ҳам бермайди: Қайтангга ёмон бўлганинг қолади. Мана, бола ёшимиздан шу пахтанинг ичида, умрни шу пахта еди.

Кўкрагимга битта темир ҳам такқани йўқ! Сен бўлса, ~азиранинг бозорини ёпиб, ҳаммага дўқ урасан...

Мелиса йигит алам билан бир нарса демоқчи эди, чол гап бермади, мелиса “бор-э!” дегандек, терс бурилд.

- Обориб тиқиб қўяман эмиш! Обориб тиқсанг, нима, мени ишлатармиди? Хукуматнинг текин нонини еб ётавераман.

Мелиса шаҳт билан чолга қаради:

- Менга қаранг, бобой, кетасизми, йўқми? Етмиш бешга чиқдим, энди менга ҳеч ким тегинолмайди, деяпсизми ё?

Сайдбово бу гапдан чўчигандек:

- Кетаман, улим, кетаман... - деб ғулдиради, лекин кетиш олдидан, ё алами босилмаган, ё энди мелисанинг “обориб тиқиб қўйиши”га қўл силтадими, узиб олди: - Ҳаммани онаси туғади, сени, улим, билмадим...

Бобой гапини тугатмай, йўлини ~аровтепасига бураверди.

Мелиса чичонглаб кетди:

- Ўв, бобой, тўхтанг! Тўхтанг, деяпман!

Сайдбово ўша ёқдан туриб:

- Киптингга шапалоқдай нарсани ёпиштириб... - деди-ю, гапини тугатмай кетаверди.

Ўзи шусиз ҳам ичимда чолнинг гапларига беш кетиб турган эдим, кулиб юборибман.

Мелиса йигит шарт менга ўгирилди, мен атайлаб чолнинг орқасидан тикиламан, бунга қарасам – тамом. Кўзимнинг қирида кузатяпман: алами олти, ҳозир менга ёпишади!

- Нега куласиз? Очиб ўтирибдими? – деди у.

- Шунга қуляпман, - дедим.

Ўзи тилим ёмон, лекин нарироқда хотиним турибди, нима қилай?

Мелиса йигит унча тушунмади:

- Нима шунга? Маймун ўйнатяптими сизга? – деди.

- Анави бобой ўйнатди шекилли, - дедим.

У яна тушунмади, лекин майна қилаётганим етиб борди.

- Кулдириб қўяман лекин! – деди.

- Мен ўзим хоҳласам куламан, - дедим.

- Бу ерда мен рухсат берсам куласиз, - деди мелиса.

- Сайдово нарироқقا бориб, тўхтаб қолди. Мен хотинимга қараб қўйдим. Бошқа жойда бўлса, очиғи, шу сийқа бош билан айтишиб ўтирмасдим, энди кеч, бир ёғи – алам қилаётган эди баобрў бир редакцияда ишласам, ўз қишлоғимда, хотиним, яна шунча одамнинг олдида бир ёш бола, елкасида шапалоқдай погони бор учун менга ҳам дўқ урса!

Ҳа, айтмабман, чорраҳада биздан ҳам бошқалар бор эди. Терим деб ҳаммаёқ тақа-тақ бўлгани билан, йўлнинг у ёғидаги дўкон очиқ. Катта-катта кўзли деразасида ўч-тўртта бош қимирлаб турибди, берироқда Шафоат хола ҳамишагидек писта сотаяпти, унинг тепасида Ҳошим aka билан иккита ўсмири, бири Холмат аканинг, бири Эргаш аканинг боласи, оғизаридан писта чўпоқ худди куракчувийдиган машинадан чиққандек отилади, кўзлари бошқа ёқда-ю, лекин қулоқ динг – бу ердан кетар-кетмасимиздан ~азирани ундей депти, бундай бўпти деган маҳоват босиши тайин.

- Менга рухсат тепадан келади, жўра, - дедим.

Мелиса йигит бир одим чекиниб, мени бошдан оёқ-кузатиб чиқди, бошқа гап тополмади шекилли:

- Нима қилай шунга? – деди. – Ана, останопканиям тепадан айтиб сурдиришган. Бу ерда одамлар турмасин, деган.

- Доим шу ердан кетаман. Тураман!

- Нега турар экансиз!

- Мошин пойлаб.

- Мошин пойлашга, ана останопка, деяпман-ку!

- Доим шу ерда бўлган.

Ростдан, бекат азалдан шу ерда эди, ўнгай, уч томондан - ~азира, Сталиндан келадиган, идорадан чиққан машиналар ҳам шу ердан ўтади, лекин булар идора тўғрисида одам уймалашмасин деб, тўрт юз метрча узоққа сурган.

- Боринг, дедимми – боринг!

Битта ўзим бўлганимда “Ке, қўй, мендан ўтган бўлса, кечир, Сайдово учун ҳам узр, айтишадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку орамизда”, деб айтардим, фақат янги бекатга бормасдим, турган гап. Лекин дўкон деразасидаги каллалар қимирламай қўйди, писта чақаётгандарнинг ҳам кўзи бизда,

хотиним бечора боласини маҳкам бағрига босган, Сайдово бечора сал нарирокда кетолмай қараб турибди...

- Бормасам-чи? – дедим.

Бу одамнинг бош-оёғига қараб чиқишдан бошқа нарсани билмайди шекилли, яна шундай қилди, кейин бирдан:

- Сизда бутқул виждон йўқ, - деб қолди, худди ўша виждон кўқрагимда осилиб туриши керагу бу излаб тополмагандек.

- Қайдан билдингиз? – дедим ажабланган бўлиб.

- Кўринишингиз айтиб турибди, - деди у. – Виждон бўлса сизда, халқ ишга кўмилиб ётган бир вақтда шляпани қўнқайтириб, галстукни осилтириб юрармидингиз? Тағин хотинингизни эргаштириб олганингизга ўлайми! – Бунақа маърузахонликнинг ҳавосини олган экан, менга гал бермай баландлаб кетди: - Виждони борлар ҳозир далада, партиямизнинг топширигини бажаряпти, давлатнинг ишини қиляпти. Сизда виждон бўлса, бунақа ширдинглаб юрармидингиз? Халқ эртаю кеч меҳнатнинг тагида ётган пайтда оёқни хўлга тегизмай бунақа олифта юриш учун виждонни ютган бўлиши керак одам...

Мелисанинг валдирашидан миямга оғРиқ кириб, чаккам тиришиб кетди, у мени устимдан куляпти деб ўйлаб, бирдан бошқа алфозда бақириб берди:

- Кулдириб қўяман лекин! Бу ерадигилар ерда ётган картишка эмас! Осмондан оёғингни осилтириб тушган бўлсанг ҳам... Менга деса Брежневга бормайсанми кейин! Бор, ана, Рашидовга! Бизга ўзи шундай топширик берган: сенга ўхшаган текинхўр, туниятларни қама, деб!

Бу ўртада Сайдово ғир этиб ёнимизга келиб олди, бечора чол қўркиб кетган, бир мелисага ёлвориб қарайди, бир менга мўлтирайди денг.

- Йўғ-э, менга бу киши бошқача айтгандилар, - дедим, бошқа гап тополмай.

- Йўғэми? Қани, дакиментти ол!

- Нима қиласан? – деим бир гапдан қолгим қелмай.

Сайдово “Жо-он улим, ундей қилманг, кўйинг!”, деб бир мелисага, “Эшонбово, сиз – катта, хўп, денг, сиздан лозим” деб менга ялинди, иш чиқмагандан кейин: “Э-э, улим, мени деб бўлди, улларим！”, деб жавради.

- Ол, деяпман! – У қалтқалт титраб қўлини орқага юборди. Хизмат бурчини бажараётган одамман, мен билан ҳазиллашма!

Ҳали бу сийқабош ҳамманинг ўртасида тўппончасини ўқталмаса эди, деб, бир ёғи чўчиридим ҳам, ҳалироқ берсам ўламанми шуни, ғалва чиқмасди, деб дарров гувоҳномамни узатдим.

У гувоҳномани бир очиб қаради-ю, ёпиб устидан дутор чалаётгандек читирлатиб тирноқ урди-да, менга беписанд тикилди:

- Аҳ-ҳа, санъатчи! – деб захаргина илжайди. – Ўзим ҳам айтдим: нега бунақа ширдинглаб юрибди деб. Бу галстук, шляпалар... “КПЗ”да бир санъатингизни кўрсатасиз энди...

Рости гап, анграйиб қолдим, балони ҳам тушунмадим.

- Эндии мошин ушласак бўлди, - деди у ва худди шундай қилса, дарров машина келиб қоладигандек, йўл ўртасига чиқди, бир зум Сталин томонга тикилди, яна қайтиб келди, сал нокулай бўлиб, ўзича “Хў-ўш”, деб қўйди.

Сайдово бечора ҳали ҳам “Улларим, улларим, ундан қилманглар-эй! Мен бенават-ку!” деб турибди. Шунда бирдан миямга урди:

- Фақат фаросатдан десам, саводдан ҳам уриб кетган шекилли? – дедим.

- Битта ҳужжатни тўғри ўқиёлмасанг!

У менга бир олайиб қаради, довдираганини билдирамасликка тиришди.

- Ўқи! – дедим. – Санъатдан бошқа сўзлар ҳам бор. “Газета редакцияси”, “мухбир” деб ёзиб қўйибди! Ким сени елкангга катта сержант деган “личка”ни ёпиштирган ўзи?

- Погонга тил текизманг, - деди у энди сал паст тушиб. – Бунинг жавобгарлиги бор.

- Сен қўлингдагини ўқигин, кейин гаплашамиз, - дедим.

У аввал атрофга аланглаб олди-да, гувоҳномани очди, гўё у ерда жуда кўп нарса ёзилгандек бошини анча эгиб турди, кейин мендан кўзини олиб қочиб, секин хотинимга қаради, дўкон томонга аланглади, чайналиб, оғирлигини у оёғидан бунисига ташлади. Бир зум жим қолдик, у иккиланаётган эди. Сайдово илинж билан унга “Улжоним! Улим!...” деди. Мелиса бобойга қараб секин: “Ота, сиз кетаверинг! Ўзимиз келишиб оламиз”, деди, Сайдово елкасини қисиб, кетолмай тураверди.

Менинг аламим босилмаган эди:

- Ким тўғри келса, обориб тиқиб қўяверасанми, оғайнни? Балки мен давлатнинг муҳим топширифи билан юргандирман, -дедим.

- Бошдан шуни айтмайсизми? Обориб тиқиб қўйганимда, биласизми, сихни у ерда нима қилишарди? – деди мелиса йигит енгил тортиб.

- Елканинг устида бир нарсани кўтариб юрган одам тиқиб қўйишдан олдин суриштиради: ким, қаерда ишлайди, деб...

- Эй-й, ака, калла қоладими, дакументингиздан факат “санъат”ини ўқибман, саводинг йўқ деб ерга урманг, - деб хуноб бўлди у. – Энди... ишимиз шуда. Бажар, деса – бажарамиз. Топшириқ қаттиқ. Одамлар юрмасин кўчада, дейишган. Мана, кураяпсиз-ку одамларни, гап таъсир қилмайди! Тўдалашманглар шу ерда, катталар ўтади, кўзи тушса, менга гап тегади, деб тушунтиргани тушунишмайди. Билмайман, буларни онаси кўчада туқканми! Бу ердан ҳайдасам - ~азирада! У ёқдан ҳайдасам – бу ёққа! Шундай вақтда нима бор кўчада десам, магазинга, дейишади. Магазинга бўлса, керагингни ол-да, кет! Ана қаранг, туришибди, мен айтмагунча тураверишади-эй! – У шундай деб дўкон олдида тизилишганларга қичқирди: - Ў-ў, албатта мен айтишим керак-да, а сизларга? Ё кансерт бўляптими? Қани! Шапаат опа, кўтaring тўрвангизни, мен сизга бир соатга майли деганман, боринг!

- Дўкон олдиагилар бамайлихотир ичкарига киришди, “Шапаат хола” пистахалтасини оғзини ёпган бўлди, холос, лекин томоша тўхтаганига хафсалалари ўлиб, нарироққа жилдилар.

- Ҳозир, қараб туриңг, яна чиқишиади, гап ўтмайди буларга!

- Одамни оёғидан боғлаб қўйиб бўлмайди, оғайни, - дедим – энди секин баланга чиқиб, билдирмай ўчимни олишга ўтдим. – Худойим уни эркин қилиб яратган. Хоҳласа юради, ўтиради, ёнбошлайди...

- Майли, лекин шуни уйида қилсин, - деб у ўзиникидан қолмади. – Кўчада бало борми! Мен уларни уйига кириб текширмаяпман-ку, ахир.

- Кўча ҳам одамларга қилинган, - дедим. – Молподага эмаски, битта чўпон қўйиб қўядиган.

- Э-э, мен кампанияни айтяпман, - деб хуноб бўлди у. – Йигирма кун чидаб беришсин – бўлди! Чўпон... нимам чўпон? Қанақа сўкиш эшитишими биласизми? Булар, орқадан сўкада, лекин у ёқда райком бор! Мана, кечаги бозор, қор уриб турибди. Одамлар инсофинг борми, картишка-партишка олиб олайлик, бир соатгинага оч, дебчуввос ёпишишди менга. Қор-ку, э-эрталаб бўлса, шу ҳавода ким ҳам далага чиқарди, дебман. Майли, яrim соат муҳлат, бозорларингни қилиб олинглар, лекин хафачилик йўқ, дедим.

Сайдово:

- Шундай, шундай, бозорни очиб бердингиз лекин, - деди қимтиниб. – Валламатлик қилдингиз, майли, бозор қилиб олинглар, дедингиз.

Машинадан дарак йўқ, мелиса йигит қўлларини силтаб-силтаб қуйиниб гапиради, дўкондагилар қайтиб чиқкан, “Шапаат хола” жойида, ўсмирлар сал нарироқда, мен, икки қўл чўнтақда, гўё шу мелисанинг кўча кийимидағи каттаси, арзини тингляяпман. Мелиса йигит бояги бақирганларига кечирим сўраган алфозда: “Ҳозир, янга ҳозир” деди, мен “Ҳа бозорни очдингиз, кейин?” дедим.

- Одамлар энди дарвозадан кириб, савдони бошлаган эди, бабиллаб қора “Волга” кепқолди. Одамларга ҳеч нарса дегани йўқ. Менга қараб: “Онайни фалон сани! Санга шапка кийдирганни онасини!” деб ке-етди!..

- Ким? Раисми?

- Йў-ў. Райком! Амир ~аппорович! Бир урди, ҳалиям бетимга тегмади, лекин шапкам учиб кетди.

Боя айтишиш билан овора, факат бетига қарабман шекилли, энди разм колсам, мелиса пачоққина йигит экан, бурни кўкариб, сувлаб турибди, корин жонировдан йўқ, кител халта осилган, камар қийшайиб, орқага тортиб кетган, шим шалвираган, тумшуғи тириш этиқдан саҷраган лой белгача урган...

Унга қараб қолдим, ҳалидан бери қўнглимни босган бир ғашлик, ўжар бир гуноҳкорликка ўхшаган туйғуни англагандек бўлдим, мелисани ҳали у Сайдбовога бақирмаган, мен билан манжашмаган, умуман ҳали ёнимизга етиб келмаган пайти – унга кўзим тушгандаёқ ёмон кўриб қолган, йўқ, устидаги расмий кийими милиционерлиги учун эмас, йўқ, айтаяпман-ку, ҳали менга бақамти бўлишидан олдин деб, у ҳар қишлоққа келганимда қора меҳнат, оғир кетмондан қочиб, ўқишига кирганим, битирганимдан кейин шаҳарда қолиб кетганимга тирик таъна бўлиб кўринган, мен эса ҳимоянинг энг яхши йўли деб хужумни танлаган эканман.

Энди унинг расмий кийимни ҳам эплаб кия олмагани, абарои кўнгли оғриганидан оғзи қўпикланганини ҳам сезмай хасратидан дастурхон ёйишига

қараб туриб, атай эрмаклаганим, “КПЗ”и ҳам шунчаки гапдан енгиш учун пўписа эканини, хўп, ана, олиб борган тақдирда ҳам у ердагилар, ўз туманидан пойтахтга бориб ишлаётган мухбирини оёқости қилмасликларини билиб туриб ҳамқишлоқлар айниқса хотиним олдида бир кўрсатиб қўймоқчи бўлганимга, лекин, яна, барибир, гувоҳномани кўрсатишга тўғри келганига уялиб кетдим.

Бу гапларнинг бари қўнглимда мубҳам бир ғашлик бўлиб турган эди, мелисанинг ҳасрати энди уни тинитиб, тубида ётган нарсаларни очиб қўйди.

- Ишни шу одамлар қиласи-ку, райкомнинг ўзи лой кечиб пахта термайди! Бозорни бир соатгинага очганга шунчами?! Майли, шу одамларни деб сўкиш эшитаман, лекин, барибир, биронтаси, эй инсон, сўксанг, ўзини сўк, онасида нима айб, демагани ботиб кетади. Э-э, бечораларга нима ҳам дейман, ҳаммамиз шундай. Лекин, райком, мени тумоннатнинг ичида тепкилаб, яна қандай буларни чизифингга сол, дейди? Шуни ўз кўзи билан кўриб турганлар мени уч пулга оладими? Райкомга нима, сўқди, сўқди, кейин кетди-борди! Элга рўпара бўлиб мен қолдим. Нима қилишим керак? Кетворай десам – иш бу, тириклик деган нарса бор. Ҳе, майли-да, биз бир кичкина одам, мелисаликни ҳам қилиш керак, бари бир. Бетни қалин қилиб юрибмизда...

Гап билан ёнимизга сариқ “Жигули” келиб тўхтаганини сезмабмиз. Мелиса йигит, шартта унинг эшигини очди.

- Қаёқка боряпсиз? – деди.

Ҳайдовчи эгилиб, бизга қараб жилмайди – Турсунхон экан.

- Жомбойга. Мол гаплашаман, - деди у мелисага.

- Бўлмаса, гап бундай – шу акани Перекрўскага ташлаб ўтасиз, - деди мелиса укам, - болалар билан туриб қоптилар.

- Майли... майли, ўтиринг! – деди Турсунхон менга маъноли қараб қўйиб.

- И-и, янга ўғилчанинг бошига боҳор бўлинг, - деди мелиса машинанинг орқа ўринидигига ўтираётган хотинимга.

Кейин у қўлимни маҳкам қисиб, синик илжайди:

- Ака, хизматчилик, хафа бўлмайсиз-да.

У худди укамдек, юрагим ачишди.

- Бўлади-да шунақаси ҳам, биздан ҳам ўтди, - дедим бошқа гап тополмай.

Лекин мен ҳали машина эшигини ёпиб улгурмай, у дўкон олдидагиларга бақирди:

- Ў-ӯ, неча қоққан қозикдай турибсизлар? Неча марта айтиш керак сизларга! Томоша тугади-ку...

Турсунхон ванғиллатиб газни босгандан кейин Сайдово билан хайрлашмаганим эсга тушиб, орқага ўгирилиб, бобой, худди таъзим қилаётгандек, чакмонининг енгларини кийиштириб, мелиса “ули”нинг ёнидан ўзоқлашиб биз кетаётган йўлдан келаётган эди, қўлимни кўтардим, турган гап, машина ичидан кўринмайди, чол ҳам бошини эгиб олган, биз томонга қарагани йўқ.

Йўлда кетяпмиз, Турсунхон сўради:

- Нимага шу билан солишиб юрибсиз?

- Сиз қаёқдан билдингиз? – деб хайрон бўлдим. – Яхши гаплашиб турганимизда келдингиз-ку.

Турсунхон йўлдан кўзини узмай қулди:

- Телефон бор-да. – Кейин менга қараб изоҳ берди. – Эргаш аканинг боласидан шу гапни эшитдим-у, тағин сизни овора қилиб юрмасин, деб мошинни босдим, бўлмаса Жомбойда ишим йўқ. Унинг ўзи бола ёмон эмас, Нурмат аканинг боласи-да, Яканшиҳдан берироқдаги қишлоқ... оти тилимга келмаяпти, шу ердан, танимайсиз. Қишлоқдан чиқиб кетгансиз-да, бизларни зўрға танийсиз-у... Ҳа, рост-да, бир хил вақти салом берсак – кўрмайсиз...

- Жа гапни опқочасиз-да лекин, - дедим-у, бари бир, хижолатда эдим.

Машинанинг ичи иссиққина эди. “Шу Турсунхон жуда оқибатли йигит-да”, деб ўйладим.

Қишлоқдан чиқиб кетаётган эдим.

ОЙНИНГ ГАРДИШИ

ҳикоя

Отаси уни ҳеч қачон урмаган, ҳатто чертмаган ҳам, лекин қаттиқроқ гапирганда, у бўйини қисади, елкаларида титроқ туради.

Отаси у қадар, киши юрагига ваҳм соладиган ҳайбатли, девқомат эмас, ҳамма қарияларга ўхшаган оддий мўйсафид, фақат бўйи баландрок, ёши олтмишдан ошган бўлса-да, қоматини тик тутиб юради.

“Отанг илгарилари қўп қийналган. Каримовлар хўп азоб берган,

мажлисларда тикка қилиб дўқ урган”, дейди онаси. У эса отасига бирорнинг тик гапиришини кўз олдига келтиролмайди. “Салоҳиддин аканглар сендей пайтларда отанг шўрлик…”, дея ҳикоя қилишга тушади онаси. У жон қулоғи башган тинглайди-ю, отасининг “шўрлик” бўлганига ишонмайди. Унингча, отаси “ўша пайтларда” ҳам ҳозиргидек, қаерга бормасин, ҳамма пешвоз чиқсан, қаерга кирмасин, ҳамиша тўрдан жой олган. Ҳатто Худойкул гуппи каби оғзиқатталар ҳам отасининг олдида тилини тийиб қоладио...,

Отаси бирон кимса билан уришмаган, сан-манга бормаган бўлса-да, қишлоқдагилар ундан ҳайиқади, ҳайиқиши аралаш хурмат қиласди.

Унинг елкаларига титроқ югорди.

— Миянг хатоми сенинг?! Икки боғ ўт деб Булунгур ёқага борасанми!

Фалокат босиб сувга тушиб кетсанг... <

У бошини кўтармайди, оёқлари қалтираб кетади,

— Орзиқул бобонгнинг чайласи олдидағи ўт белга уради. Ўша жойга бор! Ўроққа боҳбар бўл, яна оёқ-поёғингга санчиб олиб... Сени кўтариб дўхтирма-дўхтир чопиб юрмайнин. |

“Ўсмайди ҳам, тўлишмайди ҳам,— деб ташвишланади чол.— Рангида ранг қолмабди-я”.

“Бир шапалоқ урса борми, ерпарчин бўлиб кетсан керак,— чўчинқирайди бола.— Отнинг сағрисига бир муштлаб, сулайтириб қўйган-а!”

— Нега оқшом яна саҳаргача ўқидинг?

— Қизиқ китоб эди-да.

— Ҳе, китобинг билан қўшиб... Қизиқ деб хонумонимга ўт қўймоқчимисан?

У ҳайрон бўлиб отасига бир қараб қўйди.

— Ухлаб қолибсан. Китобинг сурилиб, чироққа тегай-тегай деб турибди. Уйқусираб туртиб юборсанг, омин, оллоҳу акбар, ҳаммаёқ ёниб кетади. Энг биринчи ўзинг ёнасан китобинг билан бирга.

“Демак жойимга кўтариб ўтказган эканлар-да”

У ўзини бир зум отасининг қучоғида тасаввур қиласди. Димоғига қарияларга хос ачқимтил тер ҳиди урилгандек бўлди. Йиғлагиси келиб бурнини тортиб қўйди.

“Бунга ҳам қийин. Шунча мол-ҳолни бир ўзи эплайди. Тонг-саҳардан уйғотаман. Даشتда бир ўзи, китобдан бошқа овунчоғи йўқ...”— Чолнинг раҳми келди, энди ётиғи билан гапира бошлади:

— Бирор сени мажбурляптими, дунёдаги ҳамма китобларни ўқийсан, деб. Дарсингни бешга ўқисанг бўлди-да. Эртадан-кечгача Булунгурнинг лойқа сувидан чиқмайсан, оқшоми билан китобга шўнгийсан.

Боланинг хўрлиги келди: “Ахир чўмиладиган битта мен эмас-ку”.

— Нега мактабнинг олмасидан ўғирладинг? Ана, чорвоғда мева-чева тўлиб ётибди-ку. Кунинг хом олмага колдими! Шунака кўзи оч бўласанми, валад!

“Булар-ку бегуноҳ норасида, ўғриликнинг маънисини қайдан бнлсин,— деб ғашланади чол.— Бир тишлаб ташлаб юборишади. Шуни “Ҳа

ундай, ҳа бундай, боланн бошдан тергаш керак, бўлмаса ўғри бўлиб кетади”, деб ҳовлиққанини қара. Вой доно-е! Ўзинг-ку бир институтни ўн йилда зўрға битирдинг, энди одам қаторига кириб, бошқаларга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми!”

— Иккинчи марта шунаقا гап эшитсан, ўша олмага оёғингдан осаман. Бир камим сен туфайли...

У қаршилик кўрсатмайди. Йиғламайди ҳам. Отаси уни етаклаб бориб, олмага... оёғидан осадн! Шунда Абдуалим келиб бир четда, ажаб бўпти, дегандек тиржаяди. Йўқ, йўқ! Ҳеч ким келмайди. У ҳамманинг эсидан чиқади. Осилинб туриб-туриб, охири, ўпкаси оғзига тиқилади-да, ўли-иб қолади... Ҳамма йиғлайди. Қосим муаллим ҳам жуда пушаймон бўлади, “отасининг бунчалар золимлигини билганимда, ўғирлигини айтмасдим”, дейди. Одамлар афсус билан бош чайқашади: “Қандай аълочи эди! Қиши бўйи қирқта китоб ўқиган эди. Ҳай аттанг, бориб-бориб зўр одам бўлар эди-да! Отасининг дийдаси қаттиқ экан, шундай ўғилни-я!” Онаси ўзидан кетиб қолади. Отасининг кўзларидан дув-дув ёш оқади: “Ё парвардигор, қандай гунохи азимга ботдим! Ўрнига менинг жонимни олу тирилтириб бер! Майли, ҳеч иш қилмасин, кунбўйи китобдан бош кўтармасин. Велосипед ҳам олиб бераман”. У ҳаммасини эшитиб ётади. Лекин мулла “Салоти жаноза-а”, дейиши билан қулоқлари чиппа битади. Ўрнидан турмоқчи бўлади, лекин...

— Э, сал гапга қўзингнинг сувнни оқизасан. Қанақа ношудсан ўзи! Артма енгинг билан. Қара, ялтираб кетибди. Ҳайф-е сенга кўйлак! Семиз-семиз китобларни ўқийсан-у, бурнингни енгинг билан артасан.

“Сал қаттиқроқ гапирсанг кўзида ёш тайёр туради-я, тавба”, деб хуноб бўлади чол,

Хуштак товуши эшитилди — Абдуалим.

Чол мийифида кулади:

— Ана булбулчанг сайраяпти, ўтга кетдик, деб.

У бошини бурганча пиқирлаб қулиб юборади.

Чол енгил тин олади: “Хе, бир кун одам бўлар-да, бу ҳам”.

— Бормай қўя қол, шунча йўлга бир ўзинг борасанми, ўзи келади отанг, — деб уни йўлдан қайтармоқчи бўлади онаси.

— Қари одам-а! Қоронфида туртиниб юрадими Ахир, чарчаб қоладилар.

— Чарчамайди, ҳали отдай. Қаридим, деб қўрқитади-да. Эҳ-хе, ҳали отанг...

Унинг жахли чиқиб онасига бақиради:

— Бўлди-е! Ҳамма ишга аралашаверасизми!

— Ёпирим-эй, бу кишининг оталарига ўхшаб зугум қилишларини. Аччиқчалари бурунларининг учида туради. Яна ярим йўлдан йиғлаб қайтмагин.

— Патинкам қани, деяпман сизга!

— Ана турибди-ку, бурнингнинг тагида.

У шундай оёғи тагида ётган ботинкасини кўрмаганига изза тортади, лекин сир бой бермай пишиллаб кийина бошлайди.

— Бир бурда нон олгин йўлга.

У энсаси қотиб онасига ўшқириб бермоқчи бўлди-ю, лекин уч чақиримлик йўлни, борадиган жойи қабристон ёнида эканини ўйлаб, бир бурда нонни қўйнига солади.

Юлдузлар хира ялтирайди.

Йўл олачалпоқ ойдин. Эшак бир текисда йўрғала бормоқда.

У ортига ўгирилиб, эшак дупуридан кўтарилигандан чангнинг ҳавода эринчоқ туриб қолишини кузатади.

“Чанг тупроқ орасида сиқилганидан оқариб кетган ҳавоми ёки тупроқнинг майдасими? Чангда қолганингдан сўнг тупурсанг, бурнингни қоқсанг, лой тушади — тупроқнинг майдаси бўлса керак-да.

Қоронғида ҳамма нарса жимиб қолади-я. Қизик, одам ҳам қоронғида кўрқади. Ахир оқшом ҳам қуёши йўқ кундуз-ку, факат қуёшнинг ўрнига ой чиқади.

Ойнинг нури нимадан, майда оқиши чангта ўхшаган бўёқми? Ҳавони, йўлни шу рангга бўяган. Соялар қора, чунки уларни ойдан дараҳтлар тўсган. Нега ой дараҳтларни ҳам оқиши рангга бўямаган? Уларнинг яшил туси ой бўёғи остида қолиб кетмайдими? Худди суюқ ранг суртилгандек ялтирайди. Сояси билан қўшилиб усти ялтироқ, таги чириган, қорамтири пичан ғарамига ўхшайди. Кундузи қуёш сочган нурлар оқшом қайга йўқолади? Борди-ю, кечаси ҳам кундузгидек ёруғ бўлса-да, қуёшнинг ўрнига ой чиқиб турса. Ёки ҳеч ҳам кун ботмаса. Жуда аломат бўлса керак”.

Эшак тўсатдан бурилди. У эшакдан ағанаб тушай деди. Эгарининг қошини маҳкам чанглаб, қўрқув билан йўлга тикилди. “Нимадан ҳурккан экан, илонми?”

Думалоқ соя йўл четидаги ўтларга томон ғимирларди: “Э, типратикан экан-ку”.

Боланинг қулгиси қистади.

“Ойнинг соясига ўхшайди-я... Ой Ер билан Қуёш орасига кирганда сояси ерга тушади. Муаллим айтгани тўғри-ю, лекин сояси бунча баҳайбат? Ойнинг сояси типратикандан сал каттароқ бўлмайдими?”

Бир марта қуёш тутилгани унинг зсига тушди. Ҳаммаёқни қизғиши қоронғилик босганди ўшанда. Онаси унинг қўлига чўп тутқазиб, “тоғорани данғиллат”, деган эди.

“Ойим қўрқкан эди, Абдуалим ҳам. Ўшанда ҳамма қўрққандай эди. Ойнинг соясидан ҳам одам қўрқадими?”

Чорраҳага келганда эшак секинлади, қулоқларини саланглатиб, хирт этиб қўйди.

“Ха, жонивор-эй, қаёққа бурилай, деб сўраяпти”.

У халачўпни кўтарили-ю, лекин эшакнинг бўйнига урмади, тўғрига деган маънода нўхтанинг ипини силтади. Эшак яна ўша маромда йўрғасини бош-лади. -

Боланинг хаёллари бояги изидан чиқиб кетди.

“Эшакка бунча катта қулоқнинг нима кераги бор, а? Одамларга ўхшаб шивирлаб сўзлашмаса. Ҳанграшини қулоқсиз ҳам эшитиш мумкин. Одам шунча трвушларни эшктади-ю, лекин қулоғи кичкина. Эҳ-хе, ўйлаб қараса, бир-бирининг гаплари, қушлар сайраши, машиналар гуриллаши, тракторлар тариллаши, шамол шувиллаши, араванинг ғийқиллаши, зшикиит-ғижирлаши, радио, қўшиқ... Вой-бў!”

У дафъатан уйдан чиққандан бери ҳеч нарса эшитмаётганини сезиб қолди. Ҳатто эшакнинг дупурини ҳам эшитмай келаверибди. Буни ўйлаши биланоқ атрофдаги барча овозлар шиддат билан унинг қулоғига ёпирилди: чигирткалар чириллаши, итлар ҳуриши, трактор товуши, кимдир варанглатиб қўйган ашула, узоқдаги Булунғур ариғи бандининг шовуллаши, ҳатто остидаги эгарнинг зорланиб ғичирлаши— ҳамма-ҳаммасини бирдан аниқ эшита бошлади. Бутун борлиқ шатур-шутур қилиб нафас олаётгандек.

У сокин туюлган сут ойдинда бунча қўп товуш борлигига шунчалар ажабландики... маълум муддат шу товушлар босими остида, оғзини ярим очганча, ҳеч нарсани ўйламасдан, барча овозлар билан бирга; ўзининг ҳам пишиллаб нафас олишини тинглаган| қўйи эгарда қотиб кетаверди.

Ўзи сезмаган ҳолда аста-секин хаёлга берилди.

“Ер нафас олса керак, чопиб кетаётган одамдек ҳансираб нафас олса керак. Бу товушларнинг барчаси шундан. Ҳамма нарса нафас олади. Дараҳтлар ҳам заарли газларни ютиб, кислородга айлантириб чиқаради, деган эди Тургунов муаллим. Айтгандай, шамол ернинг нафас чиқариши, жимлик ютиши эмасми? Ҳа, шамол - ернинг нафаси. Ой-чи, нафас оладими? Ёки куйлармикин?”

У тузукроқ жавоб топа олмади. Ойдан кумушранг унсиз садолар йўл ёқалаб кетган дараҳтлар чодир: узра ялтироқ из қолдирганча қуиилиб тушишини ғира-шира тасаввур қилди-ю, аниқроқ фикрлашга чоги келмади. “Қанақа куй? Радиокарнайдан чиқадиган куйми? Унакага ўхшамайди. Ана, ойнинг ўзи радиокарнайга ўхшар экан. Нега “ой юзингни” дейишади? Ой қизларнинг юзига ҳеч ҳам ўхшамайди-ку... Мисол учун Маҳбубанинг афти ойга эмас, тўрлаган қовунга ўхшайди. Саодатнинг бети тўла сепкил йўқ.

Хозир бирдан шу радиокарнай — ойдан “ой юзингнинг шеваси...” деб қўшиқ бошланиб кетса-я! Ёки қўшиқ ўрнига “ҳей бола, ҳадеб анграяверма！”, бақириқ эшитилса.

Буни ўйладиу юрагини ваҳм босди. Дарров их-ихлаб, эшагини ниқтади. Эшак жадаллади. Ой ростдан ҳам бақириб юборадигандек, унга қарашга боланинг юрагит дов бермади. Бироқ сал ўтмай қўрқа-писа бошини кўтариб яна ойга қаради.

Шунда... тонг қотди — дараҳтлар оралаб уни таъқиб этиб келаётган ой очикқа чиқиб муаллақ турар, туманли теграсида эса... каттакон, маҳобатли доира яраклар эди.

Қанчалар чиройли!

Эх-хе! Худди жуда катта циркуль билан, учини ойнинг қоқ ўртасига қўйиб чизилгандек. Нега шу пайтгача кўрмади?

У ҳамма нарсани унумди.

Ой пастга эниб, жуда-жуда яқин келган, бола унга ёнма-ён ҳолда, айланга гардишининг ўртасида чайқалиб-чайқалиб сузуб кетаётгандек эди. Дунёда ой ва боладан бошиқа ҳеч кимса йўқ эди.

Бола ойга қўшилиб кетган эди...

Тўсатдан ой мушукдек бағиллаб унга ташлангандек бўлди. У қичкиришга ҳам улгурмай, эгардан учиб кетди — эшак шахт билан ўзини ёнбошга отган эди. Икки мушук пиҳиллашиб йўлни ўқдай кесиб ўтди. Чангтўзон ичида қолган бола бир муддат нафаси ичига тушиб, ўзига келолмаи турди. Сўнгра энтикиб-энтикиб йиғлаб юборди.

“Мов бўлган мушуклар экан-ку, шунга қўрқаманми. Аҳмоқ эшак хуркиб...”

У ўзига таскин берди. Қўзғалган эди, ўнг бўксасида санчик турди: “Халачўп кириб кетмадимикан?” Халачўп бир қадамча нарида ётарди. У ўтирганча халачўпга интилганида гавдасида ҳам алланечук оғирлик туйди. Секин ўрнидан турди, оёқларини силади, бўксасини авайлаб ушлаб кўрди. Оғриқ аъзои баданига тарқалди.

Хайрият, ҳеч жойи синмабди, чиқмабди. Фақат тирсаги ачишяпти — шилинган. Одам йиқилганда тужа ўркачини, от ёлинни, эшак эса туёғини ташлайди унинг остига. Шунинг учун туждан, отдан паст бўлган зшакдан ёмон йиқилади.

Эшак нарироқда турарди.

“Миниб олай, кейин кунини кўрсатаман. Ҳозир урсам қочиб кетади, тутқич бермайди”.

У “иш-иш”, деб эшакка яқинлашди. Эшак қочмади. У инқиллаб ўзини эгарга олдию халачўп билан эшакни савалай кетди. Эшак халачўпдан ҳимояланиб калласини оёқлари орасига тиққанча, турган жойида гир айланди. Унинг эгардан ағнаб тушишига сал қолди, ўзини ўнглаб нўхтанинг ипини силтади. Эшак тез юриб кетди.

... Ҳамма нарса йўқолди. Ой ҳам, боланинг хаёллари ҳам. Иўлнинг икки чети тут аралаш қатор толлар билан қуршалди, яна очилди. |

Қаршидан қабристон ваҳимали, босик бир сукут билан бостириб кела бошлади. Унинг танига титроқ кирди. Отасига: “Кўрқмайман, эшакни ўзим олиб бориб, сизни олиб келаман”, деганига пушаймон еди.

“Ашула айтсаммикан? Лекин бу ерда, мозоратнинг олдида бақириб бўладими? Ўликлар эшитиб... Ароҳларни безовта қилмаслик керак”.

У қабристонга қарамасликка тиришиб, оёқлари билан эшакнинг биқинига никтади. Бултур, йўқолган қўйини ахтариб юрганда, ўпирилиб тушган эски қабрда бир қора нарсани кўргани эсига тушиб, юраги увишди. Ўшанда урра қочиб қолганди.

“Соч чиримасмикан?.. Эски жой-да. Қирқ гектар-а! Кундузи унча қўрқинчли эмас-у, лекин ҳозир... Нега оқшомда ваҳимали бўлади, а? Жин-ажиналар чиқадими? Ажина одамнинг отини айтиб чақиради. Менинг отимни қаёқдан билар экан?.. Мен уни учратмаган бўлсам. Ё у мени кўрганмикан?.. Отингни эшитсанг “Ҳа”, демаслик керак. “Ҳа”, десанг чалиб кетади. Мени чалмаса керак. Менга тегмайди. Чунки отамнинг бобосининг отаси тегирмон тоши устида сариқ соchlарини тараб ўтирган ажинани кўрқмай ушлаб олган. Ажина роса ялинганда ҳам қўйиб юбормаган. Сочини бураб қийнайверган. Охири, “етти пуштингга тегмайман”, деб қасам ичгандан кейин қўйиб юборган. Ажина шу заҳоти турган жойида йўқ бўлиб қолган. Мен бешинчи пуштман. Мени ажина чалмайди. Лекин ҳазиллашиб чақириши ҳам мумкин-да, бу болани бир қўрқитиб қўяй, деб”.

Қабристон ёнидаги қишлоқчага кирилганда эшак бирдан ҳанграб юборди. Бола нафасини ичига ютиб, эгарга қапишиб қолди. Ён томондаги дарвоза тагидан бир кучук вакиллаганча пилдираб чиқди. Кучук бола юрагидаги қўрқувни ҳам хуриб ташлади

Симёғочга осилган лампочкадан тушаётган нурнинг сарғиши доирасига кирганди, у қабристонга қаради. Қабристон осойишта, ваҳимаси орта чекинган эди. Кучук ҳам бир-икки ғингшиб орқада қолди.

У тирсаги ҳали ҳам ачишаётганини сезди.

“Боя йиқилганимда уст-бошим тупроққа роса беланган бўлса керак”.

... У Махмуд аканинг дарвозаси олдида эшакдан тушмай қичқира бошлади:

— Ҳусниддин, ў Ҳусниддин! :

Унинг овози чийиллаб чиқди. Буни ўзи ҳам сезиб, катталарнинг товушига ўхшатиб йўғонроқ овозда яна чақирди.

Ичкаридан Шакар холанинг: “Ҳу-ув... Ит боғлиқ, киравер!”, дегани эшитилгач, бола эшакдан тушиб, кийимларини қоқишига тутинди.

У эшикни очиб, ичкаридагиларга “Ассалом”, деб кираётганида, айвонда идиш-товоқ юваётган Шакар холанинг Робия пучуққа: “Муштдай боланинг шунча йўлдан қўрқмай келганини қара”, дегани қулоғига чалиниб, ғуурланиб қўйди.

— Э... Малла чўпон, келсинлар, келсинлар,— дея уни кўрган заҳоти Хайрулла амакиси одатдаги ҳазилини бошлади.

Отаси ҳаммадан юқорида, уйнинг тўрида ёнбошлаб ётарди; у кирган пайтда бир мулоим нигоҳ ташладию гапида давом этди:

— Яна ривоят қилурларким, агар сизнинг ҳамсоянгизки бўлса, унинг томига ғўзапоя босилган бўлса, айтайлик, шамол турдию бир боғ ғўзапоя сизнинг ҳовлингизга тушди...

“Биламан, бу ёғи: “Сизнинг шу ғўзапояни ёқиб пиширган овқатингиз — макрух”.

— Акрам ака, шу ўғирликка кирадими, кирмайди?—деб сўради Мамат меш. У ҳам ёнбошлаб ётган эди.

“Ўзи отамдан катта-ю, ака, дейди”.

— Албатта киради. Яъни, масалан, бориб, майдондан йифиб, ўзингиз орқалаб келмагансиз. Унга меҳнатингиз сингмаган. Меҳнатсиз топилган бир игна бўлсинки, у — ҳаром.

У амакисининг ёнига чўкди. Амакиси унга эгилиб шивирлади;

— Эй, менга қара, йўлда роса қўрқдингми?

— Нимадан қўрқаман?

— Ҳар кўзлари пиёладай-пиёладай келадиган ажина соchlарини ёйиб, олдингдан чиқмадими?

— Э-э, нима қиласиз ёлғон гапириб.

— Ёлғонми, бўлмаса, нега додладинг?

“Эшитиби йиғлаганимни!”

— Қачон?

— Боя.

— Йўғ-э, бошқа бирордир.

— Сенинг товушингни танимайманми! Отанг изза бўлмасин деб, индамай ўтирибман-да. Бешинчида ўқиб, ажинадан қўрқасанми?

— Ажина эмас, иккита мов мушук бигиллашиб қолди.

— Ана, қўрқибсан-ку!

“Алдаяпти. Эшитмаган, шунча жойдак йиғлаганимни эшитадими!

Синаб қўряпти”

— Э-э, сиз ўзингизнинг Раҳмонингизни билинг, сал қоронғи тушгандан кейин далага чиқишга қўрқадио.

Амакиси бир зум гап тополмай қолди-да, кейин қўрсаткич ва ўртанча бармоқларини жуфтлаб унга чўзди:

— Бир-бирига ёпишиб қолиб жуда азоб беряпти-да. Қани, зўр бўлсанг, шуларни очиб қўй-чи!

У амакисининг бармоқларини ажратиб қўймоқчи бўлиб қўл узатди-ю роса чиранганидан кейин амакиси нима қилиши эсига тушиб, қўлинни тортиб олди.

— Мени уялтироқчисиз-а!?

— Ҳа, шум-э, биласан-а!?

Махмуд аканинг эсига бола тушиб отасидан сўради:

— Эшон бобо, Мақсадуга ош олиб келишсинг?

— Э-э, қорним тўқ, уйдан шўрва ичиб келдим.

— Шўрванг йўлда тушиб қолган-да.

— Майли, зўрламанг, бу ўзи кам овқат ейди, - деди отаси.

Амакасига бу ҳам бир баҳона бўлди:

— Бу овқатнинг ўрнига ҳам китоб еса керак-да, кейин отасига ўтирилиб давом этди.— Тунов куни қарасам, бунингиз эшакнинг устида ҳам китоб ўқиб келяпти.— Унга қараб қув жилмайди.

“Жуда ёпишиб олди-да бугун. Ўзи ҳам игнадай гапни туюдай қилади-я. Ўқишимнинг унга нима оғирлиги тушибди. Отамнинг гапи етмагандай, энди бу ҳам...”

— Бекор айтибсиз,— деганини ўзи ҳам сезмай қолди у.

— Э, буни қара, ўзидан каттага ҳам гап қайтара-дими,— деди амакиси.

Отаси Хайрулла акага таъна билан қараб қўй-ди. Амакиси жим бўлди. Отаси салмоқлаб гапирди:

— Бунга уриш-сўкиш кор қилмайди. Билмайман, китобдан нима топган. Акалари ёшлигига пишиққина эди. Қудрат бундайлигига, бўйи бир қарич бўлиб, қўш қўшар эди.

— Шуни билгани тўғри,— деди шу пайтгача жим ўтирган Раҳмат ака.— Қани, бизнинг шумтакалар ҳам шундай ўқиса. ~ирт хулиган. “Беш”га ўқийсан-лар”, деган шарт қўйиб икковига ҳам велосипед олиб бердим. Каёқда! Бир ой ўтмасдан шалағини чиқа-ришди.

— Ҳа, энди боланинг ўзи қизиқмаса, қийин. Уриб-сўкиб йўлга сололмайсиз,— деди Мамат меш бе-ғамлик билан.— Бизнинг Пирматнинг аҳволи ҳам шу — қулайини топдими, болаларни тўплаб, эшак кўпкари қиласди. Кўп эшак ҳалак, бир пўстак ҳалак.

— Ҳозир ўқимаганга қийин,— деди Раҳмат ака.— Бориб-бориб ўқимаганга иш қолмайди. Илгари тракторчининг қаватида бир-икки ой юрсанг, “Универсал” беришарди. Ҳозир тракторчиликка ҳам диплом керак. Трактор ҳайдаш ҳам қийинлашиб кетди.

Бу гап отасига ёқинқирамади:

— Ўқиганлари оламни гулистон қиляптими! Мана, биттаси Ҳайдарнинг ўғли. Худонинг бермиш куни оғзида папирос, тагида матасекл, санғигани-санғнган. Ким бир пиёла қуйиб берса — ўшанга жўра. Ўн йил мактабда ўқиди, ўн йил шаҳарда тентираб юрди. Ўрганиб келгани — арақхўрлик.

Отаси Қосим муаллимни ёмон кўради. У ўн йил эмас, етти йил ўқиган шаҳарда. Уч йил армияда бўлган. Бир йил синфида қолган шаҳарда ҳам. Рост, яхши дарс беради-ю, лекин кўп ичади.

Мамат меш аянчли илжаяди — Ҳайдар новвой унга қариндош.

— Акрам ака, Салоҳиддин кам кўринади, юрибдими эсон-омон?

Отасининг юзи тундлашди, кенг пешонасидаги ажинлари чуқурлашиб, яна ёзилди.

— Билиб, билмасликка олиб гапирасиз-а, Мамат ака.

— Энди сўраяпман-да, Акрам ака,— деди Мамат мвш.— Ҳарна қилсада, ўғлингиз.

— Ўғил?! Бунака ўғилнинг боридан йўғи яхши!— деди отаси. — Нене азоблар билан ўқитдим. Қандай! оғир йиллар эди! У бўлса, ўқишни битириб келиб, муаллимлигини бошлагач, нима дейди денг: “Ота диндан кечасиз. Нима қиласиз йўқ худога ишониб...”

— Ҳа, энди нодонлик қилган-да,— деди Мамат меш бепарволик билан.

“Жўрттага сўради. Отамнинг ҳамма сирларини билади-да, Қосим муаллим учун аламини оляпти. Тўғри гапиришга қўрқади”.

— Нодонлик?! Айтган гапини биласизми?! Мен диндор бўлганим учун у киши амалларга кўтарилимай қолган эмиш. Уялмай-нетмай ўзимга шундай деган...

“Қачон айтган экан?”

Акаси уйга келганда уни ёнидан жилдирмайди Отаси гапирмаган пайтларда у билан ҳазиллашиб ўтиради. Бир куни акаси нимагадир гўрковлар ҳақида сўзлаб, “Шекспир деган ёзувчи ўтган, унинг асарида гўрковлар жуда зўр ёзилган”, деди. Отаси индамади. Акаси яна бир-иккита шунга ўхшаш гапларни айтиётганда, отаси жаҳл билан: “Тўхта”, дедиую бирдан баланд овозда тожикчалаб бақира кетди У ҳеч нарса тушунмай гоҳ отасига, гоҳ акасига ҳай рон боқиб, уларнинг тожикчани билишига ажаблана зди. Бир маҳал отаси унга “Бор, ўйна”, деди. У ҳовлида нима қилишини билмай гангиб юрди. Сал ўтма акаси чиқди. Унинг ортидан отасининг: “Хе, Шекспулинг билан қўшиб...” деган сўкиниши эшитилди. Ака си аянчли илжайиб унинг ёнига келди ва “бобой ёмон қарияпти-да”, деб ғудранди. Унинг томоғига алланарса тиқилди, эзилиб кетди, акасига раҳми келди

— Ҳозир-чи? Бошларида соябон шапка, оёқларида йиртиқ батинка, илинган магазинчининг устида ёзади, юлғич, муттаҳам, деб. Бешкападаги Абдулланинг ўғли шунинг дастидан қамалиб кетди. Шерқулнинг тўйига борганимда хотини олдимга бешта боласини етаклаб чиқди. Ер ёрилмади, ерга кирсам. Ўғлим, қўй шу ишингни, одамларни қон қақшатма, дедим. Қилмади.

Мамат меш қўрқа-писа қараб қўйди-да, яна дастурхонга тикилиб олди. Маҳмуд ака дастурхоннинг сочиғини ўйнаб ўтиради. Амакиси бошини қуи осилтириб миқ этмасди.

— ...энди аспирантурами, паспирантурами деган катта ўқишига киравмиш. Бундай танангга ўйлаб кўр, тўртта боланг бор, ёшинг ҳам қирқقا борди. Олим бўлиш осонми, бунинг учун ўн-йигирма йил умр керак. Эллик-олтмишга бориб олим бўлганингда элга қандай каромат кўрсатардинг! Шундай деб насиҳат цилсам, мен тўрт йилда диссиртасса ёқлайман, деб ғудинглайди...

У амакисига термилди. Қани энди, амакиси бошини кўтара қолса!

— Ҳа, ўғлим, мана, Каримбойнинг ўғли Самарқандда ўн беш йил ўқишининг орқасидан қувиб, энди олим бўлди. Нурмат керосинбурушнинг ўғли урушдан қайтгандан бери институтда дарс бериб, энди дўхтири бўлди. Сен эртадан-кечгача газетда ишлаб, кечқурун бола-чаканг билан ўралашиб, қандайига тўрт йилда олим бўлиб қоласан, десам, қўрасиз-да, дейди...

У отасининг энди анча гапиришини ўйлаб сиқилиб кетди. Ҳеч ким отасига қўйинг шу гапни, дея олмай-ди-я!

— Колхозга раис бўл, дейишса, қўнмабди. Нима, олим бўлмаса, нон тополмай қоладими? Қишлоққа кел, раислик ёқмаса, мактабга мудирлик қил, халққа аралаш-да, ахир қачонгача тентираб юрасан, менга ёрдам бермасанг ҳам, одамларга фойданг тегар-ку, десам...

Нихоят амакиси унга қаради: “Бир нарса деб отамни тўхтатсангиз-чи. Акам сизга ҳам қариндош-ку!”. Амакиси тушунди шекилли, кўзларини олиб Қочди.

— ...Аччиғим чиқиб кетди. Тур йўқол, иккинчи эшигимга оёқ босма, қаёқда санғиб юрган бўлсанг, ўша ёққа жўна, деб...

— Амаки, қўйсангиз-чи, шунаقا гапларни. Уйдаги можарони нима керак кўчада достон қилиб...

— Э... Сен жим ўтири! Мен куйиб кетганимдан гапирияпман. Одамлардан яширадиган сирим йўқ. Ҳамма кўриб, билиб ўтирибди. Қачонгача яшираман?! Пушти камаримдан бўлган болам тугул, мени яратиб қўйган бўлса ҳам, бетига айтаман. Менга гап қайтариб валдирайсан-да, ўзинг унга бир оғиз насиҳат қилолмайсан.

— Мен нима дейман унингизга? Бир нарса десам, сиз тушунмайсиз, унақа эмас, бунақа деб ақл ўргата-ди. Сигирларингни семиртири, каттароқ оғил солиб, молларингни кўпайтири, дейди. Ҳангى эшагингнинг бурнини тилсанг, чарчамайди, қаттиқроқ ҳанграйди, деб кулади. Билдингизми! Шундай деб калака қилиб турган одамга мен нима дейман?!

— Ана, кўрдингми! Бу дегани тезакка қоришиб, оғил тозалашдан бошқасига ақлинг етмайди, деган маънини билдиради. Ўзидан бошқани одам санамай-ди-да! Осмонда юради у, осмонда!

Отасининг қўли бир зум ҳавода қотиб қолди. Бола чўчинб кетди.

— Ердагиларни оёғининг уни билан кўрсатади. Сен нима деб юрибсан ҳали. У ўзини прapesир санайди... Ҳамма аҳмок, у доно! Ҳамма онасидан туғилган бўлса, у осмондан оёғини осилтириб тушган.

Маҳмуд ака чўнтагини тимирскилаб, носқовоғини олди. Носқовоқнинг орқасига кўрсаткич бармоғи билан секин-секин уриб бошини орқага ташлаганча, нос отди. Амакиси имо билан носқовоқни сўради... Отаси жимиб қолди. Орага оғир сукунат чўқди.

— Ё пири-эй! Уф-ф,— дея ёнбошлаб ётган Мамат меш оғир чайқалиб чордана қуриб ўтнрди, қорни чалиштирилган оёқларига босилди.

— Хайрулла, носқовоқни ташла бу ёққа!

Отаси ҳам нос чекди. Яна ҳамма жим қолдн.

— Эй, бу дунёда қурт бўлсин, қумурска бўлсин, ризқини топади, — деб гап бошлади Мамат меш ку-тилмаганди.— Қимирлаган жон борки, ўз ташвишида. Ҳар кимнинг ўз насибаси бор. Мана, ёшимиз етмишга боряпти. Инқилобни кўрдик — ҳаммасини кўрдик! Қулоққулоқ деган замонларда яшадик. Мол-дунё кишига вафо қилмайди. Олимхўжабойнинг минг қўйи бор эди. Кўчага чиқсалар тагларида саман от, атрофларида ўн-ўн беш муридлари. Ана ас-асаю мана дабдаба! Нима бўлди? Қулоқ бўлиб дом-дараксиз кетди. Урушни кўрдик. Қирқ иккинчи йилдаги қиш шундай совуқ бўлди, шундай совуқ! Э Акрам ака, бу Русиянинг совуғи ёмон бўлар экан. Оёққўлдан ажралишимга сал қолган. Қулоғим ҳалиям сал иссиққа қичишиади.

Негадир амакисининг кулгиси қистаб қолди. Билдириласлик учун мўйловининг учини бурай бошлаган-да, кўзлари чақчайиб кетди.

— ... Бирорни ака дедик, бирорни ука, ишқилиб, бола-чақани оч қолдирмадик. Ҳозир замон яхши. Қайси уйга кирманг, радиё... Одамлар кирини ҳам мошинада ювади. Тавба, шу кир ювадиган мошинага қатиқ солиб, туғмасини боссанг, сариёғини ажратиб берар экан-а! Эй, бу одамларнинг усталиги...

“Бир нарса демоқчи бўлса, гапни айлантириб, охирини йўқотиб қўяди. Аввал қуртқумурсқа, кейин инқилоб, Олимхўжабой, уруш, қимматчилик. Энди кир ювадиган машинага ўтиб кетди”.

— Хайрулла, кечаги ойликдан неча сўм олдингиз? — деб сўради Мамат меш дабдурустдан.

— Тўйт юш шўм,— деб жавоб берди амакиси оғзида нос борлиги учун соқовланиб.

— Шу сувчилик ҳам сердаромад иш-да. Нима дедингиз, Акрам ака?

Отаси индамади. Мамат меш гапида давом этди:

— Пулни йўқотманг. Бозор куни ўзим бир яхши сигир олиб бераман.

Амакиси гиламни қайириб носини туфлади, кафти билан оғзини артди.

— Борини эплаб олай-чи. Болалар телевизор олиб беринг деб гаранг қилишяпти.

Шу пайт отаси қўкрак чўнтағидан занжири узун соатини чиқарди:

— Соат ҳам ўн бирдан ўтибди, Мамат ака. Гап сотиб ўтиришимиздан фойда йўқ. Турайлик. Қани, омин...

Мамат меш ўрнидан зўрга қўзгалди. Сал эгилган кўйи қулочини кенг ёйиб, белбогини айлантириб эша бошлади.

Маҳмуд ака Мамат мешнинг, бола ўзларининг эшагини етаклаб келди.

Мамат меш айилни қайтадан, қаттиқроқ тортди. “Шундай катта қорин билан эшакка қандай қилиб минар экан?”

Мамат меш анча вақт каловланиб турди-да, охiri;

— Маҳмуджон, қўлтиқдан олмасангиз...— деди хижолатомуз.

Маҳмуд ака ёрдамга шошилди. Мамат меш: “Ё пирам!”, дея бир амаллаб ўзини эгарга олди, эшаги бели майишиб, гандираклади.

Маҳмуд акадан ибрат олган бола отасига қўмаклашмоқчи бўлди, лекин улгурмади. Отаси узангига оёқ тираб, эгарга енгил ўтирди. Бола айланиб ўтиб отасининг бу оёғига ҳам узангини тўғрилади.

— Қўлимдан ушла,— деди отаси,— энди оёғингни оёғимга қўй!

— Оёғингиз қайрилиб кетмайдими?— деди бола отасининг оёғинга оёқ босишга юраги бетламай. — Қўявер, икки пуд келасанми, йўқми,— деди отаси. У отаси айтгандай қилди.— Ана шундай, қўлимдан маҳкам ушла. Қани, ҳа!

У отасининг қўлига осилиб чиранди, гавдасини ердан узолмади. Отаси унинг қўлтиғи оша елкасидан тортгандан сўнг эгарнинг орқасига миниб олди.

Улар бир муддат жим кетдилар.

Амакисининг оёқлари ерга тегай-тегай дейди: дароз, бўлали одам бўлса-да, эшаги чоғроқ, эгарида узанги ҳам йўқ.

Мамат меш гап бошлади:

— Маъракаси тузук ўтди. Одам ҳам яхши келди. Оши ейишли бўлибди. Қурбон яхши ошпаз-да. Лекин қиррикроқ.

Отаси индамади. Амакиси чўзиб эснади.

Енгил шабада турди. У жунжикиб отасига яқинроқ силжиди, унинг елкасидан қуириоққа бошини қўйди, юзи ишқаланаверганидан ғаши келиб, яна ортга сурилди.

“Бу бобойлар ёзда ҳам чопон кийишади-я, иссиқлаб кетишмайдими?”

Қабристондан дарахтлар шарпаси қорайиб қўринди. Бойўғли қичқирди, аллақандай қуш питирлаб қанот қоқди, яна жим бўлди.

— Мамат ака,— деди отаси,— эртага Орзиқулни кўриб келайлик.

Мамат меш эшагини халаҷўп билан бир тушириб қолди. Жаҳли чиқиб сўкинди.

— Эрталаб Ўсарни кўрувдим,— деди отаси яна унга парво қилмай.— Қора новвос билан ғунажинини бозорга олиб чиқар экан. Бири гап бўлса, шошиб қолмай деяпти.

— Йўғ-э,— деди амакнси ташвишланиб,— ўтган куни борганимда дуруст эдп-ку! Бир соатча ҳангомалашпб ўтирадик. Овқати ҳам яхши эди. Бир коса шўрва ичди.

— Омонат-да, айтиб бўладими. Аҳволи ёмондир-ки, Ўсар йифиняпти. Ақлли бола, сезмаса, билмаса, бекордан-бекорга ҳовлиқиб, менга маслаҳатга келмасди. Бугун боришга вақт йўқ эди, эртага борайлик. Чошгоҳда уйга келсангиз, Эшмурод билан Қодир акани ҳам олиб бирга ўтамиз. Уларга тайинлаганман.

Мамат меш оғир сўлиш олди, индамади.

— Мамат ака,— деди отаси.

— Ўзларинг бораверинглар,— деди Мамат меш.— Эртага уста чақирганман, ёнида бўлмасам, бир ўзи эпломайди.

— Қўйинг, важ-карсон қилманг. У ёқда бирор...— Энди отаси қаттиқроқ гапирди.— Илҳақ бўлиб ётибди бечора! Неча йиллик ошначилигиниз бор. Сизни деб қамалиб кетишига сал қолган...

Мамат меш индамай кетаверди.

У Орзиқул бобони яхши кўради: ҳар гал учратганда Орзиқул бобо: “Ассалому алайкум!”, деб уни қизартиради. У эса сал яқинроқ келсин, кейин салом бераман деб улгуролмай қоларди. Чол уни қалака қиласарди: “Э, эсингиздан чиқиб қолдими? Отангиз берган тарбия қани? Муаллимларига бориб айтамиз-да, энди”. У: “Мен салом бергунча ўзингиз шошилиб...” дея тутилиб қоларди. Шундан кейин у Орзиқул бобо кўчанинг нариги бошида кўриниши биланоқ “Ассалому алайкум!”, деб қичқирадиган бўлди. Бироқ Орзиқул бобо ўзини эшитмаганга олиб, индамай келаверарди. У қайта қичқиради. Чол пешонасига қўлини соябон қилиб томгами, ёки бирор қизик нарса кўргандек, ергами тикилиб яқинлашар эди-да, бирданига: “Ассалому алайкум”, дер ва “Ва-алайкум ассалом”, демайсизми, ўғлим”, деб унга

ажабланиб бокар эди. “Сиздан олдин салом бердим-ку, ахир”, дея йиғлагудек хуноб бўларди у. Орзиқул бобо аччиқланарди. “Муаллимингизга бо-риб, Мақсұдбойга одоб ўргатмабсизлар, деб айтмасамми”, деб пўписа қиласади. У бир куни онасига арз қиласади. Онаси: “Бобонг сени яхши кўрганидан ҳазиллашади-да”, деб қўя қолди.

Энди шундай яхши киши оғир касал бўлиб ётибдию Мамат мешнинг уни кўришга боргиси йўқ.

У отасини Мамат меш нима учун “ака” деб иззат қилишини бирдан тушунди — отаси укасига гапиргандек, ўзидан кичик одамни кўндиргандек, баландда туриб, мулоим овозда гапирав эди:

— Хўп қизиқ одамсиз-да, Мамат ака, ичингиз тор. Ўша гапни ҳалигача кўнглингизда оақлаб юрибсиз. Қўйинг, ўтган ишга саловот. Беш кунлик дунё — тўрт-бешта бобой қолдик. Сиз ҳам, мана, етмишни қоралаяпсиз. Энди нариёгини ўйланг, майда-чуйда гапларни эмас. Кўнгилни кенг қилинг, кенг. Ҳақимиз қолмади, энди бу дунёга устун бўлолмаймиз.

Мамат меш яна оғир сўлиш олди.

Чорраҳага етиб келдилар. Мамат мешнинг йўли бошқа, у эшагини бурди.

— Тонг отсин-чи, худо бир йўл кўрсатар. Яхши боринг, Акрам ака! Айтгандай,— Мамат меш эшагининг жиловини тортди (кишлоқда фақат унинг эшагига юган солинган).— Иш-ше, сабил қолгур! Хайрулла, келаси бозор Шерқўрғонга борамиزمи? Ола сигир жуда чимхўр чиқди, қуритиб келмасам, сиз ҳам новвосингизни сотмоқчи эдингиз-ку. Актамнинг мошини билан кетамиз.

— Мен сўймоқчи эдим,— деди амакиси.— Кейин Шерқўрғонда қорамолнинг нархи пастроқ, ютқизасиз.

— Йўқ-йўқ. Кеча бозор Усмонлар бориб келишибди, яхши экан.

— Ҳай, кўрамиз-да, ҳали вақт кўп-ку,— дед амакиси дудмал қилиб.

— Бирга борсак яхши бўларди-да,— деди Мамат меш.— Ёнимда турсангиз, ҳар ҳолда, бир кишидан икки киши... Яна бир ўйлаб кўринг.

...Улар йўлда давом этдилар.

— Борармикан?— деди амакиси.

— Боради,— деди отаси ишонч билан.— Орзиқул ётиб қолгандан бери нима қилишини билмай, имога маҳтал бўлиб юрибди. Тўғри кириб борай деса, бўйни ёр бермайди. Бироннинг юр-юр қилишини кутади. Сиртдан шундай кўринган билан ўзи ёмон одам эмас — ҳозир тихирлик қиляпти, кўрасан, эртага бориб, Орзиқулнинг олдида кўзёш тўкиб ҳам олади...

— Ҳали ҳам ўша аразими?

— Ўша. Туриб-туриб нашъа қиласади одамга - битта шопулбоп теракни деб эт билан тирноқдай икки жўра сан-манга бориб қолишган-а! Сўраганда Орзиқул ҳам бера қолмаган. Оғзи бепаравуз одам— “Тобутингизга насиб қилсин”, деган. Эртасига ярашиб кетишлари ҳам мумкин эди-ю, лекин орага бир-икки гап етакловчи тушиб...

Ой жуда-жуда баландда, нурли гардиши ичидә лоқайд өзүб борар, ердаги икки кишининг сұхбати бир маромда, теварак-атрофга, товушларга алоқасиз бир тарзда давом этар эди.

Бола ойга тикилиб, унинг икки соатча олдин қанчалар сулув күринганига ажабланар эди.

Хархолда теграсидаги доира қайдан пайдо бўлади?

— Ота,— деди у юрак ютиб.

Отаси унга эътибор бермай гапида давом этди. У яна такрорлади:

— Ота!

— Нима дейсан?—деди отаси гапи бўлинганига норози бўлиб.

“Уришиб берса-я”.

— Ху, ойнинг атрофидаги доира қайдан пайдо бўлади?

Отаси бошини кўтариб ойга, сўнгра амакисига қаради, кейин койиб берди:

— Бола деган гапни гапга қўшиб, катталар сўзлашганда аралашмайди, жим туради.

У ноўрин савол берганидан изза бўлди. Амакиси буни сезди шекилли, ўзига яқин. олиб, изоҳ берди:

— Ҳеч қаердан пайдо бўлмайди, ой қўтонлаган-да.

— Қўтонлаган?!

— Қўтонни биласан-ку. Шу, қўй қамаладиган қўтонни.

У осмонда ўтлаб кетаётган хўппа семиз, дум-думалоқ оппоқ қўйни тасаввур қилди: юлдузларни битта-битта чимдиг боради, қўтони ҳам у билан бирга силжийди.

Отаси оппоқ қўйлакда, кўрпача узра ерга қараб узала ётди-да, унга:

— Қани, Сайдмақсуд, бир елкаларни босиб қўйинг, ўғлим,— деди.

У тўлқинланиб кетди: отаси ундан мамнун бўлган, уни яхши қўрган чоғлардагина сизларди.

У эҳтиёткорлик билан отасининг белига оёқ босди.

— Чиқаверинг, чиқаверинг!

Сўнг деворни ушлаб ўнг оёғини ҳам қўйди. Қалтираб кетди. Жуда баландликка чиққандай, йиқилиб тушса, суюкларигача майда-майда бўлиб кетадигандай туюлди.

— Энди аста-секин юқорироққа юринг.

У авайлаб қадам босди. Оёғи отасининг салқиган териси билан тойрилганда, тўхтаб қолди. Отасининг суюклари қисирлади. Унинг қўнгли алланечук бўлиб кетди.

— Чап елкамни босинг!

Отасининг суюклари яна қисирлади,

— Энди ўнг елкамни.

У деворга икки қўллаб суюнди. Тиззалиридаги титроқ пасайди.

— Энди икки елкамнинг ўртасини.

Отаси жуда баҳайбат, паҳлавон одам туюлди унга.

“Уч юз килолик той пахтани елкасига олиб юз қадам юришдан гаров ўйнаб ютган. Менинг оғирлигим нима бўлибди”.

У дадилланиб бир текисда майда қадам ташлаганча отасининг кифтида уёқ-буёққа бориб кела бошлади. Отаси роҳатланиб, бир неча марта ух тортди. “Барака топинг!”, деб алқади.

Дунёда ундан баҳтиёрроқ одам йўқ эди.

— Ҳа, ана шундай! Онаси чой кўтариб кирди.

— Кўп яшанг, ўғлим! Туш энди.

У чироқни ўзига яқинроқ суради, лўлаболишга кўкрагини босиб китобини очади.

“Орзиқул бобо ўлса, Усар ака жуда ёмон кунга қолади-да. Одам қандай қилиб ўладй, а? Жони қаеридан чиқиб кетади? Нариги дунёда жуда ёмон бўлади-ку! Оқшом мозоратда бир ўзи... Ҳаммаёқ қпқоронғи. Чиқай деса устида қалин тупроқ... Мункар-акир келади... Ух-х, қандай кўрқинчли!...”

У китобнинг навбатдаги варағини очаётганда, ҳеч нарса ўқимаётганлигини сезиб, яна қайта бошдан ўқишига тутиндиди.

“Отам ҳам қарияпман, дейди. Қарийверибқарийвериб, охири ўлиб қолса-я! Йўқ, отаси ҳали бақувват. Бугун ўзи қрқди, бўлмаса кифтида ўйин тушса ҳам отаси парво қилмас эди. Шундай кучли отасининг ўлиши мумкин эмас. Отаси ўлмайди, снра-сира ўлмайди. У ҳам ҳеч қачон отасини ташлаб, шаҳарга кетмайди. Мактабни битиргандан кейин шаҳарни роса томоша қилиб, кўп китоб олиб қайтади-да, умрининг охиригача отасининг ёнида яшаб, унга хизмат қиласи, дуосини олади. Отаси билан бирга қарийди. Акаси нотўғри қилган. Нега у отасини соғинмайди, а? Ҳар куни отасини кўрмай яшашга қандай чидайди? Отанинг қарғишига қолган одамнинг иши ўнгмайди. “Ота қарғиши — ўқ”, дейди онаси. Мана, энди қандай қилиб олим бўлади? Ҳамма ҳайиқадиган, ҳурмат қиласиган отасини қандай ташлаб кетиши мумкин! Қарийқарий, охири мункиллаб, ўрнидан бирор қўлтиғидан олмаса туролмайдиган, эшакка ўзи минолмайдиган бўлиб қолса, уни ким боқади?! Акаси шуни ўйламаган-да. У отасини...”

... Ў оқ қўйга миниб олиб, кўзларини қамаштираётган гардии деворнине эшигини ахтаради. Оқ қўй эса тихирлик қилиб юрмайди, бир жойда қотиб тураверади. Пастда отаси қўлини пахса қилиб қичқиради: “Миянг хатоми сенинг! Нега ойга миниб олдинг? Яна йиқилиб тушиб бошимга бало орттирма. Сени қўтариб дўхтирма-дўхтир чопиб юрмайин. Яхшилика туши, деяпман, бўлмаса олмага оёғингдан осаман”. Отасининг ёнида Орзиқул бобо қотибқотиб кулади: “Ана холос! Бизни пулисиротдан ўтказиб қўядиган қўйни миниб олибсиз-ку! Муаллимингизга бориб айтмасамми”. Мамат меш эшагидан тушмай отасига таскин беради: “Кўйинг, индаманг, боланинг ўзи хоҳлаб тушмаса, мажбур қилиб бўлмайди. Кўп ўқиган-да. Ўқимаса ойга чиқармиди”. У ҳадеб ярақлаётган гардии деворнинг эшигини ахтаради, девор эса унинг кўзларини қамаштиради, эшиги эса кўринмайди. Оқ қўй ҳам тихирлик қилиб жойдан силжисмайди. У қўйни халаҷўп билан уради, қўйнинг жунлари оёғига ўралашиб қолади. Бирдан

димогига ачқимтил ҳид уриладио, учиб кетади. Отаси эса негадир мулойим овозда гапириб қолади: “Ҳа, нодон бола-я, яна чирокни ўчирмабди...”

- Ҳа, нодон бола-я, яна чирокни ўчирмабди. Уйқусираф туртиб юборса борми!

Чол ориқина ўғлини авайлаб қўтарди. Ўғли қучоғида уйқусираф чўчиб тушди, алланарса деб ғудранди. Чол ўғлини жойига ётқизар экан, меҳри ийиб кетди.

“Хали қирдай йигит бўлади. Ўжарлиги ҳам, аччиғи ҳам—ўзим. Акаларидан кўрмаганимни шундан кўраман”.

Чол ўғлини ҳеч қачон урмаган, ҳатто чертмаган ҳам. Фақат муштдай бошидан бу қадар кўп китоб ўқий бошлаганига ташвишланади, холос.

Пастдан, қишлоқнинг ичидан товуш сал баландлади-ю, ўқди, паст ғовур эшитилди — Орзиқул қайтиш қилдимикиан — товуш Ўсарникига ўхшайди, бошқа оғир ётган одам йўқ...

ОДАМНИНГ ОЛАСИ

ҳикоя

Лоф эмас, Яламада Шерқўзидек мулойим, ундан халимроқ кишини топиш мушкул. Мана, ёши қирқдан ҳам ошибдики, бирор билан санманга борганини ёки, ақалли номига бўлса-да, кимсага дўқ урганини ҳеч ким кўрмаган-эшиитмаган. Лекин Ялламанинг ман-ман деган бўйни йўғони ҳам унинг қархисида кўл қовуштириб айтадиган гапини орқа-олдига қараб, ўйлаб гапиради: Шерқўзи “Жоним-жоним”лаб ҳар қандай одамнинг жонини кекирдагидан суғуриб олади.

Шерқўзи бир одамдан, у ҳам бўлса отасидан бир оз чўчийди. Лекин ҳовли-жойи, рўзғори бошқа, шундай экан, қариб қолган бобойдан чўчиди нима, чўчимади нима! Уч синглиси, “мусофириликда юрган” укаси ва онасига Шерқўзи аяброқ гапиради, аммо улар ҳам Шерқўзидан негадир

ҳайиқишиди. Айниқса, хотини Кароматга худо юракдан берган: елкасидан ҳам келмайдиган (такдир экан-да!), увоқцина эри олдида қалтираб туради. Шерқўзи жаҳли чиққан пайтларда бақирмайди, сўкмайди, “Хоним!” деб сизлайди, “Кароматхон！”, дейди - узид олади. Унинг эшикдан: “Каром, чойпойинг борми?” Ўзбекнинг рўзғори қурсин, бирин битирсанг, бири тайёр туради-я”. Деб ҳорғин кириб келишига, оҳ Каромат жони-жаҳонини беришга тайёр – Шерқўзининг эркалатгани шу-да!

Аслида-ку, Шерқўзи рўзғори, хўжалигидан нолимаса ҳам бўлади – жойида. Эшик олди бир текис вайш, ҳусайн, кейин яна бир қатор қора кишмиш, мускат... энг охири – эртаги даройи. Ундан сўнг худди шундай тартиб билан помидор, бодринг, картошка, ловия, булғори қалампир, аччиқ жайдари қалампир экилган. Уйнинг орқасида эса беда, маккажўхори, пиёз, озгина саримсоқпиёз, сабзи, яна уруғини Шерқўзи қайдандир топиб келган “суданка” деган емиш ўт. Ён томонда чоғроқцина боғ, у ерда мевали дарахтнинг ёнғоқ билан шафттолидан бошқа қарийб ҳаммаси бор. Шерқўзи бу иккала дарахтнинг мевасини яхши кўрса ҳам, ўзини хушламайди: ёнғоқ кўп жойни эгаллайди, томорқанинг анча жойига соя ташлаб, бошқа экинларни сиқиб қўяди, шафтоли эса уч-тўрт йилдан сўнг қариб қолади. Ҳовлининг чоратрофи бир текис бўй тортган мирзатераклар билан ўралган. Ҳар биридан иккита болор чиқади. Агар қирқ сўмдан (Шерқўзи ошиқча сўрамайди – инсофи бор) пулласа, ўзича ўсадиган, ош-нон сўрамайдиган шу теракларнинг ўзи икки ярим-уч минг туради. Бу ҳам бир давлат-да, пул топиш осон эмас, лекин йўлини билиш керак.

Шерқўзи пулга муҳтож эмас. Уч говмиш сигири (биттаси яқинда туғиб беради), икки зотли бузоги, бир новвоси бор; буқаси эса боқувда, бурнига ўтказилган халқани силкитиб, пишқириб ётибди. Беш-олтита қўйи даштда – чўпонда. Ҳар йили ё биронтаси йўқолади, ё ҳаром ўлади, бироқ Шерқўзи қўли очиқ, бағри кенг одам – куйиниб ўтиrmайди, “Садақа-да, келган балоқазо шунга урсин”, деб қўя қолади. Негаки, Шерқўзи пулнинг изидан қувган одам эмас, аксинча, пулнинг ўзи уни қувлаб юради. Тўғри, Шерқўзи тинмайди, эртаю кеч меҳнат қилади, кўпинча тез-тез мол алмаштириб сотади. Ҳар биридан икки юз-уч юз ёнга қолади, лекин ҳеч ким буни айб санамайди – бозор-да, йўлини билагн одамни ҳалол.

Ўтган йили Шерқўзи ўғли ухлагандан сўнг хотинига аччиқ чой дамлатиб, ўзича хомчўт қилиб кўрса, жамғармаси битта енгил машинага бемалол етиб, ҳатто ошиб ҳам қолибди. Кейин ўйлаб қараса, Яламанинг энг олд одамларида машина бор. Шерқўзининг улардан ҳеч бир камчилик жойи йўқ. Шерқўзи эртаси қуни яқин-яқин оғайниларидан шунчаки номига икки минг қарз кўтарди; қишлоқда ҳар хил одам бор, ўзи сувчи, топгани мунча, шунча пулни қайдан олди, деб устингдан ёзишдан ҳам тоймайди булар. У пулни костюмининг астарига тикди-да, тўғри марказга – раийжрокўм раисининг қабулига жўнади. Гапни қисқа қилди: “Бизни, мана, яқин ўн йилдан бери яхши биласиз. Пахтани кечалари қулоқ бошида қолиб суғориш ташаббусига қўшилганимиз учун раҳматномани ўз қўлингиз билан топширгансиз. Аммо шу патгача уним кам, буним кам, деб сизни безовта

қилганим йўқ. Энди бир илтимос бор. Тўғрисини айтганда, сиз учун оғзингизнинг бир четидан чиқадиган гап, биз учун эса... ўзингиз биласиз”. Райижроком раиси: “Нима илтимос экан? Агар қўлимиздан келса, сиздек илғор сувчидан ёрдамимизни аяймизми?”, деб қўйгач, Шерқўзи темирни қизигида босди: лўнда қилиб шу киши шу лавозимга кўтарилигандан бери район хўжалиги гуриллаб ривож топганини, ҳали худо хоҳласа, бундан ҳам зўр бўлажагини, одамларнинг фаровончилиги ошиб; кўпчилик машина олганини ва шулар қаторида ғариб Шерқўзига ҳам битта “аравача” кераклигини (агар иложи топилса, албатта; йўқса, нима, машинасиз одамнинг куни ўтмаяптими!) баён этди; “Кел-э, шу калбағалнинг ҳам елкасига бир офтоб тегсин, дейсиз-да энди”, деди охрида. Хуллас, марказга ими-жимида, ҳеч кимга билдирилмай жўнаган Шерқўзи қайтишда ҳаммага кўз-кўз қилиб, говмиш сигирининг қаймоғидек товланиб турган “Жигули”ни ҳайдаб келди. Қурғур, ўзи ҳам кийикдек бўлар экан, сал тизгинни бўшатсанг - учади-я, учади! Айниқса, Шерқўзининг бунга қадар керакли қофозларигача тўғрилаб қўйиб, машина ҳайдашни ҳам ўрганиб олганини айтмайсизми!

Яламаликлар: “Шерқўзининг ҳозир беш-олти минг пули бор”, деб гап қилишади, балки, ростдир. Лекин бунинг учун ҳеч ким Шерқўзини айбламайди: ишлаб топади – ҳалоли бўлсин! Ҳа энди, ҳамма жойдагидек, Яламада ҳам бир-икки оғзига кучи етмаган топилади. Бултурдан бери мактабда рус тилидан дарс бераётган малла, сепкилдор Сарвар (у ўқишдан дипломга қўшиб “Саврасик” деган лакаб ҳам олиб қайтган) Шерқўзини “мешчан” дебди. Шерқўзи буни эшитиб кулиб қўя қолди. Ўзи тенги бўлгандек-ку, онасини қўзига кўрсатар эди-я! Кўлидан бир иш келиши даргумон, чўнтағида ҳемири йўқ бу мирқуруқ ёшлар ўзлари етишолмаган нарса борки, ёмонлашади. Кейин Шерқўзи ҳеч ҳам мечкай эмас, овқатни танига қараб танлаб ейди. Бу болалар оғзидан чиқкан гапнинг маънисини билмайди-ю, яна бирорларни наҳ уришига ўласанми! Аввал Шерқўзидек бўл, қора меҳнатнинг мазасини татиб кўр, ҳа, унда гапирсанг ярашади. Тўй-маракангга бошқош, қувончинингга шерик, дардингга дардкаш бўлса, бошингга ташвиш тушганда, “Жон ака, ёрдам беринг”, деб олдига югуриб келсанг-у, яна ўзи еб бирорни куруқ қўйгандек, тўртта ғилдирак олганига Шерқўзи пух сассиққа чиқса!

Шерқўзи чорпоядаги икки қават кўрпачада ёнбошлаганча, қўлидаги шингил райҳон билан елпиниб, гоҳ хушнуд, гоҳ дилгир кайфиятда (одам ҳеч нарсани ўйламаса шунака бўлади) “Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро қўзим мани”, дея минғирлаб хиргойи қилиб ётган эди, қай гўрдан олашақшақ пайдо бўлиб, нақ тепасида шаққиллаб қолди. Шерқўзи чўчиб тушди, қўлидаги райҳонни дастурхонга ташлаб юборди.

- Кишт-э, нафасинг ўчсин! Ҳой Каромат, ҳайда буни, ҳозир чакки халтангни тешиб кетади.

Кечки овқат ташвишида ғимирсиб юрган Каромат ошхонадан чиққунча олашақшақ бир нарсани уқтироқчи бўлгандек аввалгидан қаттикроқ, жонжахди билан шақиллади-да, учиб кетди, қўшнининг тепа шохи қўриб қолган толига қўнди.

Ўх-ў, - деди Шеркўзи хавотирга тушиб. – Яна аччиқ ҳам қиладилар! Сенга чакки халтани қўшкўллаб тутқазиш керак экан-да?

“Шу қушнинг моякни оғзидан туғиши росмикан?- деб ўйлади у, хаёлига келган нохуш гапларни қувишга уриниб. – Тавба, ҳамма парранда тухумни бир томони билан түгса, бу тентак тескарисини қилади-я! Сабил жуда бехосият қуш-да, айтгани доим тўғри келади”.

Каромат уйдан яна иккита ёстиқ кўтариб чиқди.

- Мана, бор-ку? – деди Шеркўзи ажабланиб. – Ё ўзинг ҳам ёнбошламоқчимисан?

Каромат ху ўша келинчаклик пайтларида гидек ички бир ҳаяжон билан, юзлари ёришиб табассум қилди:

- Сизнинг соянгизда ёнбошласам арзимабдими?

Шеркўзининг хайрати ошди: “Бугун жуда нозу фироқлар ўзгача – бирон гапи боров. Бекорга ишва қилмайди бу”.

- Ҳм... ёнбошла, - деди у бошқа гап тополмай.

Каромат ёстикларни эрининг ёнбошига қўйиб, чойнакка кўл чўзди:

- Чойингиз совиб қолибди, янгилаб келайми?

- Кераги йўқ.

Каромат эрининг ёнига чиқди, индамай унинг оёқларига суюниб ўтириди. Шеркўзининг кўнгли ғалати бўлиб кетди.

- Э-э, суйкалмай ўтири. Чарчаб келганман.

Каромат эрининг совиб қолган чойини ичди-да:

- Бугун ўхшатиб қўйруқ ёғига палов қилиб бераман, - деди, кейин эрининг кийимларига қараб, қўшиб қўйди: - Алмаштириб олмайсизми, устингиздагини ювиб берардим.

Шеркўзи томоқ қирди-да, чордана қуриб ўтириди.

- Менга қара, бирон бундайроқ кийимлик–пийимлик олдингми? Олган бўлсанг, кўп айланиб-ўргилавермай айт-да қўй!

Каромат маъсум илжайди-ю, индамади, дастурхонга тикилиб ўтираверди. Шеркўзининг сабри чидамади:

- Гапирсанг-чи!

Каромат яна индамади.

Шеркўзи қараса, хотини ҳали-вери оғиз очмоқчи эмас, шунинг учун жўрттага эснаб, ёлғонлади:

- Айтгандай, Ҳаким бечора: “Хотинини касалхонага олиб бориб ташласангиз”, деган эди-я. Сал бўлмаса, эсимдан чиқай дебди. Тур, бошқа кўйлак олиб чиқ, бунингнинг ёқаси тўзиб кетибди.

Каромат унга ташвиш билан қараб қўйди-ю, лекин ҳадеганда қўзғалавермади. Шеркўзи баттар қистовга олди:

- Тур, мунча инмиллайсан?

Каромат бошини кўтарди, хотин бўлиб эрига биринчи марта тик боқиб гапирди:

- Султонингиз, уйланаман, деяпти!

Шеркўзи дуруст англамади:

- Нима?

- Хотин олиб берасиз, деяпти.

Шеркўзининг кўзлари чақчайиб кетди:

- Қанақа хотин?!

Кароматнинг бояги табассумлари, бу гапни айтишдан олдин ўйлаб қўйган режалари ҳаммаси бир зумда учди-кетди. Эрининг кўнглидаги гаплар ҳошиясига майдалаб ёзиб қўйилгандек дастурхонга термилиб қўрқа-писа минифирлади:

- Бир-бирига кўнгил берган экан.
- Кимга? Анави Карим чаккининг жинқарчансигами?
- Йўқ, бошқа Аширқул аканинг қизи.

Шерқўзи тутоқди:

- Эй, менга қара, эсинг жойидами ўзи? Оғзингдан чиққан гапни билиб гапиряпсанми?

Каромат эрига аламли қаради:

- Билганим учун гапираяпман. Ҳали жуда аҳмоқ бўлиб қолганим йўқ... Чўлга кетаман деяпти...

Шерқўзининг бир қоши кўтарили: “Эҳ-э, гап жиддийга ўхшайди. Бу касофат олашақшақ бекорга шаққилламаган”.

- Эй, менга қара, галдирама. Дам хотин олмоқчи, дам чўлга кетмоқчи дейсан. Нима, уйланиб, чўлга хотини билан кетмоқчими?

- Сизга бир гапни уқтиргунча ўлиб бўлади одам.

“Агар Манзурани олиб бермасанглар, бошимни олиб чўлга кетаман”, деяпти. – Кароматнинг кўзларига жик-жик ёш тўлди. Шерқўзи эса негадир ўз-ўзидан бир оз енгил тортди: “Кетиб бўпти! Кетса ҳам икки қунда мулла бўлиб қайтади. Лекин манавит ақли калтани қандай қилиб тинчтиш керак?”

- Ҳм, бошини олиб кетади, де. Бу ерда ишламаган бош уёқда иш берар экан-да, а? Сенга ташлаб кетса бўлмасмикан – ақлингга ақл қўшилармиди! Иккита бош билан тузукроқ ўйлармидинг...

Кароматнинг киприклиари пир-пир учди:

- Сизга шунаقا майна қилиш бўлса! Телевизордаги Эргашдан камингиз йўқ.

Шерқўзининг қоши жойига тушди, бироқ шу он яна қайта, бу гал атай кўтарили.

- Тинчгина ўтирган эдим-а! Қай гўрдан шу гапни топдинг?

Ўғлингда калла бўлмаса сенда бордир? Сен эсингни еб қўймагандирсан?-Шерқўзи қўллари титраб чой қуиди, бир кўтаришда ичиб юборди. – Э, тавба! Ўқишдан-ку биринчи имтиҳондаёқ оёғи осмондан бўлиб қайтди. Энди бу нағмани ўйлаб топдими? Ноябрда лип этиб армияга олиб кетса... Э, ҳали хотиннинг маънисини қайдан билади бу!

- Биттаю битта ўғлингиз... - деди Каромат иягини тиззасига қадаганча.

Шерқўзи бўғилди:

- Йўқ, у менинг ўғлим эмас, мўлтонининг тўрвасидан тушиб қолган, бегона! Бу мол-давлатни нариги дунёга орқалаб кетаман, деб ўзим учун тўпладимми! Ўпкам оғзимга тикилиб эртадан қора кечгача ким учун чопаман? Биттаю-битта фарзандим, шуни одам сонига қўшай, деб юрибман-ку, ахир!

- Шундай-ку-я – деди Каромат кўзларини енги билан артиб.

Шерқўзи бирдан ҳовуридан тушди:

- Каром, менга қара, эсингни йиф. Мунда-ай танагга ўйлаб күр. Ҳали мурти чиқмаган болага хотин олиб бериб, маломатга қолмайлик. Оёқ тираб туриб олса, насиҳат қил, авра. Бугун қўнгил қўйса, эртага эсидан чиқади. Жуда кўкрагини захга бериб ётиб қолмас. Отам хотинни қўйнимга солиб қўйса, ҳар куни биттадан муччи олардим, деган калтаўй бола-да. Ё бирон шумлик қилиб қўйганми ўғлинг?

Каромат қўрқиб кетди:

- Йўғ-э, худо сақласин! Фақат хат олиб, хат беришармиш.

- Унда, ҳовлиқма. Болангнинг сал суяги қotsин, бирон ишнинг бошини тутсин, кейин бир гап бўлар.

- “Отамга айтинг”, деб ҳол-жонимга қўймаяпти-да, нима қилай?

Шерқўзи бир зум ўйланиб турди-да, деди:

Ҳа, гаранг қиласверса, “Отанг розига ўхшайди”, деб қўявер.

Кароматнинг юзи ёришди:

- Ростданми?

Шерқўзининг энди жаҳли чиқди:

- Э-ҳа, гап бу ёқда экан-ку Ўғилдан олдин ўзлари чопавул чопган кўринадилар? Фаросат улашганда қаёқда эдилар? Қайнона бўлгилари келиб қолдими? А, бу Аширқулнинг хотини бузук, эркакларни йўлдан урадиган эди-ку? Уни кўтарга қўзлари йўқ эди. Энди у билан қуда-андада бўлмоқчимилар?

Бу гап Кароматга ёмон ботди.

- Мусалламни ёмон кўрсам... - дея тутилиб қолди у. – Унга ҳам ўзингиз айбдорсиз. Бечорани ўзингиз... йўлдан охдиргансиз. Шуни оламан, деб...

- Ҳа-а, ана шунаقا бўлади, - деб Шерқўзи хотинининг гапини шартта кесди. – Бир вақтлар пух сассиқ эдик, калтабақай, яна нима балолар эдик. Биз билан роса бир йил юриб, тегишга келганда, “Бўйи бир қарич бўлмай ўлсин, шу читтакка тегаманми! Тагига тўртта ғишт қўйса ҳам менга етмайди”, деб бурунларини жийирган эдилар, - Шерқўзи қўлларини белига кўйиб, овозини чийиллатиб, бошини сарак-сарак қилганча хотинини ижиклади. – Айтавермайми? Мусаллам менга битай деганда, ҳар куни йўлимни пойлаб, бунинг ҳам иложи бўлмагач, “Агар мени ташлаб, мусалламни олса, устимга керосин сепиб ўт қўяман”, деб опасини югуртирган ҳам ўзлари. Шундайми? Яна айтайми? “Куёвимга кўз қисдинг”, деб шўрлик бева Шарофатни юлганингизни ҳа гапирайми? “Мусалламни иссиқ-совуқ қилиб беринг!!!”, деб чизмакаш ойимга ялинганингиздан ҳам мандат берайми? Йўқ, денг! Ҳа, нега индамайдилар?

Каромат бошлаган гапининг ўз зарарига бундай чаппа айланиб кетишини кутмаган эди, шошиб қолди, чор-ночор илжайганча, қизариб-бўзарид ён берди:

- Ўлинг, сиз ўшанда ҳам кичкинагина бўлиб, бир йўла беш-олтитамиз билан юрар эдингиз. Билмасмидим, ҳали ҳам мен...

Бу гап Шерқўзига анча ёқиб тушди, шундай бўлсада, ўдағайлаб қўйди:

- Ким кичкина? – Кейин ростдан ҳам худо ўзини бўйдан жиндай қисгани эсига тушиб, хотинини гап билан секингина чимдиб олди: - Шунча гапдан кейин кичкина ҳам қиладилар!

Каромат шўрлик қора булутлар ёғмай, бошидан шув ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилиб енгил тин олди, ўзини уялганга солиб эрига ер остидан сузилиб боқди. Шерқўзи ҳам лабини йиғиштиромай қулиб юбормаслик учун чойдан хўплади. “Ҳе, ноз қилмай ўл-э”, деб ичида хотинини сўқди.

- Ҳа энди, худо бирорни узун, бирорни қисқа, бирорни катта, бирорни кичик қилиб яратади-да. Анави теракларни қара, экканимда ҳаммаси бирдай эди. Суви бир хил, ери бир хил, лекин иккита бараварини топиб бер, қани? Ҳамма бир текис бўлса, дунёнинг қизифи қолмайди. Мана, сенинг бўйинг кетган... Бизники шу, сал... Лекин олмага етмасак ҳам, шафтолини узамиз, ҳа! Яратганинг қудратини қара – икковимизни қўшиб қўйибди. Ё норозимисан? Норози бўлсанг, айт. Мана, Суннат салангни қара – бўйи том баравар. Ақли-чи? Элликка кирди, ҳали ҳам валасапид минади. Э-э, кампир, дунёнинг ишлари шунаقا...

Шерқўзи шу тариқа бир муддат ваъз ўқиди, бутунлай тор-мор бўлган “кампири” ҳам ора-сира ҳангомага мой қуйиб, эрининг оёқларини уқалаб ўтирди.

Эр-хотин ораларидан ҳеч гап ўтмагандек, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди-ю, бироқ Шерқўзининг ҳаловати йўқолди. Колаверса, хотинининг гап маъқуллаб, оёқларини уқалаб ўтиришида ҳам маъни қўп. Муштипар аёлда, ҳам эрнинг, ҳам фарзанднинг кунглини олмоқчи. Бу савдонинг ўрта бир йўлини топиш керак – сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Лекин эркатой ўғилни аҳдидан қайтариб бўлармикан?

Кечкурун укаси галстукларини яраклатиб, осмондан тушдими, ердан чиқдими, бир-бир босиб эшиқдан кириб келганда Шерқўзи бир кўза тилла топгандек суюниб кетди: Султон ҳеч кимнинг гапини олмаса ҳам, амакисиникини олади.

- Кел-э! Қайларда юрибсан? Одамни соғинтириб юбординг-ку! Ука деган ҳам шундай бўладими? Уч ойдан бери на хат, на хабар! Мундоқ акам бор эди ҳам демайсан. Ишларинг қалай? Рангинг олиниб қолибди. Чарчадингми? Имтиҳонларинигдан қутулдингми? Қачон битирасан бу ишингни? Ҳеч ёқлай деяпсанми? Ёқла-е тезроқ. Бизнинг кўкракка ҳам шамол тегсин! Укамиз олим бўлди, деб кариллаб юрайлик. Энди уйлансанг ҳам эрта эмас, Мусақулбой. Турғун сен билан ўқиганмиди? Яқинда яна ўғилли бўлди. Ўзи магазинчи, тўрт ўғилнинг отаси, бурнига хода етмайди. Бу ёқда, мана, Султон аканг ҳам уйланаман, акам йўлимни очсин, деб турибди. Келин ҳам тайёр эмиш, ҳа. Тоза ошиқ-маъшуқ. Қўй-э шу ишингни, қийналиб кетдинг. Ё домлангнинг қиз-пизига кўз тикиб юрибсанми? Майли сеники тўгри. Катта одамлар билан қариндош бўлган яхши. Мана, биз ўқимадик. Лекин янганг билан қозон-товоқ, уй-рўзғон институтини гуллатиб ётибмиз. Энди қайнотақайнаналикни имтиҳон топширарканмиз...

“Масковдаги беш йиллигидан ҳам катта ўқишда домуллоликка ўқиётган Мусокўлбой” акасининг пишиб ўтиб кетган шафтолидек тап-туп тўкилаётган саволларига сиполик билан хушламайгина ҳа-ҳу деб ўтирди. “Машқи паст – пул сўраб келган-ов”, деб қўйди ўзича Шерқўзи.

Ака-ука қўйруқ ёғига қилинган хушхўр паловни тушириб, сўнгра хўжабилмас қонувнни хузур қилиб ейишиди, устидан аччиқ кўк чойни босиб-босиб ичишиди. Шерқўзи “Ха, кўрсатган кунингга, етказган мартабангга шукур!” деб ёнбошлади, нос отди. Мусо ҳам чўнтағидан тилла қофозли қутичани чиқариб, сигатера тутатди.

- Мусокулбой, бошга бир ташвиш тушиб турибди, ука, - деб гап бошлади Шерқўзи носини тупириб, оғзини чой билан чайиб олгач – шу уканг, жиян бўлса ҳам уканг-да энди... Кампир, ўғлинг қаёққа даф бўлди?

- Мансур жўрасининг туғилган куни экан. Ўзингиздан сўраб кетди-ку, - деди Каромат.

- Хах, тирмизаклар-эй! Туғилиб нима каромат қўрсатибдиларки, уни нишонласа! – деди Шерқўзи. – Майли, бориб келақолсин. Ишқилиб ичкиликка ўрганиб кетмаса бўлди... Мусақулбой, шу уканг еган-ичганимни бурнимдан булоқ қилиб оқизмоқчига ўхшайди-да.

Мусақул акасига ҳайрон қараб қўйди.

- Кампир, бор, сен у-бу ишларинга қара қозон-товоғингни ювасанми ё ҳамсояларникига ўтиб гап сотасанми, ишқилиб бизни холи қўй, гапимиз бор, - деди Шерқўзи.

Афтидан Каромат уларни ҳеч холи қолдиргиси йўқ эди, шекилли, синини бузмай:

- Ўтирибман-да, - деди.

Шерқўзи шу пайтгача гапини икки қилмаган хотинига ўқрайиб қаради, аммо ҳеч нарса демай укасига ўгирилди:

- Тоза чарчадим, ука. Бир ўзим бўлсам, ҳали у деб югур, ҳали бу деб. Бир ёқда колхознинг иши, бир ёқда рўзғор ташвиши. Ахволимни қўриб турибсан – битта хотинга гапим ўтмайди. Али десанг, бали деб туради. Она-бала тоза бошимга чиқиб олди. Мана, бир ойки, ҳар куни ғалва: Султонбойга хотин олиб бериш керак эмиш! Оқшомлари ухламай, кўкрагини заҳга бериб ётади. Бир-бирларига кўнгил қўйибдилар! Шу Аширқулда бир қиз бор – худонинг балоси. Агар шуни олиб бермасам, она-бала мени ташлаб, чўлга қочиб кетар эмиш, чўлга!

Каромат анграйиб қолди. “Ёлғон гапиргунча ёрилиб ўлсангиз яхши-е”, дегандек ёқасини ушлади. Мусо акасининг гапларига чиппа-чин ишониб, янгасига қаради: “Шунақами?” Каромат нимадир демоқчи эди, Шерқўзи имкон бермади:

- Ўтир-э! Мен гапиряпман. Эрманми сенга! Ана шунақа, ука, бир оғиз гапириш учун булардан рухсат сўраш керак. Айт, деса – айтаман, йўқса, тилимни тишлаб ўтиравераман.

Мусо жуда ташвишланди:

- Масала шу қадар жиддийми?

- Нима, қулоғингга танбур чертаяпманми? Жиддий бўлмаса, шунча куйиб-пишаманми?

Мусо галстугини бўшатди, яна битта сигарета тутатди, ростдан ҳам акасининг бошига жуда катта фалокат тушгану, бунда фақат ўзи халаскор бўлиши мумкиндеқ, ўйчан қиёфада сўз бошлади:

- Унда масалага бунаقا тарзда бир ёқлама ёндашиб бўлмайди. Тўғри, Султон сал ёшроқ албатта. Лекин кечалари ухламай... Умуман, бу қадар қаттиқ севиб қолган бўлса, кўнглини синдирмаслик керак. Кейин унинг шаклланишига ёмон таъсир этиши мумкин. Масала жуда жиддий. Чуқурроқ ўйлаш керак.

Шерқўзининг энсаси қотди.

- Масала-пасалангни кўйиб тур, ука. Ундан кўра Султонга ўзинг икки оғиз насиҳат қилсанг-чи. Сени “акам-акам”лаб, соянгга саккиз қават кўрпача тўшаб юради – гапингни икки қилмас.

Мусо “жиддий масала”ни ҳал этишнинг бунаقا осон йўли борлигига ҳайрон бўлди:

- Мен-ку насиҳат қиларман, бироқ у... Севги деган нарса...

- Хўш? – деди Шерқўзи укасининг чайналишига ғаши келиб.

- Болага жавр бўладими, дейман...

- Мен ҳам шуни айтаман-да, - деди Каромат қайнисининг далдасидан умиди учқунлаб.

- Унда нима қил дейсан? – деди Шерқўзи.

Мусо яна дудмал гапирди:

- Ҳар ҳолда кўнгил масаласи...

- Уйлантириб қўяйми? – деди Шерқўзи қизишиб. – Нонни нанна деб юрган болани-я?

Мусо кифтини учирди:

- Билмасам.

Шерқўзи давом этди:

- Уйлантириб қўйсам-да, ҳафта ўтмай: “Ота, буниси ёқмади, оёғи ингичка экан, бошқасини олиб берасиз”, деса, ё: “Кулиши бизга тўғри келмади, яхши куладиганини топдим”, деб қолса, унда нима қиласман? Менинг қиз фабрикам йўқки, бу она-боланинг кўнглига тўғри келадиган, андазасига тушадиганидан чиқариб бераверсам!

Мусонинг бирдан ўжарлиги тутди:

- Демайди! Мен кафилман – демайди. Мухаббат – сизга ўйинчоқ эмас. Бу... Ўзингизнинг ўғлингиз бўлса ҳам, туйғуларини оёқости қилишга ҳаққингиз йўқ!

“Ие, бу бало қайдан чиқди?”, деб қўйди Шерқўзи қўнглида.

- Эй, менга қара, калланг жойидами ўзи? – деди у ич-ичидан хуруж қилиб келаётган жаҳлини босишга тиришиб.

Бу гап Мусога аччиқ қамчи бўлиб тегди ва у шу пайтгача қамчи кўрмаган асов аргумоқдек кўтарилиб кетди:

- Каллам жойида, жуда жойида! Қани...

- Каллангиз жойида бўлса, ўзингиз уйлантириб қўя қолинг! – деб Шерқўзи бирдан сизлашга ўтди.

Мусога акасининг кинояси жуда оғир ботди, шунча вақт унинг гапларидан ранги чиқмай юрган одам, бирдан исён қилди:

- Бўпти! Ўзим уйлантириб қўяман! Нима, қўлидан келмайди, деб ўйляяпсизми? Келади! Тўй-пўй деб ўтирмай иккаласини ҳам Москвага олиб кетаман, ўқитаман. Степендиямни шуларга бериб, ўзим вокзалда юк туширсан ҳам, кунимни кўраман.

Шерқўзининг захраси учди: “Э, бу қипқизил тентак экан-ку!”. Лекин, бари-бир тилининг қичигини босолмади:

- Ҳм... майли уйлантириг. Сизга ҳам фарз – укангиз. Мен ўлиб, нетиб қолсан, албатта унинг бошини силашингизга тўғри келади. Лекин ҳозир қайси пулчаларига уйлантирадилар? Муллажирингни қайдан топадилар, муллажирингни?

- Топаман! – деб турсайди Мусо.

- Олдин ўзларига хотин топсинлар! Олти йилдан берики, одамларнинг ичидаги гапларни топиш тўғрисида китоб – дастуриламал ёзяптилар... (Диссертациясининг мувзуини Мусо ҳар келганида акасига дехқонча қилиб қайтақайта тушунтириб қўйган эди.) Бирон бир қизнинг ҳам кўнглини текширсалар бўлармиди, зора, ўзларига майл билдирган чиқар...

Мусо қандай гувлаб кўтарилиган бўлса, шундай шувиллаб тушди:

- Менинг уйланишим билан ишингиз бўлмасин! Уйланарман ҳам. Оғирлиги сизга тушмайди. – У лаблари титраб, акасига ёвқараш қилди. Шерқўзи хаддидан ошганини сезди, бундан ўзи эзилди. – Ака бўлатурууб сиздан шу гап чиқдими... бўпти! Бопладингиз! Энди ўғил уйлантирасизми ё ўзингизга яна битта чўри оласизми, аралашмайман. Бундан кейин... - Мусо гапини охиригача айтмай қўл силтади-да, сапчиб жойидан турди.

- Илоё, ўғил туғмай мен ўлай! – дея Каромат хўнгиллаганча йиғлаб юборди.

Шерқўзи индамай ерга қараб қолди; укаси эшикни қарс уриб чиқиб кетгач эса, жуда-жуда хўрлиги келди: шу китобхўр, савдои укам ҳам одам бўлсин, пешонасига офтоб тегсин, деб топган-тутганини аямайди; жўнаганида доим машинасига ўтқазиб, шаҳардаги вокзалгача чиқариб қўяди; шу йил кўкламда кийимларининг унниқиб қолганини кўриб, бегона юртда – дўсту душманнинг ичидаги кўнгли чўкмасин, деб, жигари-да, юз эллик сўмга (шунча пулни қайси мард еб кетарга беради!) устидаги костюмни олиб берди; мана оқибати – итдай қилиб кетди! Хотинини чўрига teng қилди. Бир оғиз гапига!

- Ўчир унингни! – деб ўшқирди у ҳамон ўқсиб-ўқсиб йиғлаётган хотинига. Ўчир, деяпман!

Каромат унини ўчириб, пиқиллашга ўтди. Шерқўзи укасининг ҳамон ўчмай, ликопчада тутаб ётган сигаретасига термулиб, ўзини бу оламдаги энг баҳтиқаро одамдек ҳис этди, чукур хурсинди:

- Сўровдингми, бу боди неча кунга келган экан?

Каромат елкасини қисди.

- Қанақа меров хотинсан? Сўраб олмайсанми, ахир? – дея Шерқўзи дўпписини қийшайтириб, гарданини қашлади. – Бугун буқага ем бердингларми?

Каромат бош ирғаб, “Ҳи-ий” деган товуш чиқарди, бу “Ҳа”, дегани эди.

Шу тунни Шерқўзи қуш уйқусида ўтказди. Ўғлининг ярим кечаси гандираклаб келганини, ётгандан сўнг ҳам қўнгли айниб, уч марта ташқарига отилиб чиққанини кўрса ҳам, индамади. Ўйлаган ўйларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, эрталаб дили равshan тортиб турди. Икки чақиримча наридаги участкадан хабар олди. Кеча тараалган сув ҳали этмабди. Текис ер-да, сув юриши қийин, лекин ғўзалар қониб ичади. Шерқўзи у ер-бу ердаги ювилаёзган қулоқларга чим босиб тўғрилади-да, уйга қайтди. Келса, кўзлари қизариб, ранги олиниб қолган Султон қатиқни қошиқ билан кавлаб ўтирган экан, отасини қўриб бошини ҳам қилди; кеча ичгани учун ундан аччиқ-тизиқ дашном кутди. Аммо Шерқўзи буни ўғлининг юзига солмади – у бошқа фикрлар билан банд эди.

- Бўлдингми? – деди у. - Қани, болтани ол.

Ота-бала ҳовлига чиқишиди. Шерқўзи қайси теракларни йиқитиш кераклигини бир бошдан кўрсатиб турди. Султон эса болта билан кафтдек пўстлоғини учириб белги қилиб бораверди.

- Йигирмата, - деди Шерқўзи. – Етади. Йиқитиб, бутайсан-да, пўстлоғини шиласан. Кўзингга қара, электр симига ёнбошлишиб қўйма тағин. Дараҳт болта урган тарафга қулайди, эсингдан чиқмасин. Айлантириб ғажиб ташлама, бир томонидан чоп. Бунга икки кун кетади. Кейин мана бу эски оғилни бузиб, ўрнини текислайсан. Биронта шопир билан тоғдан беш-олти мошин тош ташийсан. Бирон тонна семон, уч мингта гишт қуясан. Ӯғилнинг ўрнига, кейин ташиб қийналмайсан-да. Теришига, майли, ўзим қарашаман, аммо бошқа ҳамма ишни ўзинг қиласман, ўргатаман. Уч уй, биттаси мана бунақасига тушади. Бу ёғи айвон. Иморатни қулинг ўргилсин қилиб битирасан, ана ундан кейин – тўй. Келинни янги уйга туширмасак уят бўлади, ҳамма шундай қиляпти. Сенинг бошқалардан кам жойинг йўқ. Ўзинг қара, шу чолдеворга келин обкелиб бўладими? – У пойдевори ердан бир қулич кўтарилиган, деразалари уч тавақали, томи шифер билан қопланган, оқланган беш хонали иморатга ишора қилди. – Сенга янги уй керак. Бир чолу кампирга шу чолдевор ҳам бўлаверади. Сўғин... пул топишнинг ҳам йўлини ўйла. Токайгача сени боқаман? Энди бизни боқадиган вақting ҳам келди... Майли, сени кўчага ташлаб қўймайман – минг сўм бераман. Иморат учун. Ана, бор-э, новвосни ҳам тўйингга атадим. Бозордан биронта мол олиб бераман. Боқиб семиртирсанг – фойдаси сеники, заар қилсанг – тўлайсан. Лекин қолганини ўзинг топасан. Тўйга ҳам беш-олти минг керак. Нима қиласан? Ишлайсан-да. Бригадирдан сўраб қўрай-чи, аравани берармикан. Кейин, пахта тугагач, Пиримнинг қаватига кириб тракторчиликни ҳам ўргансанг... Ҳозир тракторчи ҳам ойда икки юздан ошириб туширади. Ола хуржунни елкалаш осон эмас. Жамийки нарса пулга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозир қизлар то тўйгача, то шип этиб оёққўлингни боғлагунча илжайиб:

“Султон акажон, сизсиз менга дунё қоронғу”, деб юради, кейин хат олиб, хат беришлар қаёқда? Пул олиб, пул беришади.

Султоннинг қўлидан болта тушиб кетай дерди.

- Бунақада... уч йилда ҳам... - дея олди у.

- Ҳа? Уйланиш – олма пиш, оғзимга туш эмас. Агар бу ишларни эртароқ битираман, пулни бир ойда топаман, десанг ҳам – ихтиёринг. Мен чўзиб ўтирумайман. Ёки, шунча вақт мени кутиб ўтирумайди, деб қўрқаяпсанми? Кутади, яхши қўрса – кутади. Сен янги уйга тушириб оламан десанг, обрўйи-да, қайтанга боши осмонга етади. Ё яхши қўрмайдими?

Султон ерга қараганча қизариниб ғулдиради:

- М-м, нега энди...

- Бўпти-да, - деди Шерқўзи.

Бироқ Султоннинг саволи бор эди:

- А, келаси йил ўқишига борасан, деган эдингиз-ку?

Шерқўзи бунақа анқов болани энди кўраётгандек, жуда “хайратланганини” билдириб:

- Ана холос! – деди. - Қанақа ўқиши? Эсингни еб қўйдингми, ўғлим? Бўйнингга ола хуржун тушаяпти-ю, сен ўқиши дейсан. Хотинингни ким боқади? Сенга ким ҳар ойда етмиш-саксон сўм жўнатиб туради? Буларни ўйлайсанми?

Султон бўзариб кетди.

- Ҳе, содда болам! Хотин деб ўлиб-тирилиб пул йигасан, тушуриб ҳам оласан. Тўйдан кейин уч-тўрт ҳафта чилланг чиққунча яшинмачоқ ўйнаб, қувлашиб ҳам юрасан. Кейин... бошланади – рўзғорнинг униси кам, буниси кам. Бир вақт қарабсанки, севги дегани донга қўнган чумчуқдек пир-р этиб учиб кетди, унинг ўрнига эса хотининг тўрт-бешта чурвақани қаторлаштириб туғиб ташлабди. Шундан кейин дод сол, бақир, қайди – ёшлик қайтмайди, яшинмачоқ ҳам йўқ. Болаларинг катта бўлади, қўлини ҳалоллаш керак, уйлантириш керак. Улар-ку ҳеч нарсанинг ташвишини тортмай униб-ўсоверади, аммо сенинг бўйнингда – бир умрлик бўйинтуруқ!

Шерқўзи ўғлига зимдан разм солди: Султоннинг ранги ўчиб, шалвираб қолган эди.

- Қанақа қилиб ўқийсан? Уларни қишлоқда қолдириб, ўзим кетаман десанг, болаларинг: “Отажон, бизни ташлаб қайга борасиз”, деб бифиллаб этагингга тармашади, хотин ёқангдан ушлайди, сен қайда бўлсанг мен ҳам ўша ерда, сенсин бир кун кам яшамайман, дейди. Яхши қўргандан кейин шунақа-да. Сени еру кўкка ишонмайди. Шаҳардан бирортасини топиб олади, деб қўрқади. Жўраларинг ўқийди, битириб келиб ёғлиқ-ёғлиқ жойларни эгаллайди. Яна ўқийман дегани Мусо амакингга ўхшаб Масков, Ленинград, Киев деган юртларга боради, дунё кезади. Сен эса биримни икки қилай, чирқиллаб ётган болаларимнинг оғзига бирон егулик тиқай, деб, хотиннинг этагидан чиқолмай, шаҳар нима, саёҳат нима, томоша нима – билмай ўйин-кулгидан, дунёнинг гаштидан бебахра ўтиб кетасан. Доим шу қишлоғинг, вағ-вуғ йиғлаётган болаларинг, шу қора кетмон... Майли, нима қиласан энди, уйланаман, деб сўз бериб қўйгансан, устидан чиқ. Чидайсан-да

энди, - дея Шерқўзи, гўё ўғли аллақачон уйлангану ҳозир отасига кун кечиришнинг оғирлигидан зорланаётгандек тасалли берарди.

Шерқўзи уйланишнинг “қора” манзарасини ўғлига аниқ-равшан чиқиб берди, мисоллар билан тушунтириди, куйиниб уқтириди, унга жуда ачинди, бундай мушкул аҳволига ўзи мадад бўлолмаслиги учун таассуф билдириди: уйлангандан сўнг ҳар ким ҳам, агар у эркак бўлса ўз аравасини ўзи тортиши керак. Ўзи эса бошқа нарсаларни ўйлади: оғилни йиқитиб, ўрнини текислашга вақтии йўқ эди – айни муддао; лекин теракларга жабр бўладиган бўлди-да. Ҳай майли, йиқитиб, арчиб, яхшилаб таҳлаб қўйилса, биронтаси сўраб қолар. Ана Соҳибназар ака бу йил иморатини бошламоқчи, болор излаб юрадими, келади-да. Бўлмаса, устига қора қоғоз ёпса, нам ўтмайди, қуриб ётади. Ўзи ҳам вақти келди – яна бир йил қирқилмаса, ўзаги чириб қолади.

- Ҳа, пешанангдагини қўрасан-да, ўғлим. Кўлга туфлаб олиб, бисмилло, де, ишни бошла. Болтани теракнинг тубидан ур, тункаси ер баровар қолсин. Мен онанг билан маслаҳат қиласай-чи, келинига кийим-кечак тўғрилаганмикин. Бу ҳам катта ғалва - қирқта қўйлак қўйиш керак. Ҳар бири юз сўмдан кам эмас. Тавба, яхши кўрганингдан кейин жанда-жунда ҳам бўлавермайдими? Йўқ, бу замоннинг қизларига камида пошшонинг маликаси киядиганидан топиш керак. Илгари одамлар бир қоп жухори, уч газ читми, бўзми, шу билан хотин тушириб олган. Э-э...

Султон ҳар бири қучоқни тўлдирадиган теракларнинг аввал тубига, сўнгра учига мунғайиб қаради, назарида, улар булатларга туташиб кетгандек эди. Шерқўзи эса ўғлининг уйланишига рухсат бериб, оталик бурчини ўтаган, аммо унинг бошига тушган фожиадан гангиб қолган одамдек елкасидан босиб турган юкни базёр кўтариб, оғир-оғир қадам ташлаганча жўнади, йўл-йўлакай кафтини тўлдириб нос отди.

- Сўраб келдим, - деди Каромат эрини кўрган заҳоти. – Бугун кечкурун кетар экан.

- Хафами?

- Ҳа, хийлагина, - дея Каромат эрининг оғзига термилди.

- Пулдан ўнта ўн сўмлмк олиб чиқ. Яп-янги, шалдираб турганидан! – деб буюрди Шерқўзи.

Мусо акасини қўриб қовоғини уюб олди, қўришмади ҳам. Шерқўзи эса ўзини жуда ғарип тутди, укаси саломлашмаслигини билса ҳам қўлини чўзди.

- Отам қани? – деб сўради.

- Хатмга кетди, - деб тўнғиллади Мусо.

- Бийим-чи?

Мусо тескари ўгирилиб олди:

- Билмайман!

- Қаёққа кетди экан, а? – деди Шерқўзи кампир онасида жуда зарур иши бордек.

- Келин ахтариб кетган. Менга! – деди Мусо.

Шерқўзи йўталиб қўйди, томоқ қирди, “Эҳ-э, кеча тоза тегиб кетган кўринади. Пулингиз керак эмас, деб бойваччалик ҳам қилса керак”, деб ўйлади.

- Ҳа, ука, менинг ҳам куним битганга ўхшайди, - деди Шерқўзи дабдурустдан йифламсираб. Атай бурнини ҳам тортиб қўйди. – Мазам йўқ, ука, мазам йўқ. Шу йил қишида ўпкани олдириб қўйганга ўхшайман.

Мусо акасига ишонқирамай қаради, индамади.

- Кўкламда, ренгин келувди... - Шерқўзи гапининг давомини айтмай, худди ҳозир, айни дамда бу дунё билан хайрлашаётган одамдек “олис-олислар”га – шифтнинг бурчагидаги ўргимчак уясига чексиз қайгу билан термилди: “Тавба, минг хил жонзот бор-а, шу ҳам кун кўрса керак-да энди”.

Мусо лақقا тушди.

- Ҳўш-хўш?

- Отамга айтолмай юрибман. Доғимни қўтара олмайди, деб кўрқаман. Илиниб турган бобой нарса, йиқитиб қўяманми, дейман-да. Мендан олдин қайга борасан, сендан олдин мен кетишим керак, деб... Эй худо, сенга нима ёзигим бор эдики, отамдан илгари мени олсанг! Сен Московда, муштипар сингилларим ўз рўзғори билан... Мен бунақа қия бўлиб кетсам, бобойнинг оғзига ким сув томизади? Ким ҳасса ушлаб, “Вой, отам”лаб туради? Ҳаммангнинг йўлингга термилиб қўзи очиқ кетадиган бўлди-да отам бечора... - Шерқўзи буни аниқ тасаввур қилдию гапига ўзи ҳам ишониб, бирдан ўпкаси тўлди, кўзларидан тирқираб ёш келди. Мусокулбойнинг ҳам ияклари қалтираб қолди.

- Ҳа, шурлик отам! Етмишга чиқканда бу кўргиликлар ҳам кутиб турганмиди! – Шерқўзи кафти билан кўзларини артди. – Ука, бу гапни оғзингдан чиқара кўрма лекин. Зинҳор базинҳор! Айниқса, бобойга.

Энди Мусонинг кўзлари ёшланди:

- Нима, докторлар аниқ касалга чиқардими?

Шерқўзи чўчиб кетди-да, ёлғонини андавалашга ўтди:

- Ҳали аниқ эмаску-я, лекин шу Хўжам ҳеч натижасини айтмайди-да. Кўрса, индамайди. Ўзим сўрашим – ноқулай.

- Сўраш керак-да, ахир. Негативини кўрсатсин. Қанақасиз, одам ҳам ўз соғлигига шунчалик бепарво бўладими?

- Э-э, сен ҳам қизиқ экансан, - деди Шерқўзи. – Агар сил касалсан, деса, одамлар мен билан битта пиёладан чой ичмай қўяди. Ошна-оғайнинга, тўй-маъракага аралашолмай қоламан...

- Ну и ну! – дея тутаб кетди Мусо. – Тўй-маърака эмиш! Гапни қаранг! Бўпти, сўраманг, одамлар сизни тўйдан калтак билан қувлаб чиқаради. Лекин гап бундай: ҳозироқ, йўқ, бугун кечқурун мен билан жўнайсиз! Москвада сизни ўзим текширитираман. Сизни қишлоқ врачлари эмас, академик... профессорлар кўради.

- Кўй-э, ўзим бир бало қилиб тузалиб оларман, - деб қўл силтади. Шерқўзи, “Ўттизга чиқса ҳам бунинг ҳовлиқмалиги қолмабди”, дея ўйларкан. – Балки... ҳеч гап йўқдир. Ўзим ваҳима қилиб юрган бўлмайин тағин. Мени

Москвага олиб борсанг-у, соппа-соғ чиқсам, сен акадим, прапесирларинг олдида қизариб... Лекин шу ҳар замонда “Ўх-хўй”, деб йўталиб қўяман-да.

Мусо Москва касалхоналарининг бу ердагидан минг карра афзal эканини исботлаб, оёқ тираб туриб олди. Шерқўзи кўнмади, “Рўзғор, болачақамни ташлаб, Масковда тентирашим етмай турувди”, деди. “Ана шу қолоқлигингиз билан ўз бошингизга етасиз!” деб хитоб қилди Мусо. Шерқўзи гапни айлантириди,чувалатди-чийратди, охири Мусо акасининг хеч қанақа касал-пасал эмаслигига қандай ишонганини билмай қолди. У боплабчув тушганини сезиб, жаҳли чиқа бошлаган эди, Шерқўзи мавзуни мутлақо бошқа томонга – Мусонинг болалигига буриб юбориб, кулдирди: Мусо тўрт яшарлигига “Назирани оламан”, деган эмиш. “Уни олиб нима қиласан?” – деб Шерқўзи сўраса, Мусо ўйлаб туриб-туриб: “Ўпаман”, - деган эмиш.

Мусо бошини орқага ташлаб қаҳқаҳ отган пайтда Шерқўзи сегингина унинг олдига пулни қўйди. Мусонинг қаҳқаҳаси оғзида, тиззаларига шапатиламоқчи бўлган қўллари кўтарилганича қолди:

- Ия, бу... қандай бўлди? – деди ўн сўмликлардан кўз узмай.

- Ҳа энди, чой пули қиласан, - деди Шерқўзи жилмайиб.

Мусонинг юзига мамнун бир табассум ёйилди:

- Кечагидек тезлашиб турсак бўлар экан-ку.

Чамаси бирор соатлардан сўнг Шерқўзи ўша чорпояда ёнбошлаганча, “Бизни ташлаб қайга кетди...” деб хиргойи қилганча хаёл суриб ётарди: “Ҳамма ишнинг чаппа айланиб кетишига сал қолди-я... Мусокулбой бу йил ёқлармикан? Китоб ёзиш шунча қийин ишми, а? Ҳа, одамларнинг ичидагини билиш осон эмас-да. Ҳех-ҳе, “Туйғуларини оёқости қилишга ҳаққингиз йўқ” эмиш. Ол-а! Ҳа, мана туйғуларини оёқости ҳам қилмадик, катта йўл ҳам очиб бердик. Қани, бу кишининг туйғучалари неча кунга чидар экан? Йигирмата теракни йиқитишни бир ҳафтага чўзади. Кейин оғилни йиқитганда бир чангиги берсин, бир чангиги берсин! “Ота, бу...ни бир едим, иккинчи емайман, ўқишига бораман”, деб чопиб келади олдимга. Ишларни санаб берганимда кўзи чиқиб кетди-ю, яна бу киши хотин олармишлар. Шу Соҳибназар аканинг саккизинчига ўтган қизчаси қўғирчоқдеккина бўлибди-да. Э, тавба, умр жуда тез ўтади-я! Соҳибназар ака биринчи хотинини туғмаслиги учун қўйиб юборгани худди кеча эди. Мана, қизи бўй етиб қолибди. Онаси жуда покиза аёл. Султонбойни бир амаллаб ўқишига жойлаштиrsак, икки-уч йилни ўтказиб шу жамалаксочга бир оғиз солиб қўрамиз-да”.

- Каром, чой-пойинг борми? Эй, бу ўзбекнинг рўзғори...

Шу пайт Шерқўзи сўрининг сузма осилган айрисига қўниб турган кечаги олашақшақни қўриб қолди.

Бунгача Султондан ҳамма гапни оқизмай-томизмай билиб олиб, лабини тишлиб қолган Каромат дамлаб, тиндириб қўйган чойини кўтариб чиқканда Шерқўзи олашақшақ билан қизғин “сухбат” қурган эди:

- Ҳа, чўқи, чўқи! Шу чакки халтани сен учун осдириб қўйибман. Қачон бу арзанда олашақшагимиз келадиу тешиб кетади, деб кечадан бери

йўлингда кўзим тўрт. Э, бугун машқинг пастроқ? Нега шақилламайсан? Шақилла, яна бир эшитайлик. Армонинг қолмасин. Шақилла-да-е...

АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН КАРИМ

ҲИКОЯ

Карим — пастаккина, кўримсизроқ йигит, лекин жуда кучли, чайир; муштумлари юм-юмалоқ, тошдек қаттиқ. Карим тош қўтариб, эспандер билан қўлларини роса пишишган. Агар иккита ёнғоқни кафтида сиқса, ёнғоқлар эзилиб, мағзи пўчоғига ўтиб кетарди. Қалпини топиб урса, хар қандай йигитни ҳам қулатади. Паҳтада, ётоқни тозалашга ўзининг ўрнига уни мажбурламоқчи бўлганда, факультет-нинг энг уришқоқ, бўйчан йигитларидан бири — каттақўрғонлик Искандарни қалпини топиб бир урган, яхши ҳамки, девор бор экан, бўлмаса, Искандар учиб тушарди. Агар шунда Искандарнинг шериги Қодир Каримни маҳкам қучоқлаб олмаганды, Карим уни чатоқ қиласади. Лекин, бари бир, Қодир қўйиб юборгандан кейин у ҳеч нарса қиломади — улар зўрлик қилишди. Аламдан Каримнинг кўзига ёш келди. Хўрликдан эмас, аламдан: кучи бўлатуриб бўйининг пастлигидан, шундай бақувват қўлларининг калталигидан, рақибларининг икки кишилигидан, курсдошларининг ҳаммаси бундан бехабар, ташқарида — мактаб ҳовлисида қийқириб футбол ўйнаётганидан, буларни деразадан қўриб қолган Манзуранинг чинқириб юборганидан, яна битта — жуда муҳим сабабдан йиғлаб юборди.

Бу гап штабга бориб етди. Манзура: “Курсдошимиз Каримни учинчи курсдаги Искандар билан Қодир тентак роса уришди”, деб қизларга сотиб қўйибди; фаоллиги ошиб-тошиб ётганидан ўзини яна нима масалаларда кўрсатишни билмай юрган Салима штабга бориб айтиби. Декан паҳтадагиларнинг аҳволидан хабар олгани шу куни келган экан, бу гапни эшитган заҳоти учаласини ҳам чақиртириди. Искандар ҳайдаладиган эди, фирромликка ўтди, ўламан саттор, олдин ўзи урди, деб исботи учун шишиб турган юзини пеш қилди, оғзини очиб кўрсатди: Каримнинг бир уришидаёқ унинг лунжи ичидан тарам-тарам қирқилиб, ҳамон қонталаш бўлиб ётган экан.

Декан Искандар билан Қодирнинг бир ойлик стипендиасини олиб ташлади. Бироқ, бунинг Каримга иссиғи ҳам, совуғи ҳам йўқ эди. “Майли, улар стипендиасини олсин, менга бари бир. Лекин бир кун эмас, ахир бир кун Искандарнинг якка ўзи қўлимга тушиб қолар-ку”, деди.

Искандарни якка қўлга туширганда Карим нима қилишини ўзи биларди-ю, аммо вазият ўзгариб қолди — Искандар шу куни оқшом жўражонларидан олтитасини эргаштириб, уларнинг ётоғига бостириб кирди. Энди ухламоқчи бўлган Каримни куткилашиб, ўртага олишди. Бу ёғи тушунарли эди, йўқ агар Адҳам бўлмаганды, бу ёғи нима билан тугаш ўз-ўзидаш маълум эди.

Ана шунда Адҳам ўзини кўрсатиб қолди, шу билан ҳаммани ҳайиқтириб, Каримнинг ҳаётига, ички сирларига аралashiб кетди. Каримнинг

эса ҳеч кимга айтмаган, айтолмайдиган битта ички сири бор эди. Ва бу сир жуда муҳим эди.

Хуллас, Адҳам ана шунда орага тушди. Искандар жўралари билан бостириб кирганда бошқа болалар қўрқиб кетиши (биринчи курсда), Адҳам эса кичкина эговча билан тирноғини тозалаб ўтирган эди, индамай қўзғалди-да, Каримнинг ёнига келиб, уни Искандарлардан тўсиб олди ва гўё б ерда ҳеч гап бўлмаётгандек, бамайлихотир тирноғини тозалайверди. Боши оғиб, кимқайлардан адабиёт факультетига тушиб қолган хумкалла, ғирт безори Маъруф уни туртиб, “Сан бола, нари тур”, деганда, Адҳам киприк қоқмай, хўппасемиз, айиқполвон Маъруфга шундай деди: “Кўлингни торт. Кучим бор, деб овора бўлма, қўл кўтарганинг заҳоти кекирдагингни суғуриб оламан. Кейин, геофакдаги “Байрон”ни, “Чингизхон”ни биласанми? Билсанг бўпти-да!”

Шу гапдан сўнг Маъруф негадир бирдан чўкди, бошқаларининг ҳам шашти сўниб қолди. Искандар Маъруфга қаради, Маъруф эса шерикларига мўлтираб тикилди. “Бу хотинлик,— деди Адҳам шунча гап етмагандек. — Бир кишига етти киши бўлиб келиш — хотинликнинг ўзгинаси. Албатта, ҳозир Каримни, Каримга қўшиб, ким билади, балки мени ҳам урарсизлар. Лекин эртага... эртага бошқатдан бошқача гаплашамиз”. :

Кейин муросаю мадора бошланди: улар Каримн тинч қўядиган, Карим ҳам Искандарга индамайдиган бўлди (буни Адҳам ўз устига олди). Маъруф Адҳамни қўярдақўймай ташқарига судради. Улар нимани гаплашиши — буни ҳеч ким билмади. Қайтиб киришганда Маъруф Адҳамнинг елкасидан дўстона кучмоқчи эди, Адҳам унинг қўлини силтаб ташлади. Шунча гап-сўзнинг орасида Адҳам қўлидан ялтироқ эговчани туширмади, пуфлаб-пуфлаб тирноғини тозалайверди.

Ҳамманилг қўзи, бор ҳайронликнинг сабаби шунда бўлгандек, эговчадан узилмади.

Хуллас, жанжал босилди. Лекин Каримнинг қўли, Адҳамнинг юраги бақувватлигини ҳамма билди.

Каримнинг юрагида гап бор эди.

“Байрон” билан “Чингизхон”нинг кимлигини Карим эртаси куни Адҳамнинг ўзидан билди. “Байрон”— география факультетининг тўртинчи курсидаги Қобил, “Чингизхон” эса уннинг жўраси Турмуҳаммад экан. Карим уларни бир марта кўрган: Қобил озғин, оқсоқ бола; силлиқ, чўзинчоқ юзи нимаси биландир чиндан ҳам шоирларга ўхшаб кетади. Турмуҳаммад — қийиқ қўз, мўғулбашара, ҳайбатидан одам хуркади. Унинг-ку зўрлигига ишонса бўлади, гавдасининг ўзи кимлигини шундоқ кўрсатиб турибди. Лекин Қобилнинг нимаси одамни чўчитар экан, буни Карим билолмади.

Адҳам ҳам буни тушунтириб айтмади, Карим ҳам сўрашни ноқулай деб топди. “Лекин, ошнам, бизники ҳам номардлик бўлди,— деди Адҳам,— ном сотдик. Бошқа чора йўқ эди-да”.

Шунда Карим Адҳамни бирдан яхши кўриб кетди, Адҳамнинг нимасидир уни ўзига ром қилиб олди. “Яккама-якка чикқанда, Маъруфни уармидингиз?”, деб сўради Карим — шу топда у Адҳамнинг Маъруфга бас

келишига ишонарди. Адҳам маъюс илжайиб қўйди. “Ўша ҳўкизни-я! Бир калла урса, қайтиб ўнгланмасам керак,— деди.— Мен нимани номардлик деяпман—кучим етмаслигини билиб туриб, “Байрон” билан “Чингизхон”ни орага солганимни-да. Лекин энди булар билан шунаقا гаплашиш ҳам керак”.

Карим айтмаслиги кераклигини яхши билиб турса ҳам, бари унга яқннлашгиси келганиданми ёки кечаги ҳимояси учун ўзича миннатдорчилик билдиromoқчи бўлдими, ишқилиб, Адҳамга кўнглини очди: ҳеч кимга сездирмаган, билдиromoған юрак сирини — Моҳбибини яхши кўришши тутила-тутила айтиб берди. Адҳам эса у кутганчалик очилиб гаплашмади, фақат: “Ҳа-а”, деди-ю, ғалати қараб қўйди.

Карим сирини бериб қўйганига афсусланди. Афсуслангани заҳоти шу гапларни айтиб Адҳамнинг домига тушганини, нима учундир бундан сўнг унга бўйсуниб юришини ҳис этиб, кўнгли эзилди,

Адҳам уни ечинтириб қўйган эди. Унинг юраги яланғоч, ҳимоясиз қолган эди.

Шу воқеага, мана, икки ярим йил бўлди. Ву орада Карим билан Адҳам узоқлашиб ҳам кетишмади, яқин ҳам бўлишмади. Каримнинг Моҳбибига муносабати эса кучайгандан-кучайди, лекин жилла; ҳам олдинга силжимади, яъни Карим мундай юрак бетлаб, Моҳбибига дардини ёриб кўрмади. Ўзича севиб, севгисидан изтироб чекиб, азобланиб юраверди. Ҳар эрталаб Моҳбибини кўрганида юраги зирқ этар, кўкси куйишиб кетар эди — худди бирор унинг оғзидан ичига бир ҳовуч лағча чўғ ташлаб юборгандек. Ёзги таътилларни-ку, гапирманг: Моҳбиби икки ой олис Сариосиёсига, Карим қурилишга кетади!

Карим уч йилдан бери Моҳбибига севги изҳор қилишни, лоф эмас, юз марталар ўйлаб-кўргандир. Лекин қандай айтади! Умрида бунгача бирон-бир қиэни севиб, унга севги изҳор қилмаган одам! Ана, айтди ҳам дейлик. Агар Моҳбиби: “Мен ҳам сизни...” деб қолса-ку, бу эх-хе!.. Моҳбибининг розилиги шу қадар ўткир, шу қадар ёрқин баҳт эдики, Карим бунга ишонишдан ҳам кўркиб кетарди. Хўп, яхши, Моҳбиби ҳам кўнса, ундан сўнг бир гап бўлар. Ҳар ҳолда, бу яхшиликка-ку. Лекин, рад қилса-чи? “Бошқани севаман, Каримбой, бехуда овора бўлманг”, деса-чи? Йўқ, буни тасаввур қилиш оғир. Карим қувончига чидар-ку, бироқ қайғудан тайин ўлади Моҳбибининг рад жавобини эшитгандан кўра, шун дай, ҳозиргидек узоқдан яхши кўриб, умид узмай юргани яхши.

Одамлар нозик-ниҳол, бўйчан, хипчадан келган қизларни ёқтиришади, бироқ Қаримга бунаقا қизлар узун, чиллакчўпдай ориқ, яъни хунук кўринади.

Моҳбиби деганимиз эса исми жисмига мос — ўн тўрт кунлик ойдек тўлагина, ойкулчадек ширингина қиз эди.

Моҳбибининг шундай чиройли исмини бузиб, “Мабийи” деб чақиришлари Каримга жуда оғир ботади. Ҳамма шундай деб чақиради, паспортида шундай ёзилган экан. Моҳбибига метрика берган қай бир чаласавод, кар, тўнка котибнинг иши-да бу! Ноилож Карим ҳам тишини

тишига босиб, Моҳбибига “Мабийи” деб мурожаат килади, Лекин у билан ҳар куни, ҳар соатда хаёлан сўзлашганда, албатта “Моҳбиб” деб шивирлайдк. “Мабийи”— “Ма, бийи — бийи, мана буни ол”, деган каби яфда хунук эшитилади, ахир.

“Моҳбиб, мен сизни севаман!”

Карим тунни, кўрпага киришни сабрсизлик билан кутади, ётгани заҳоти бошини кўрпага буркаб, Моҳбиби билан шириш-ширин, одамни энтиқтирадиган сухбатларни бошлаб юборади.

“Моҳбиб, мен сизни севаман!”

Моҳбиби индамай бош эгади, Карим Моҳбибининг қўлларидан ушлайди, Моҳбиби ўзини олиб қочмайди. Моҳбибининг қўллари шундай майнин, юмшоқки... Карим Моҳбибининг қўлларидан ушлаб ўзига тортади. Моҳбиби унга тикилади, кўзларида — “Кўйинг!” деган ҳаё. Моҳбиби эгилиб, юзларини бекитиб олади, Карим эса унинг юзини кўрмоқ-чи... Моҳбиби бошини кўтармайди, фақат Каримнинг қўлларини қисиб қўяди — оҳиста, беозор...

Кейин... Кейин улар жимгина кетишади. Моҳбиби Каримнинг елкасига бош қўяди, соchlари Каримнинг бўйини қитиқлайди, ёқимли, маст қилғувчи ҳид таратади...

Моҳбибининг соchlари қанақа ҳид таратади? У нима билан бош ювар экан? Бирга кетганларидан сўнг Карим нима дейди? Йигитлар севган қизига очик-ошкора, севаман, деб гапиравермайди. Севги уларнинг дилида, бошқа нарсаларни гаплашиб ўтиришганда эса қўзида бўлади. Лекин мум тишлаб кетавериш ҳам яхши эмас-да.

Карим шириш хаёлидан янглишиб кетади-да, ҳаммасини қайта бошдан бошлайди...

Билмайди — қанча ётади, ишқилиб, не маҳалда кўрпа тагида дами қайтиб кетади-да, бошини очади; ҳамхужраси Бурҳонга сездирмай, секингина уф тортади; яна икки-уч соат ухломай, ўйланиб ётади.

Уч йилдан бери шундай. Уч йилдан бери Карим азоб чекади, ўртанади.

Энди бу юрак сирининг сирлиги ҳамма биладиган оддий гап бўлиб қолган. Йўқ, уни Адҳам ёймади. Адҳам ўзининг ўрисча китоблари, севимли ёзувчилари, бир-иккита ўзига ўхшаган дардкашлари билан бўлиб, Каримнинг муҳаббатини эсга ҳам олмагандир. Моҳбибини яхши кўришини Каримнинг ўзв билдириб қўйди. Доим Моҳбиби кўринадиган жойга ўтириб олиб, у билан қўз уриштирганда лавлагиси чиқиб, Моҳбиби бирон нарса сўраса, гапидан адашиб, севгисини ҳаммага ўзи ошкор қилиб юрдн. Ахир, нима қилсин — уч йил натижасиз севиб юришнинг ўзи бўладими! Устига устак, кўнглидагиси — қўзида, бетига қарасанг — ичи кўриниб турадиган бола бўлса...

Яхшими, ёмонми, Карим шундай яшаб келаётган, куни ўтаётган эди. Балки Бурҳоннинг бир гапи бўлмагандан, Карим эски дардини ортмоқлаб

тўртинчи, ундан бешинчи курсга ва шу кўйи — Моҳбибига дардини айтолмай, қишлоғига жўнаб кетармиди?

Баҳорда — қизлар қишлиқ рўдаполарини ташлаб, аввал енгилроқ ёмғирпўшда, сўнгра кўзни қувнатиб, кўнгилни эзадиган гуногун кўйлакларда дарсга қатнай бошлаганларида, Бурҳон ижараҳонада олма арчиб ўтириб, шундай деб қолди:

— Шу-у, Мабийингиз бўйи пакана бўлса ҳам, истараси иссиққина, а? Яхши хотин чиқади шундан. Ё нотўғрими, Каримбой? Бир гапириб кўрсангиз бўларди — кейин мазза қилиб яшайсиз: қайнатангиз — совхоз директори; институтни қизил диплом билан тугатган куёвтўранинг тагларида машина! Анови Ҳайит дегани бор-ку, жуда олғир кўринади қизингизни шу илиб кетар-ов...

Каримни иссиққина уйдан қаҳратон кўчага ҳайдаб чиқиб, бу ҳам етмагандай, устидан бир пақир совуқ сув қуйиб юборишгандек бўлди.

— Қайси Ҳайит?—деди у ичи қалтираб.— У... Унинг қизи бор эмасми?

Бурҳон: “Ҳай ошнам-эй, жуда соддасиз-да”, дегандек бош чайқади, кулди. Олмадан бир бўлак қирқиб, пичоқ учиди Каримга узатди:

— Унга ўхшаганларнинг қизи битта бўладими! Бугун бирори билан юрса, эртага бошқасини айлантиради.

Каримнинг томоғидан олма ўтмади, бўғзида туриб қолди.

— Ҳадемай битиради: бир ой ўтади-кетади,— дея олма кавшаб давом этди Бурҳон.— Дипломга қўшиб совхоз директорининг қизини ҳам олиб кетса, нима, хешиб чиқадими? Эй, ошнам, улар яшашни билади!

Каримнинг кўнглида нуқта каби муаллақ юлдуз чақнади, ундан ўткир санчик таралиб, кўкрак қафасини тешиб чиқкудек оғритди.

Нимадир қилиш керак эди! Карим ҳозир нимадир қилмаса, ҳоли не кечишини ўзи ҳам билмасди.

— Яна ейсизми?—деди Бурҳон.— Яхши олма экан. Яна бир бўлак.

Мозорбосди, Қўшработдан.

Карим бош чайқади.

— Шу қизларга ҳам хайронсан,— деди Бурҳон.— Қаранг, шу Салимача ҳам ўзига топиб олибди-я. Йигити, бечора, физфакда аспирант, домла эмиш, шўрингга шўрва тўкилгур...

Бурҳоннинг жағи очилиб кетди: Салиманинг читтақдек эканлигию йигитининг ғирт аҳмоқлигини роса чайнади, кейин ўзининг соддагина қишлоқ қизига уйланиб (олий маълумотлисининг нози-фироғи ҳам дипломига яраша бўлиб, “Мен сендан кам эмас”, деб турар экан), тинчгина турмуш кечириш ниятини билдири; қишлоқларида “Бурҳонжон акам қачон бизга оғиз соладилар”, деб сочини ўриб ўтирган қизлар сон-мингта эмиш.

Карим унинг гапларини диққат билан тинглаб, ишқилиб, яна Моҳбиби хақида гапириб қолмасин, дея юрак ҳовучлаб ўтириди.

Лекин кўнглидаги оғриқ зўрайгандан-зўрайди, бунга чидашнинг сира иложи йўқ эди: “Моҳбиби” деган номнинг ўзи нур ўрнига совуқ бир оғриқ таратаётган ойга ўхшаб қолди — фақат Каримнинг кўнгли эмас, шу торгина

хужра, ташқаридаги кенг дунё ҳам оғриққа тўлиб кетгандек, гўё ҳаво ҳам томоқни тирмалаб ўтиб, ўпкага санчилар эди.

Карим ётоққа отланди. Жуда боргиси келди. Ҳужрада ортиқ қололмас эди.

Кийинаётіб ойнага қаради-ю, дарров кўзини олиб қочди: ойнадан кўримсиз, бешинчи курсдаги ҳасип мўйловли, жингала сочли, етмиш сўмли жез тугма кўйлак, икки юз эллик сўмли жинси шим кийиб юрадиган Ҳайит — қизларнинг “Ҳайит акажон”ига солиштирганда эса жуда хунук, бурунбой бола—ўзи қараган эди.

Шу Бурҳонларга ўхшаб ҳеч кимни севмай юрса нима қиларди, а? Бу нима азоб!

Карим тўғри Моҳби биларнинг хонасига борди. Тақиллатган эди, ҳеч ким очмади. Эшикни итариб кўрса, ичкаридан қулфлоғли экан. Бирдан хаёлига келган мудҳиш, даҳшатли манзарадан ўзи ҳам кўрқиб кетиб, эшикни турсиллатиб урди. Салдан кейин зшик қия очилди-да, Турсунойнинг чўчиган, уйқуга пишмаганидан ола-кула бўлиб кетган кўзлари кўринди.

— Э-э,— деди Карим.— Э-э, ухлаб ётувдинглар-ми? Мен...

Турсуной эшикни қарс уриб ёпиб олди. Карим шундан сўнг ҳам жойидан қимиirlамай, бир-икки ғўлдиради, ёпиқ эшикка:

— Кечирасизлар,— деди.

Лекин кўнглидаги оғриқ бирдан қўйиб юборди:

“Ухлаб ётишибди ку! Эҳ, мен бўлсан...— деб шодланди у.— Ухлаб ётишибди-я!” ,

“Агар эшикни Турсуной эмас, Ҳайит очганда нима қилардим? Нима ҳам дердим?” —сал ўтмай Карим шундай ўйлади. Майкачан, соchlari тўзғиган Ҳайитнинг: “Ҳа, ошна, нимага бизиинг ишимизга тумшуғингизни суқяпсиз?” дегандек қарашини кўз олдига келтиридию ич-ичигача қизариб кетди.

Даҳлизнинг ўртасида Адҳам унга қараб турган эди.

Каримнинг кўксида нимадир гарчча қирқилиб кетгандек бўлди—ихчам-ингичка, Каримдан узун Адҳам жуда ўткир, одам сесканарлик нигоҳини унга санчиб турган эди.

Карим тўғри унга рўпара юрди.

Адҳам индамай қўлини чўзди, бошқа бирон жойи қилт этмади. Карим унинг қўлини негадир қаттиқ қисди. Адҳамдан “ҳа” билан “ҳим”га ўхшаган бир товуш чиқди.

— Шу,—деди Карим унинг қўлини қўйиб юбормай,— ўзим...

Адҳам қўлини тортди. Жилмайди —лабидан ип қочди. Шу ип Каримпинг бўйнига сиртмок бўлиб тушди.

— Қани, киринг,— дея Адҳам ортига бурилиб эшикни очди.

Карим унинг ортидан судралди.

Адҳам турган хона торгина, икки кишилик, лекин Адҳам комендант билан келишиб, ёлгиз ўзига тўғрилаб олган эди. Хона жуда шинам, девордаги трубка тишлаган серсоқол одамнинг расмини айтмаган-да, бошқа биронта

ортиқча безак йўқ. Столда очиқ китоб, бир даста қоғоз — усткисининг ярмигача ёзилган.

Хона рангиз, хира, қоронгироқ; фақат каравотнинг бош учидаги гулдор сочиқ кўзга яққолроқ ташланади.

Билинар-билинмас тамаки ҳиди кезадн.

Карим стол ёнидаги курсига ўтириди, нима дейишини билмай, жим қотди.

Адҳам хона тўридаги яккаю ягона креслога чўқди. Деразага орқа ўтирганидан юзи сирли тус олди.

“Шунақа нарсаларга пул сарфлаб, магазиндан эринмай кўтариб келганини айт”, деб ўйлади Карим креслога суқланиб боқар экан.

Адҳам дабдурустдан сўради:

— Мабийининг олдига келувдингизми? Карим талмовсиради:

— Э, йўғ-а, ўзим шундай...

— Нима, ўзим шундай?

“Бунинг ҳам Моҳбибига кўнгли борми? Бунча текширмаса,— деб ўйлади негадир Карим.— Менга йўл бўлсин! Қайси қиз бунга йўқ дейди?”

— Нима, ўзим?—деб такрор сўради Адҳам.— Яширишнинг нима кераги бор? Келдим, деб айтинг, ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ-ку.

Карим миқ этмай бошини эгди, қўлларини кийиштирди.

— Шуни ростдан ҳам яхши кўрасизми?—деб яна уни найзага илди Адҳам.

Карим рад қилгиси келди-ю, лекин бунга керакли гап тополмаганидан, ноилож бош иргаб, Адҳамнинг гапини тасдиқлади.

— Ҳа, яхши,— деди Адҳам бир оз ўйланиб тургач.— Яхши кўрасиз. Яхши кўрсангиз, нега шуни ўзига айтмайсиз? Уч йилдан бери нима қилиб юрибсиз? Е Мабийининг ўзи келиб, “Каримбой, мен сизни севаман”, деб айтишини кутяпсизми?

Каримнинг кўнглида умид йилтиллади.

— Нима қилай бўлмаса?

Адҳамнинг жаҳли чиққандек бўлди:

— Гаплашинг! Бу юришдан иш чиқадими? Нима қилай эмиш. Бирон йўлини топиб айтинг-да!

Карим ҳозир Адҳамнинг узоқ гапиришини, ўз тажрибаларини сўзлашини ва охирида Моҳбибининг кўнглини олиш йўлларини бирма-бир кўрсатиб берц-шини хоҳлар эди. Адҳамнинг жаҳл аралаш гапираётгани ҳам унга ўтиришди, кўнглида нимадир юмшади; бирдан енгил тортиб, отасидан танбеҳ эшитаётган боладек, йиғлагиси келди.

- Нима, Мабийингиз осмондаги ойми? Ҳаммага ўхшаган бир қиз-да. Сизнинг ҳам камчилик жойингиз, йўқ. Э, уч йилдан бери оғзингизга талқон солиб юрибсиз-а, тавба! Бориб, “Мабийи, сизда икки оғиз гапим бор эди”, деб гаплашиб олиш шунча қийинми? Ҳархолда, уч йил қийналиб юришдан кўра осонроқдир.

Каримнинг кўнглида нотайин, умидсиз оғриқ яна турди.

— Ё Мабийига ўзим айтами?—деди Адҳам.

Карим чўчиб кетди.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз,— деди у шоша-пиша, худди Адҳам ҳозир Мабийининг олдига борадигандек.— Нима деб ўйлади, ахир!

— Бўлмаса, ўзингиз бориб айтинг-да.

— Хат ёзсанмикан?—деди у юрак ютиб.

Адҳам заҳарли илжайди — бир зумда Каримдан узоқ-узоқларга кетиб қолди.

— Хат?! ~азал ёзиб бера қолинг, “Ишқингда зор ўлдим, нетай”, деб. У ҳам сизга “Кел, ғарибим, ўлдим мано”, деб жавоб қайтаради.

“Мунча тили аччиқ бунинг!”— Каримнинг ғаши келди.

— Кулманг! :

— Куладиган гапни айтяпсиз-да,— деди Адҳам сал юмшаб.

— Бўлмаса, нима қиласай?—деди Адҳам эзилиб.

— Менга қаранг,— деди Адҳам.— Нима, тилингизга тирсак чиққанми? Боядан бери эшакнинг қулоғига танбур чертЯпманми!

Карим ўзи кутмаган ҳолда зорланиб кетди:

— Қачон борсам хонасида одам бўлади. Ўзи ўтирган вақтида энди гапираман, десам, бирор кириб қолади. Ўтириб-ўтириб қайтиб келавераман. Ўзи кўпҳам боравермайман-ку-я. Ҳайит ака кўп борар экан.

— Хўш?—деб ажабланди Адҳам.—Ҳайит борса нима бўпти?

Карим ўнғайсизланиб қолди.

— Билмасам, у ҳам Мабийига...

— Э, сизда калла борми ўзи?—деди Адҳам.— Елканинг устида нимани қўтариб юрибсиз? Ҳайит уни... Мабийи уни бошига урадими? Ҳайитнинг Гулнораси унга қариндош-ку, шуни ҳам билмайсизми?

Карим изза бўлди.

— Бурҳон... бугун шунаقا деб...

Адҳам қўл силтади.

— Э, қўйсангиз-чи. Одам қуригандай, шу махсимчага ишонасизми?

Каримнинг қўнгли сал ёришгандек бўлди. Адҳам сукут сақлаб турди да:

- Ҳозир нима қилишяпти экан?—деди.

— Кимлар?—деди Карим.

— Кимлар бўларди?—деди Адҳам.— Мабийилар-да.

— Нима эди?—деди Карим.— Ухлашяпти.

Адҳам Каримга тик қаради:

— Ҳозир бориб Мабийидан бошқасини чиқариб юборсам... айтасизми?

Каримнинг тиззаларигача титроқ тушди.

— Ҳозир-а? Э, йўқ, бўлмайди.

Адҳам ўзини ҳайронликка солиб, қўлларини керди:

— Нега бўлмас экан?

Карим индамади. Адҳам чукур нафас олди:

— Эртага-чи?

Карим Адҳамга мунғайиб қаради.

— Каримбой, жўра,— деди Адҳам.— Шу битишли хотин ҳам ўғил туғадими, деган гап бор. Бу латтачайнарлигиниздан маънили иш чиқмайди, оғайничалиш. Ё бориб Мабийига очиқ айтинг, ё ундан тамом воз кечинг. Бунақа резинкадек чўзманг.

— Майли,— деди Карим бирдан.

— Бугунми? — Адҳамнинг товушида ғалатн, ёқимсиз бир қувонч бордек эди.— Хўш?

— Йўқ, бугун эмас,— деди Карим бўғиқ овоз-да.— Эртага. Майлими?

Тун—узундан-узун - йўл, қиррали тошлар қизиб-чатнаб ётган тошлок азоб эди. Карим ана шу йўлдан ҳар қадамда бир қоқилиб-йиқилиб кетаверди.

Моҳбиби гоҳ Каримни энтикирар, гоҳ тескари қараб, Ҳайитми ё шунга ўхшаган бирорнингми елкасига бош қўйиб ғамзали кулар, гоҳ Каримга ялинар, гоҳ Қаримни ялинтирас эди.

Бу қайноқ, телба-тескари хаёллар узра яратганинг ўзи каби лоқайд, мағрур Адҳам креслода оёқ чалиштириб, уч-тўрт жойидан буқланган исфиҳондек ваҳм солиб ўтирас эди.

Шу кеча Каримнинг Моҳбиби ҳақида ўйлаган неки ўю-хаёли бўлмасин, ҳаммаси Адҳамга урилиб, парча-парча қирқилиб кетаверди.

Ховлидаги водопровод жўмраги туни билан жириллаб чиқди.

Томдаги мушуклар икки марта нағма кўрсатди.

Карим ухлаб-ухлаёлмай, мудроқ ётганда Бурҳон уни туртди, лекин у ҳозир туришини, нонушта қилишини, сўнгра тиқилинч автобусда институтга боришини, у ерда Моҳбибини кўришини, айниқса, Адҳамнинг суюк-суюкка қадаладиган нигоҳига дучор бўлишини ўйлаб, кўзини очмади: жўрттагача эловсираб, деворга ўгирилиб олди.

Бурҳон ювиниб келди, қиртиллатиб соқол олди; таранди, сочи дағал эди, тароқ текканда чисирлади. Карим буни аниқ эшитди, негадир қўнгли ғалати бўлиб кетди. Бурҳон узоқ нонушта қилди: чойни пиёлага қулқуллатиб қуиди, хўриллатиб ичди, оғзини чапиллатиб нон еди, устма-уст томоқ қирди, йўталди—Карим бу товушларнинг барчасини тинглаганча ижирғаниб ётаверди.

— Хў, Карим,— деб чақирди Бурҳон.— Биринчи пара — Ҳакимова. Туриңг, кеч қоласиз.

Карим кўзларини қаттиқроқ юмиб олди: Ҳакимова домла уни осса осиб юбора қолсин.

— Ўзингиз биласиз,— деди Бурҳон.

Бурҳон чиқиб кетганидан кейин Карим кўзини очди.

Ҳаво қандайдир бўғиқ, оғир; деразадан кўриниб турган осмон туссиз эди.

Карим ташқарига чиқиб, анча вақтгача зинада мудраб ўтиради. Кейин сакраб турди-да, ховлини гир айланиб чопа бошлади, узок чопди. Сўнгра бадантарбия билан машғул бўлди: барча билган усувларини қайтақайта

такрорлади; танасининг турли-туман жойларидаги мускулларини пишитувчи машқлар бажарди, икки қўлига тирагиб, санаб, ўттиз марта ётиб турди. Аъзои баданига тер қўпчигач, бе-лигача яланғоч бўлиб, пишқира-пишқира роса ювинди.

Карим бу орада Моҳбибини, Адҳамни, бугунги бўлажак учрашувни ўйламасликка тиришди.

Стол устида анчагина колбаса, сариёф, уч-тўрт чақмоқ қанд, юмшоққина нон қолган экан, Карим қанднинг ҳаммасини чойга солиб, ажабтовур иштаҳа билан нонушта қилди. Кейин танасида ёқимли ҳорғинлик хис зтиб, каравотга чўзилди.

Ўйлаган ўйининг маънисига ҳам бормай, бир оз ётганини билади, кейин кўзи илиниб, донг қотибди.

Карим кўзини очганда устига офтоб тушган эди. Ҳаво очилибди. Вақт тушдан оғиб ўтиб, соат миллари тўртга яқинлашиб борар эди.

Карим уйқуга тўйган, тиникқан, таъби равshan тортган эди. Бўлажак учрашув унинг хаёлида мавхум бир нарсадек тикланди.

Бориб Моҳбиби билан гаплашгандан кўра, офтоб қоплаган иссиққина кўрпа тагида роҳатланиб ётиш минг карра яхшироқ эди. Керак бўлса, Моҳбибининг ўзи келсин, Каримдан “Мени севасизми?”, деб сўрасин. Ох, қани эди шундай бўлса! Карим кўрпадан чиқмай, бош иргаганча тасдиқлаб кўя қолар-ди. Ё бошини сал қўтариб, Моҳбибига қараб жилмайиб... Лекин Моҳбиби сира келмайди-да — Каримнинг ўзи бориши, бугун, ҳозироқ бориши керак. Қаёқдан ҳам шу Адҳам аралашди?

Бориш керак. Бормаса бўлмайди. Бўлмас экан! Адҳам совуқ бўлса ҳам, мард йигит. Рост, судралиб юришдан иш чиқмайди. Латтачайнарликдан иш чиқмайди, оғайничноалиш. Таваккал-да! Ҳа, Моҳбиби унга қарамаса, шу билан дунё тугаб қоладими, ҳаёт тўхтайдими? Ундан яхшироқ қиз қуриб кетибдими! Карим ҳали ёш бўлса, аъло ўқиса. Ким билади, келажакда институтларда ишлаб, қўтарилиб кетадими? Моҳбиби-чи, албатта қишлоғига кетади-да, бошқа қайга ҳам боради. Қиз бола-да, додини кимга айтади. Қишлоғига боргандан кейин тракторчигами, сувчигами, жуда баҳти чопса, адабиётнинг “А” ҳарфини ҳам билмайдиган агрономми ё пиёниста мол дўхтиригами бериб юборишиди. Беш йил шаҳарда ўқиган қизни ҳамма ҳам ишониб, жон деб олавермайди. Кейин Моҳбибининг ўзи пушаймон ейди. “Эҳ, ўшанда Каримдек йигитнинг кўнглини оғритиб катта аҳмоқлик қилган эканман, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган эканман”, деб умр бўйи эзилиб ўтади. Эри бўлса ҳар куни кирлаб, тердан тарашадай қотган кўйлагини ечиб отади-да, китоб ўқиб ўтирган Моҳбибига: “Ҳей, хотин! Мабийи, деяпман! Ҳе бийингни... Этикни торт, йиғиштир байти-газалингни, чойни опке!”, дея сансираб бўкиради... Замон айланиб, Карим ўз машинасида, йўқ, давлатнинг хизмат машинасида маданий аҳволни текширгани уларнинг Сариосиёсига бориб қолади; шундоқ муюлишда рулни бураётиб, чепак кўтарган, озиб шафтолиқоқидай бўлиб қолган Моҳбибига кўзи тушади. Моҳбиби ҳам уни кўриб, турган жойида, кўзида ёш, қотиб тураверади.

Э, шундан бошқа гап қуриб кетибдими! Моҳбиининг баҳтсизлиги унинг ҳам баҳтсизлиги эмас-ми? У ҳам азоб чекмайдими, эзилмайдими? Кейин, Моҳбиби ҳам жуда кўчада қолгани йўқ. Агар тегаман, деса, ҳамма ҳам ноз қилавермас. Адҳамнинг-ку йўли бошқа, лекин шу Бурҳончанинг ўзи питирлаб қолса керак — сўлакайи оқиб турибди-ку, истараси иссиқ, пули кўп, отаси совхоз директори, деб.

Бориш керак. Адҳамга ваъда бермаганда, у билмаганда, бошқа гап эди. Бормаса, у Каримни қўрқоқ деб ўйлади. Карим қўрқоқлардан эмас. Қани, борсин-чи, кейин бир гап бўлар-да, ахир.

Ётоққа яқинлашгани сари Каримнинг оёқлари оғирлашиб, босган қадами орқага кетаверди. Гўё ҳамма деразалардан уни кузатиб туришгандек, бошини қўтаришга журъат қилолмади.

Зиналар бунча кўп!

Даҳлиз бунча сирли, бунча диққинафас, бунча ваҳимали!

Карим зиналардан қўтарилиб олгач, тўртинчи қаватнинг даҳлизида туриб қолди: тўғри Моҳбибиларнинг хонасига борсами ё олдин Адҳамга учраб ўтсами? У балки Каримнинг келишини кутиб, ҳали қизларни чиқариб юбормагандир.

Карим Адҳамнинг эшигини очдию остонода қотди: Турсуной узала тушиб ётган Адҳамни қучоқлаб ўтирас эди!

Турсуной сапчиб турди, саросима билан ёқасини тўғрилаб, Каримга ўқрайиб тикилди.

Адҳам бамайлихотир “Келинг”, дея ўрнидан қўз-ғалаётган эди, Карим бурилиб, секингина эшикни ёпди, алланечук қалтиради, нимагадир алами келди. Орқасидан Адҳамнинг “Карим！”, деган ғалати меҳрибон овози ва Турсунойнинг асабий қиқирлагани эшитилди.

Беҳаё! Эшигини бекитиб олмайдими!

Гўё ҳеч гап бўлмагандек, Адҳам чиқди.

— Сизни деб, мана, биттасини овунтириб ўтирибман,— деди у Қаримнинг елкасига қўлини қўйиб,

Карим ўзини жуда ожиз, баҳтсиз ҳис қилди. Адҳамнинг қўли тагида елкаси эзилиб кетаётгандек бўлди.

— Боринг,— деди Адҳам шивирлаб.— Хонасида ёлғиз ўтирибди. Бирор кириб қолмасидан... Нега кечикдингиз? Майли, боринг.

Карим кетди. То Моҳбибиларнинг хонасига етгунча ортига ўтирилишга журъат қилолмади: Адҳамнинг нигоҳи унинг елкасига қўш найзадек тиравиб борар эди. Эшикни тақиллатишдан олдин бурилиб қаради: Адҳам югуриб чиқкан Турсунойни ичкарига итариб юборди-да, ортидан ўзи ҳам ки-риб кетди.

Карим эшикни секингина чертди, нафасини ичига ютиб, қулоқ тутди - жимлик. Яна чертди. Каравотнинг ғижирлагани эшитилиб, Моҳбиининг “Кираверинг”, деган жиндай хаяжонли товуши келди. Карим елимлаб қўйилгандек, жойидан жилолмади.

Эшикни Моҳбибининг ўзи очди. Каримнинг тилига гап келмади, у гаранг, гунг, кар эди, факат кўзлари очик; бошини қуи солганича Моҳбибига эргашиб ичкари кирди.

Карим биринчи сезган нарса — қизлар хонасида пайдо бўладиган ҳид бўлди: қандайдир қуюқ, ёпишқоқ...

Карим эгилиб бошмоғининг боғичини бўшатди, лекин ечмай, шундок эшикка тақалган каравотга ўтириб олди.

На Каримдан гап чиқди, на Моҳбибидан.

Карим Моҳбибига қарашдан қўрқиб, тўғрига —эшиги очик шкафга кўз ташлади: шкафда икки-учта кўйлак, яшил ёмғирпўш, битта йигитларнинг костюми (кимники бўлса), унинг ёнида эса сарғиш ичкўйлак осиглиқ эди. Албатта, Карим биринчи бўлиб шу ичкўйлакни кўрди. Бир зум ўйланди: ичкўйлак қалтагина эди, бу хонада турувчи Моҳбибидан бошқа қизларнинг ҳаммаси бўйчан эди, Каримнинг юраги гумуриб кетди-да, ичкўйлакдан кўзини олиб қочди, лекин ичкўйлак яна ўзига қаратди. Моҳбиби буни сезиб қолди шекилли, илдам туриб келиб шкафни ёпиб қўйди.

Карим ялт этиб Моҳбибига қаради, Моҳбиби ҳам қизариб кетган эди, юзини тескари бурди.

Энди Карим гапириши керак эди.

Лекин қизларнинг нафаси, атир-упа, кийимларнинг, бурчакдаги кирчир чеълакнинг иси қоришиб кетган бу ҳид Каримнинг димоғига қаттиқ ўрнашиб, шусиз ҳам гапга келмаётган тил-жағини боғлаб турар эди.

Қарим Моҳбибига қарамаса ҳам, кўз қирида унинг бир неча марта сабрсиз нигоҳ ташлаганини сезди.

Анча вақт ўтди шекилли, Каримнинг томоғида нимадир ғўлдираб;

— Шу-у-у,— деган товуш пишиллаб чиқдию бирдан ўчди.

Моҳбиби ўтирган каравот ғижирлади, Карим баттар букчайиб кетди.

Карим афсун қилингандек, мутлақо тилдай қолиб, оғзига талқон солиб олди.

Нега Моҳбиби индамаяпти?

Карим Моҳбибининг нега бундай ўтирганини, ўзининг нима мақсадда келишини Адҳам олдиндан айтиб қўйганини англаб етди. Англади-ю, ҳозир, худ-ди шу топда Моҳбибидан, ўқишдан, шаҳардан — ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб, тўппа-тўғри қишлоғига пиёда қочиб кетгиси келди. Айниқса, қизларнинг ҳиди гупиллаб уриб турган шу хонага чопиб чиққиси келди.

Лекин бунинг ўрнига бошини тиззалари қадар эгиб, бошмоғига тикилди. Қўнғир ранги униқиб, оқариб қолган бошмоғи аста-секин каттариб бораётгандек туюлди. Мойлаш керак экан, эсидан чиқибди.

Моҳбиби йўталди. Йўқ, атайлаб эмас, шамоллаганга ўхшайди.

Жимлик жуда баҳайбат, вазмин бир нарсага айланниб, Қаримнинг бошидан босди. Карим ҳозир гапириши кераклигини, ҳозир гапирмаса, кейин кеч бўлишини билиб турса ҳам, тили айланмас, бунинг ўрнига гавдаси оғирлашиб, қулоклари шанғиллар эди.

“Бурним қонаб кетмасин, ишқилиб”, деб ўйлади у.

Бошини тиззалари орасига олиб, қаттиқ қисгиси келди унинг.

Яна қанчадир вақт ўтди.

Моҳбибининг каравоти яна ғижирлади — у ўтири-ган жойидан чўзилиб, дераза токчасидаги китобни очишдан олдин Каримга бир зум тикилди. Карим буни ҳам сезди. Китобнинг варақлари шилдиради. Каримнинг ичидан нимадир кўтарилиб келиб, ҳиқилдоғига кўндаланг бўлди; кутилмагандан ундан товуш чиқди:

— Мабийи...

Овоз жуда майин, нотавон эди — хижолат тортганидан Каримнинг боши тиззалари орасига тушиб кетди.

О, шундай пайтларда бирдан учиб кетсанг, эртаклардагидек турган жойингда йўқ бўлиб қолсанг!..

Анчадан бери кўксини чангаллаб ётган оғриқ бирдан ташқарига отилдн — бўғиқ, бешафқат:

— Мабийи!.. Ишонинг! Яхши кўраман сизни!

Бирдан боши енгиллашиб, бўм-бўш бўлиб қолди — у қаддини ростлаб Моҳбибига қаради.

Моҳбиби китобни икки қўллаб тутиб, кўзларини катта-катта очганча, Каримга тикилиб ўтирган ади.

— Мабийи?—деди Карим негадир юраги шувиллаб.— Нима дейсиз?

Мабийи ўзгарди; юзида, қалин лабларида қотган табассумга ўхшаш ўлик бир ифода суратланди, кўзларига Каримга мутлақо ёт бир бефарқлик қалқди,

Каримнинг юраклари эзилиб кетди, шунда ҳам умид узмай Моҳбибига термилди.

— Мабийи? Мабийи!

Моҳбиби бош чайқади — бунинг маъноси ўз-ўзидан аён эди: тамом, ҳаммаси тамом бўлди! Ёмон бўлди, жуда ёмон!

Ҳали даҳанаки жангнинг уришишгача бориб етмаслигига умид қилиб турган бир пайтда дафъатан тушириб қолинган муштдан сўнг кўтариладиган аламли бир ғазаб Каримнинг кўнглига ўрмалаб кела бошлади.

— Карим, кўйинг, керак эмас шунақа гаплар,— деб нихоят тилга кирди Моҳбиби.

Каримнинг сўнгги умиди чирс этиб ўчди.

— Йўқми?—деди у.

— Кўйинг.— Моҳбибининг овози Каримнинг кўнглини ёқимсиз тирмалади.

Карим отилиб турганича Моҳбибининг ёнига бориб қолганини билмади.

Моҳбиби унга қараб қўрқиб кетди.

— Мабийи, йўқми, деяпман?—деди у ҳансираф.

Моҳбиби секин бош чайқади.

Каримнинг кўз олди қоронғилашиб, худди йиқилиб бораётгандек, Моҳбибининг елкаларидан ушлаб олди.

— Менга қаранг,— деб ихранди.— Менга қаранг деяпман!

Моҳбибининг елкалари тўла, қаттиқ эди, Каримнинг қўллари ботмади,

Моҳбиби унинг қўлидан чиқишига уриниб, юлқинди, бошини кўтариб ғазаб билан тикилди. Карим ҳам ундан кўз узмай, елкаларини қаттиқроқ чангллади.

Китоб полга тушди.

Моҳбиби бирдан:

— Кўй-йи... Кўй, деяпман сенга,— деб чинқириб юборди.

Шу онда ёввойи ғазаб Каримнинг бўғзига чангл солди, ҳаво йўлларини тўсиб қўйди.

Карим Моҳбибининг елкаларини қўйиб юборди, кейин... бирдан кулочини керди-да, Моҳбибининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Яна нимадир бўлди шекилли, Карим зарбани Моҳбиби эмас, ўзи егандек қалқиб кетди.

Моҳбиби каравотга ағанаб тушган, кўйлаги юқорига сирилиб, оёқлари очилиб қолган эди.

Хона чир-р айланиб, Каримга эшикни рўпара қилди.

Узун коридор... Ортидан таъқиб этиб, елкасига пайдарпай гурсиллааб қоқилаётган қадамлар — ўзининг қадамлари; чўчинқираш, қизиқсиниш, ҳадик билан четланиб, лишиллаб қолаётган юзлар, қизғишиқорамтири йўлак, дараҳтларнинг ғадир-будур таналари — Карим ўзига келиб қараса, шусиз ҳам кимсасиз паркнинг хилват бурчагига, кўзёшлари томоғига тиқилиб, хирқираганча ёмон, жуда ёмон сўкиниб боряпти.

У таққа тўхтаб, атрофга олазарак аланглади.

Кўз олдига Моҳбибининг қўрқувдан каттариб кетган кўзлари келди.

У яқиндагина бўялган ўриндиқقا беҳол чўқди.

Ўриндиқдан сал наридаги ҳалқобчага бир тўп чумчук қўнди; бири қанотларини кериб чириллади.

Моҳбибини урганда жимжилоғи унинг оғзига кириб, тишларидан сийралиб ўтган эди, Карим бирдан шуни эслаб, жимжилоғини, гўё ўшандан бери ҳўлдек, кафтига артди. Кўз ўнгига Моҳбибининг каравотда ағанаб ётгани, семиз сонларининг жуда аянчли тарзда очилиб қолгани, қўйлак тагидан пистоқи ичкўйлагининг титила бошлаган оқиш тўр ҳошияси чиқиб тургани келиб, инграпиб юборди-да, қўлларини асабий силтади.

Чумчуқлар гур-р кўтарилиб, нарироққа тушди. Уч-тўртта — ботирроқлари, чанқови босилмаган чоғи, дик-дик чўпчиб, ҳалқобчага яна яқинлаша бошлади.

Оҳ, шу иш бўлмаганда эди! Карим ёмон туш кўраётгандек, ҳозир бирдан сачраб уйғониб кетганда эди!

Карим сакраб турди.

Чумчуқлар бирдан кўтарилиди.

Ижаҳонанинг эшиги ланг очиқ эди. Тамаки тутатиб ўтирган Адҳамни кўриб, Каримнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Қаерларда юрибсиз!—деди Адҳам.

Ёнига борса, Адҳам уни уриб юборадигандек, Карим тўхтаб қолди, бўйнини елкаларига тошбақа сингари тортди, қунишиб олди.

— Эшшак экансиз-ку!— дедн Адҳам ўқрайиб. Карим ҳақиқатан ҳам “эшшак” эканлигига бирдан күнди.

— Сиз түнкани икки соатдан бери пойлаб ўтирибман-а!

Карим түнкаликка ҳам рози бўлди. Фақат ҳозир Адҳам уни аямай сўкаверса, сўкаверса... Ёки ҳовлига судраб чиқиб, лойга думалатиб, биғиллатиб тепса...

Лекин Адҳам бирдан юмшади:

— Ўтсангиз-чи. Нега қоқкан қозикдай туриб қолдингиз?

Карим ўтди.

— Нима бўлди ўзи?— деди Адҳам.— Нима қилдингиз?

Карим индамай ерга боқди, кейин Адҳамга мўлтиради, яна ерга қаради.

— Гапирсангиз-чи,— деб бетоқат бўлди Адҳам,— Сизга айтяпман, гапирсангиз-чи!

Карим бошини буриб, деразага тикилиб олди. Нима деб гапиришни ҳам билмади.

— Бунга бир гап бўлганми ўзи?— деди Адҳам қўлларини керганча ёнбошга ўгирилиб — худди ҳужрада учинчи бир киши ҳам бордек.— Қиз болани уриб, яна...

Пичоқ Каримнинг кўксига қадалди.

— Қипқизил аҳмоқ экан-ку бу,— деди шафқатсиз Адҳам.— Бечоранинг жағи шишиб кетиби-я! Ўғил боламидики, шундай урса... Ё Мабийи билан муштлашишга борувдингизми?

Пичоқ қир-рт этиб Каримнинг юрагини тешиб ўтди. Лекин Карим ўлмади, аксинча, миясида ярқ этиб нажот — ҳаммасидан биратўла қутулиш йўли очилиб кетди:

- Кетаман!

— Қаёққа?— Адҳам истеҳзоли кулимсиради.

— Ўқимайман! Э, ҳаммасини!..— Бирдан Каримнинг қўзига ёш қалқиб, томоги хирқираф қолди.— Кетаман.

Адҳам унга тикилганча анграйди:

— Чинингизми?

— Э, ўқишини ҳам, қизларни ҳам...— Карим баттар жазавага тушди, қўзёшлари тирқираф кетди. — Ҳозироқ кетаман!

— Эсингизни еб қўйибсиз,— деб такрорлади Адҳам.— Эсингизни еб қўйибсиз.

Карим Адҳамга алам билан қаради, кетса, ўзидан, ўзидан ҳам кўра Адҳамдан боплаб ўч оладигандек, баттар хуруж қилди:

— Керак эмас. Ҳеч нарса керак эмас, Бориб трактор ҳайдайман, арава қўшаман, гўнг ташийман, гўнг! Ҳаммага бунақа шарманда бўлгандан кўра... Қишлоқда булардан минг марта яхши қизлар бор.

Адҳам тўсатдан қулиб юборди.

— Вой тентак! Мажнунвойни қара!— Адҳам қулишдан таққа тўхтади, қўзлари қисилиб, бераҳм тус олди.— Бўпти, йиғишистиинг нарсаларингизни! Жўнанг!— Кейин Каримга томон эгилиб, унинг елкасига шап этиб тушириб

қолди.— Туинг. Кран тагига бир нарса ташлаб қўйганман. Кетар жафосига тортасиз. Э, калла!

Карим “Кетаман” деган гапни ҳадеб қайтараверишдан қутулганига бир оз енгил торти.

“Ҳа, шум-эй!—деб ўйлади Карим, шишага илашган лойни водопровод жўмрагида ювар экан.— Бари бир яхши бола-да. Совуқ бўлса ҳам, одамнинг кўнглини оғритса ҳам яхши!”

Адҳам уларнинг ижараҳонасига бунгача сира келмаган эди.

— Карим,— деди Адҳам сигарет тутатиб олишгандан кейин.— Бир гапнинг тўғрисини айтайми?

“Ҳозир йиғлаганимни айтади!”, деб ўйлади Карим юраги ивишиб.

— Нимани?

— Хафа бўлмайсизми?

“Кўзёш тўкиш хотинларнинг иши, дейди. Майли, деса депти-да!”— Карим ўзига ҳам нотаниш хотиржамлик туди.

— Йўқ, хафа бўлмайман. Сиздан хафа бўлмайман.

— Шу бугунги ишни...— Адҳам гапидан тўхтаб, Каримга тикилди.

Каримга Адҳамнинг нигоҳи уни тешиб ўтиб, ортидаги бир нарсага қаттиқ ботаётгандек туюлди.

— Шуни,— деди Адҳам ҳамон Қаримдан қўз уз-май,— мен ўюштирдим.

Каримнинг оёғи олтидаги тахта пол қаёққадир сурилиб кетаётгандек бўлди.

— Қанақасига?

— Шунақасига-да,— деди Адҳам.— Шу бола арзимаган қиз учун хор бўлиб юрадими, кел, шартта орасини узиб ташлайман, дедим.

Карим илон авраган қурбақадек, оғзини каппа-каппа очди, яна тили айланмай, ичидан ҳирқироқ товуш келди.

— Нега?

— Негалигини бугун кўрдингиз,— деди Адҳам ниҳоят ундан кўзларини олиб.— Мабийи сизни ёмон кўради. Қизлар ўзлари сўймаган йигитларни ёмон кўришади. Сиз буни билмасдингиз. Бугун билдингиз. Билишингиз керак эди. Буёғи яхши бўлади.

Лекин ҳозир Каримга яхши эмасди. Сира яхши эмасди. Унинг кўксини яна нимадир куйдириб ўтди, ўтган жойи ёмон из қолдирди:

— Қуйинг,— деди Адҳам.— Ҳозир тушунтираман. Менга ишонаверинг. Ёмон ниятда қилмадим. То битиргунча унга илакишиб юраверар эдингиз, аммо бирон иш чиқмасди.

Карим пиёлани чангллади.

— Қани!—деди Адҳам.— Сизнинг бугунги кундан озодлигингиз... Нега бунаца қарайсиз?

Карим Адҳамдан кўзини олиб, қўлидаги пиёлага тикилди, пиёла титраётган эди.

— Ҳали ҳам тушунмаяпсизми?

— Йўқ, очиғи тушунмаяпман,— деди Карим ғўлдираб.— Шуни олдин тўғри ўзимга айтсангиз бўлмасми?—

— Майли, кейин... Айтсам ҳам бўларди,— деди Адҳам.— Бундан осони борми! Лекин менга ишонмас эдингиз, ишонсангиз ҳам...

Карим ўзини камситилган ҳис қилиб, хўрлиги келди.

— Нега, ахир? Мен шунақа...

Адҳам бош чайқади.

— Негалигини билмайман-у, лекин менга ишонсангиз ҳам... Бунақа масалада бироннинг айтгани, аралашгани билан иш битмайди. Айтганим билан, бари бир, кўнгил узмай яхши қўриб юраверар эдингиз. Бироннинг гапи билан ажралиб кетадиган бўлганингизда... Сиз уни севасиз-ку.— Адҳам яна битта сигарет тутатиб олди.— Лекин, шу қиз севишга арзимайди.

— Нега унақа дейсиз?— деди Карим бу гапдаи енгил тортган бўлса ҳам.

Адҳам қўл силтади.

— Майли, ҳовурунгиз босилгандан кейин ўзингиз билиб оларсиз. Ҳали уни унутасиз, унуганингиздан кейин ҳаммаси ойдин бўлади.

Адҳам пиёланинг тепасидан чангллади, пайлари ўйнаб кетди. Кейин бирдан Каримга қараб:

— Сизга ҳавасим келади,— деди.— Нега менга бунақа қарайсиз?

— Нимага? Бугунги аҳволимгами?— деди Карим, гарчи Адҳам бу ўйда эмаслигини, жуда муҳим гап айтмоқчилигини сезиб, бирдан ҳушёр тортган бўлса-да. Унинг ичida тошга ўхшаган бир қаттиқ нарса эриётгандек бўлди.

— Рост,— деди Адҳам,— шундай бўлмаганда сизни ахтариб келмасдим.

Карим тўлқинланди, томоғига алланарса тиқилди.

— Тирик одамсиз-да,— деди Адҳам.— Менга ўхшамайсиз — сиз яхши кўрасиз. Майли, шу Мабийчани бўлса ҳам, яхши кўрасиз. Яшаяпсиз!

— Сиз-чи!— деди Карим.— Қайси қиз сизга...

— Йўқ, буни сизга тушунтиролмайман,— деди Адҳам бирдан тундланиб.— Умуман, севмай яшаш ёмон, демоқчиман. Одамнинг кўнгли ўлади. Ўлик кўнгил билан яшаш қийин.

Адҳам ҳозир жуда чиройли кўринарди: оқаринқираган, чўзинчоқ юзи, пешанасига тушган, салгина йилтираб турган сочи, маъюс чақнаётган кўзлари, қирра бурни, текис бичимли лаблари, ўртаси салгина пучук ияги, узун бўйни, кулранг, оҳорли қўйлаги — бор кўриниши жонли ҳайкалдек, Каримни сеҳрлаб, олам-жаҳон ҳавас, қандайдир илиқ ҳасад уйғотар эди.

— Баъзан йифлагим келади,— деди Адҳам рўбарўсидаги битта Каримга эмас, балки юзлаб содда баҳтли каримларга қараб.— Аммо йифлолмайман — дийдам қотиб кетган. Ҳатто йифлашни ҳам одам соғинар экан...

Адҳам кўп гапирди, лекин Карим ҳеч балони тушунмади: “Тавба, бунга нима етишмайди? Бўйдан, чиройдан, гапдан берган бўлса? Юраги сўққабошлиги нимаси?..

Қоронғи тушди. Деразадан салқин елвизак кирди. Карим деразадан бошини чиқариб тепага қаради: осмонда юлдузлар бодроқдай сочилиб

кетган, жуда кўп эди. Карим кўп йиллардан бери биринчи марта осмонга орзу қилмай қаради.

— Бурҳон келмади. Ётоқда қолди,— деди.

— Кеп қолар,— деди Адҳам.

— Йўқ, келмайди,— деди Карим.— Кечаси юришдан қўрқади.

— Нега? Ёш боламидики?

— Ким билади?— Карим кифтини учирди.— Бу ерда ҳам бир ўзи ётолмайди. Қўрқишини мендан яширмоқчи бўлади, лекин мен биламан. Шу учун уни ёлғиз қолдирмайман.— Карим кулди.— Қизиғ-эй, ўлгудай хасис, пул сўрасам, кундуз куни бермайди. Лекин оқшом сўрасам, беради.

Адҳам жуда ажабланди.

- Ростданми?

- Рост,— деди Карим.— Лекин эрталабоқ кеча берганимни қачон қайтарасиз, деб сўраб олади.

— Қизиқ экан!—деди Адҳам.

— Қизиқ,— деди Карим ҳам.— Бу Бурҳон...

Бурҳон ҳақида гапиришгани сайнин Карим очилиб борарди. У негадир шу чоққача Бурҳонни шу қадар ёмон кўришини билмаган, ўйлаб ҳам кўрмаган экан, энди эса уни иштиёқ билан ёмонлай кетди. Ёмонлагани сайнин кўнгли ёришиб, ўзини яхши одам ҳисобларди. “Мен Бурҳондан қанчалар яхшиман”, деб ўйларди.

Адҳам шу ерда тунаб қолди. У Бурҳоннинг кир кўрпасига ижирғаниб қараган эди, Карим унга тоза кўрпасини берди.

Карим узоқ вақт ухлай олмади, кўрпадан Бурҳоннинг иси келар, гўё кўрпа ҳам эгасига ўхшаб хасислик қилас, Каримдан иссиғини қизғанаётгандек бўларди.

Ой чиқди, деразадан кўринди, Адҳамнинг юзини ёритди: Адҳам ухлаб ётганида пиш-пиш нафас олар, юзи ҳам мулойим тортиб, ҳимояга муҳтож ёш боланинг худди ўзи бўлиб қолар экан.

Карим ҳозир ўрнидан туриб, Адҳамнинг ёнига ўтиргиси, ҳеч бўлмаганда устидаги кўрпани тўғрилаб кўйгиси келди, лекин Адҳамнинг уйғониб кети-шини, уйғоқ пайтларда ўзи билан қандай гаплашишини кўз олдига келтириб, юраги бетламади.

Лекин, бари бир, Адҳамнинг шу ётишида ҳимояга муҳтож ёш гўдакни эслатадиган нимадир бир нарса бор эди...

Карим қўзини юмди:

“Эртага эрталаб, албатта, Адҳам кетганидан сўнг, Моҳбиби келса... “Каримжон, мени кечиринг...” Карим қувониб кетади-ю, лекин сир бой бермайди. Моҳбиби гўё ярашмоқчикдек, унинг пинжига тиқилади, қўлларини силайди. Карим уни итариб юбормайди, аммо юзини тескари буриб олади. Моҳбиби унинг муштумини ёзмоқча уринади, “Қўллларингиз мунча қаттиқ!”, дейди. Шунда Карим эриб кетади-да, ёлғондакам пўписа қиласди, шу билан бугунги қилмиши учун кечирим сўрайди: “Мана, шу қўлми? Сизга кўтарилган мана шу қўлни

каравотнинг тутқичига бир уриб синдириб ташлайми?” Карим қўлини силтаб тутқичга урмоққа чоғланади. Моҳбиби эса ростдан ҳам қўрқиб кетади. “Йўқ, йўқ,— дейди у йифламсираб.— Нега? Ахир, шу қўлингиз менинг ақлимни киритиб қўйди-ку!” Моҳбиби унинг қўлини ўпиди қўяди...”

Карим шу пайт беихтиёр ўзининг қўлини ғалати бир ташналик билан ўпди ва бирдан ўзига келди; хозирги аҳмоқона орзунинг ҳеч қачон амалга ошмаслигини ўйлаб ғижиниб кетди, қўлини қаттиқ тишлади...

КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМ ҲАМДАМОВ

Ҳикоя

Кичик илмий ходим Ҳамдамов симёғочга суюнганча сигарет тутатаётган икки ўсмирга лоқайд нигоҳ ташлаб ўтиб кетдию тўрт-беш одим юрмасданоқ қулоғига уларнинг гапи чалиниб қолди.

— Маҳаллангдаги истаган одамингни чалпак қиласман.

Униси нимадир деб ҳиринглади. Ҳамдамов қулоғини динг қилди, аммо эшитмади. Ҳалиги ўсмир овозини баландлатди:

— Қани, айт-чи, ким мен билан чиқади? Биттаси анавими?

“Анави” Ҳамдамов эди. Ҳозир қайтиб бориб, бу мишиқини бир солса, чаппа ағдарилиб тушади-ю, бироқ катта қўчада ҳаммага шарманда бўлади-да ёш болага қўл кўтаргани учун. Лекин қўрқитиб қўйиши ҳам керак, бўлмаса ҳар ўтганида майна қиласвериб жонига тегади. Буларга бир ён бердингми — тамом, кейин томошангни кўраверасан.

Ҳамдамов бир қарорга келгунча яна тўрт-беш одим юриб, ўсмирлардан узоқлашиб қолган эди.

У шаҳд билан ортига қайрилди-ю, нима дейишини билмай, ўсмирларга тикилганча тек туриб қолди. Жин урсин, нима қиласарди, қайрилиб! Тўғри йўлдан кетавермайдими, шуларга бас келиб қанча обрў топарди.

Дамдамовга тегизиб гапиргани тикроғи эди, унинг ўгирилишини кутиб турганди шекилли, бирдан ўшқирди:

— Ҳа, акам, нимага қарайсиз? Бирон нарса демоқчимисиз менга?

Ҳамдамов яна бир зум гарантсиб турди-да;

— Қани, буёққа кел-чи!—деди.

Овози сал титраб чиққани учун кўнгли ғаш тортди. Дағалроқ гапириш, дўқ уриш керак эди.

Ўсмир жойидан жилмагач, Ҳамдамовнинг ўзи у томонга юрди. Шундан сўнг ўсмир ҳам Ҳамдамовга қараб хезланиб келаверди.

Ё ўнинчида ўқийди, ё шу йил битирган. Урсамикин, а? Ҳеч портфель кўтартмаган одам келиб-келиб шу бугун...

Ҳамдамов бир қўли бандлигидан жуда афсуслан-ди.

Усмир икки қўлинини белига тираб Ҳамдамовнинг қаршисида ғоз турди.

Қўрқмайди ҳам. Вой, сенинг қоракуя суртилган мўйлабчаларингга...

— Мени танийсанми ўзи?—Ҳамдамовнинг тилига келган гап шу бўлди.

Ўсмир ишшайди:

— Йўқ!

Ростдан ҳам. Ўзи яқинда күчиб келган бўлса, бу бола уни қайдан танисин. Шунақа ҳам бўлмағур савол бўладими?!

Ҳамдамовнинг кўнгли хижил бўлди.

— Қаерда ишлашимни ҳам билмайсанми?

Ўсмир яна иишшайди:

— Йўқ!

У-ух, сурбет! Башарасига тушириб қолсами!.. Лекин одамлар нимага урдинг, дейишса, бронта жиддийроқ сабабни рўкач қилиш керак-да.

Ҳамдамов, хуноби ошиб, бошқа гап эсига келмаганидан яна ўша саволини такрорлади:

— Билмайсанми!

— Билмайман. Ўзингиз айта қолинг, — деб эриклади ўсмир,— одамни кўп қийнаманг. Қаерда ишлайсиз?

Ҳамдамов индамади. Билдики, айтса баттар калака қиласи. Кичик илмий ходимлигию академияда ишлаши буларга бир пул. Шунақа ҳам аҳмоқона савол бўладими?! Кўнглида бошқа гап-у, тилида... Бунақа ади-бади айтишиб ўтиргандан кўра, келибоқ солиб қолиши керак эди. Дўқ уришни эплолмагандан кейин... Энди кеч-да.

— Милицияда ишлайсизми, а?—деди ижикилашда давом этди ўсмир.— Мени қамаб қўясимиз? Вой, қаманг!

Билади-да, милицияда ишламаслигини. Шунинг учун ҳаддидан ошяпти.

— Йўғ-э,— деб чайналди Ҳамдамов.— Сени қаматмоқчи эмасман, сал... мундок, ўзингни... Қаерда туришимни ҳам билмайсанми?

Оббо, яна шунақа савол берадими, а?

У шоша-пиша саволига ўзи жавоб берди:

— Мен ҳу анави яшил дарвозали уйда турман. Тўртинчи. Истаган пайтда боришлиринг мумкин.

- Ароқ ҳам қуйиб берасизми?—деди ўсмир жуда эшилиб кетгандай.

Ҳамдамов кейинги гапини қўплашиб боришка ҳам муштлашишга тайёр эканлигини писанда қилиб айтган эди, ўсмир бутунлай бошқа нағмага ўтгандан сўнг сал довдираб, гапини йўқотиб қўйди.

— Боринг, ака, йўлингиздан қолманг!—деди ўсмир дабдурустдан, сиз ҳам одамми, дегандай.

— Э-э, сен жуда аҳмоқ бола экансан-ку!—деди Ҳамдамов бош чайқаб.

Ўсмирнинг кўзлари чақчайиб кетди!

— Ким аҳмоқ?

— Бор-э, сен билан пачакилашиб...

Ҳамдамов гўё қаттиқ афсуслангандай бир қўл силтадио ортига ўгирилди.

— Вой, ака, қамаб қўймадингиз-ку, уни!—деб қичқирди шу пайт уларнинг баҳсига аралашмай бир четда турган иккинчиси.

Ўсмирлар шарақлаб кулишди.

Ҳамдамов тишини тишига босди. Энди ортига қайтса ёмон бўлади.

Агар қайтса...

Ҳамдамов ўсмирларга қарамай, яна бир марта “Бор-Э!”—дея қўл силтаб йўлига равона бўлди.

Дарвозанинг эски, занглаған қулфи ҳадеганда очилавермагач Ҳамдамовнинг ўбдан ғазаби ошди. Уйда ўтириб устларидан дарвозани кулфлаб олишади-я. Ўғри уриб кетармиди!

У шарак-шуруқ қилиб дарвозани очгунча бўғилиб кетди, калитни синдиришига оз қолди.

Она сути оғзидан кетмаган мишиқилар! Бир урсанг етти юмалаб турадию бодиланишини айтмайсанми! Ҳе ўша...

Хуррам келибди. Семириб кетганини қара! Ўттизга чиқмасданоқ қорин қўйиб... Йигит деган сал ўёқ-бу-ёғига қараб юрмайдими. Тиқмачоқ! Дўмбок! Ўл-е!

Хуррам қучогини ёзиб пешвуз чиқди.

Ҳозир лабини чўччайтиради — ўпишиб кўришмоқчи. Ҳамдамов ўзини орқага тортиб қўлинни чўзди

— Яхшимисиз? Қалай энди?

Шундан сўнг Хуррам ҳам қуруқкина: “Юрибмиз-да”, деб қўя қолди, Ҳамдамовиинг ёзғиришидан ранжиб.

Ҳамдамов шахмат тахтасига энкайган ҳамхоналари олдига келди.

— Келдингизми?— деди Турсун бош кўтармасдан.

— Келдим. И-и, ундей юрманг, чатоқ бўлади.

Исмоил ҳайрон бўлиб қўлинни тортди:

— Нега?

— Фарзинингизни олиб қўяди бир юришдан кейин,— деди Ҳамдамов.

— Қанақасига?

— От билан шоҳ беради, фарзинга ҳам тушади.

Бу юриш Турсуннинг ҳам хаёлида йўқ эди чоғи, ўйланиб қолди. Исмоил пиёдани сурди.

— Боринг, аралашманг. Нуқул шунаقا қилиб одамни чалғитиб юрасиз,— деди Турсун,

Ҳамдамов индамади.

Муштдай болалар-а?! Шунаقا ҳам без бўладими! Бир урсанг... Кайфиятни ҳам расво қилишди-да.

— Вой тирмизаклар-эй,— деди Ҳамдамов жаҳлинин ютиб юбора олмай.

— Ким? — деб қизиқсинди Хуррам.

Турсун Ҳамдамовга ялт этиб цараб қўйди.

— Ҳе, ҳозир кўчада келаётсам... Турсун, ҳар куни симёғоч тагида тўпланиб турадиган болалар бор-ку?..

— Ҳа-а,— деди Турсун тахтадан кўз узмай.— Очмас. Кўрмаяпсанми, рух турибди-ку. Ҳамсояларнинг болалари-да.

— Ўшалар.— Ҳикояси ҳеч кимни қизиқтирмаёт-ганлигини сезса-да, Ҳамдамов гапида давом этди.— Келаётсам...

— Шоҳ!— деди Исмоил.

— Э-э, кўрмабмиз-да уни, — деди Турсун ва кафтларини бир-бирига ишқаб бургут қараш қилди.— Ҳозир, ҳозир! Шундай боплаймизки!

Орага жимлик чўқди. Ҳамдамов сиқилиб кетди. Ноилождан тахтага тикилди. Отни юрса... Нега ёмон кўришади уни? Тавба! Текканга тегиб, тегмаганга кесак отишади-я. Отни юрса шоҳни бекитиб руҳга ҳам тушар экан.

— Турсун, пиёдани суринг,— деди Хуррам.
— Йўқ-йўқ,— дея яна аралашди Ҳамдамов.— Отни юриш керак.
— Тўхтанглар, бир ўзимга қарши неча киши?— деди И smoил хафа бўлиб.

— Ўзим ҳозир отни юрмоқчи эдим,— деди Турсун хуноб бўлиб,— энди сиз ўргатган бўлиб чиқасиз.

— Ҳа майли, энди индамайман.

Ҳамдамов бошқа ўргатмасликка қарор қилди.

Филни ишлатиш керак энди. Ўзи ҳам латта-да, бўлмаса шу боладан дакки ейдими. “Боринг, акам, йўлингиздан қолманг”. Ҳақорат қиляпти-ю, у эса...

— Жон дўстим, бориб мақолангизни ёзмайсизми!— деди Турсун ялиниб.

— Жим турибман-ку, ахир!—деди Ҳамдамов ўксиниб.— Нафасимни ҳам ичимга ютиб юрайми!

— Бари бир чалғитяпсиз-да одамни. Илтимос, боринг. Шу... тепамда турсангиз, негадир...

Ҳамдамов қаттиқ ранжиди: миқ этмай қараб турса ҳам Турсун асабийлашади-я. Бугун ҳаммага бир гап бўлганми ўзи!

Ҳамдамов ечинаётуб тошойнага ўғринча қаради. Елкалари кенг. Мушаклари ўйнаб турмаса ҳам бақувват, йўғон-йўғон. Бўйи ҳам у қадар дароз бўлмаса-да, ҳар қалай, баланд. Улар нимасига ишонди экан, а?

Ҳамдамов ҳаворанг спорт кийимини кийиб нариги хонага — “кабинет”ига ўтди. Анча ўтирди. Қўли ишга бормади. Кейин стол устидаги сочилиб ётган китобу қофозларни йиғишитирди, кулдонни тозалади, латта ҳўллаб келиб столни артди: тартибни яхши кўради — уй қўқиб ётса, стол устида ортиқча нарсалар бўлса, ёза олмайди.

Ҳамдамов анча ўтирди. На бирон жумла ёзди, на бирон сахифа ўқиди. Чекди, ёқмади: тутун томофини ачиштирди. Кўчада чиқиши керак бўлган ғазаби шундан сўнг бирдан жунбушга келди.

Йўқ, бунақаси кетмайди. Бу, бу... қандай гап ахир! Ишхонада каттакатта одамлар ундан ҳайиқишиди! Ҳамкасб тенгқурлари, Ҳамдамовнинг жаҳли чиқиби деб эшитсалар, ҳай-ҳайлашиб қолишиди... Бошқа рақиб йўқмиди! Ҳозир чиқиб иккаловини ҳам дабдала қилади. Жуда бўлмаса қаттиқроқ танбех бериб қўяди. Маъсуда келмоқчи бўлиб юрган эди. Бирга келишаётганда бу болакайлар албатта гап отишади. Ана ўшандада изза бўлади. Маъсуда эса уни ҳеч кимдан қўрқмайди деб ўйлайди. Ўтиришда қўполроқ ҳазил қилгани учун Ҳалимовни урмоқчи бўлганида, Маъсуда уни хонасига қамаб, бир соатча авраб, тинчитган эди, “Сарик эмассиз-у, ғазабингиз мунча тез!..” Шундан бери Ҳалимов бечора ундан юрак олдириб қўйган... Одам қуриб кетгандай шу тирмизаклар!

Ҳамдамов шартта ўрнидан турдию бир муддат ўйланиб қолди. Кейин вазмин қадам ташлаганча, ҳамхоналарига ҳеч нарса демай, шиппагини тақиллатиб күчага йўналди. Йўл-йўлакай сигарет тутатди.

Улар кўпайишиб қолибди. Ҳамдамов санади: бешов. Бешовига ҳам бас келади — бари ушоқ эди.

Ўсмир Ҳамдамовга орқа ўғирганча ёнидагиларга, қўлларини ҳаволатишига қараганда, алланарсаларни куйиб-пишиб уқтиарди шекилли, бояги шериги унга им қоқиб, Ҳамдамов томонга ишора қилгач, бурилиб қаради, кейин саросималаниб ёнидагилар билан кўз уриштириди.

Ўсмиrlар Ҳамдамовнинг рўпарасида яrim доира бўлиб турадилар.

Кўришиш керакми, йўқми? Ишни нимадандир бошлаш керак-ку. Ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан мушт кўтариш ақлга сифмайди. Спорт кийимида, тайёрланиб, чаққон бўлиб келибди деб ўйлашмасмикин? Майли, зарари йўқ, оёғидаги шиппак буларни менсимаслигини кўрсатади.

Уларнинг олдига боргач, Ҳамдамов четдаги болага қўл чўзди. Икинчиси билан ҳам кўришиб, учинчиси — боя “қамаб қўймадингиз-ку уни”, деб қичқирганига қўл узатган эди, у шошилиб қолдими, негадир ҳадеганда, қўли ёпишиб қолгандек, шимининг киссасидан чиқавермади. Ҳамдамов ҳам қўлини тортмай унга тикилган кўйи тураверди. Нихоят бола илтифот билан кўш қўллаб кўришди, қироат билан “Ассало-му алайкум” деб қўйди.

Жўрттага шундай қилди шайтон!

Ҳамдамов энди нима дейишини билмай боши говлаб туради. Ўсмир унга чўчинқираб тикиларди. Бошқалар ҳам жим эди.

Ҳамдамов ўпкасини тўлдириб сигарет тортди, буруқситиб тутун қайтарди: томоғи қичишмаса ҳам йўталиб қўйди.

— Хўш,— деди у ўсмирга.

Ўсмир индамай қараб тураверди. Бўйи қарийб баравар экан-да.

— Мен сенга нима ёмонлик қилдим,— деб Ҳамдамов ўсмирнинг тирсагидан тутди.— Ҳар куни шу ердан ўтаман, эрталаб, кечкурун... Кўрган бўлсанг керак?

Ўсмирнинг кўзларида истехзо чақнаб кетди.

— Қўлни қўйворинг, қўлни,— деди дағаллик билан.

Ҳамдамов берухсат иш қилиб танбеҳ эшитган боладай, шоша-пиша қўлини тортди.

— Ука,— деди,— биронталарингга зарарим тегдими ё хафа қилдимми? Нега унда менга бунака гапирасан?

Ўсмир укасининг шикоятини эшитаётгандек, қуш боқиши қилиб қаққайиб туради.

Ҳамдамов негадир эзилиб, гапида давом этдш

— Текканга тегиб, тегмаганга кесак отасан. Ураман, дейсан. Мен сендан катта бўлсам, сен мендан кичик бўлсанг. Мен ҳам сенга тенгқур бўлганимда бошқа гап эди. Ҳозир сендан ўн ёш катта бўлиб қандай ёқалашаман? Одамлар кулмайдими?.. Уят, ука, уят! Ўзингдан каттани ҳурмат қилишинг керак.

Ҳамдамов қолганларга мурожаат қилди:

- Тўғрими, йигитлар?

- Тўғри, - дея илиб кетди “қамаб қўймадингиз-ку”, дегани. - Зоир, нега бу акамни ҳурмат қилмайсан?

Ўсмир тиржайиб қўйди.

Энди муштлашиб бўлмайди.

- Нега майнавозчилик қиласан? Мен жиддий гапиряпман, - деди Ҳамдамов.

- Мен ҳам жиддий айтаяпман-да, - дея бидирлади бола. - Ахир, ростдан ҳам, у сизни ҳурмат қилмаяпти-ку. Мен унга одобли бўл, ўзингдан каттага бунақа қилма, деб насиҳат ўқияпман-да.

Ҳамдамов бу гапларнинг маънисини тушуниб, из-за бўлди, гўё болага эътибор бермагандай, яна ўсмирга ўгирилди.

- Иккаламиз катта кўчада ёқалашиб юрсак яхшими, ука? Яхши эмас-да. Сенинг оғайниларинг бўлса, менда ҳам бор...

Нималар деяпти ўзи! Бирга-бир чиқса кучи етмайдими бу тирмизакка!

Ҳамдамов ноўрин гапирганини англаб, энди нима дейишини билмай, тўхтаб қолди.

- Менга қаранг, - деди ўсмир, Ҳамдамов унга қараб турган бўлса ҳам. - Мундай тушунтириброқ гапиринг, нима демоқчисиз ўзи? Агар мен билан чиқиш нияtingиз бўлса...

Нега бунча ўзига бино қўйган, а? Ахир, ўз-ўзидан кўриниб турибди-ку: Ҳамдамов уни мажақлаб ташлаши мумкин.

Лекин, кейин... безори акаларини бошлаб келмоқчими? Ҳамдамов улардан қўрқмайди-ю, бироқ бу ҳовлидан ҳам кўчиши керак бўлади.

- Кўйсанг-чи бунақа гапларни, - деди Ҳамдамов яраш оҳангода, гўё сулҳ садақа қилаётгандек. - Мен тескарисини айтаяпман. Жанжал нимага керак, иккаламизга ҳам ярашмайди...

Кейин ҳаммалари жим қолишиди. Ҳамдамов яна нима дейишини билмай, бир оз ўйланиб турди-да, уларга ҳеч гап айтмасдан, келган йўлига равона бўлди.

Унинг кўнгли ғаш, ютқизганини ҳис қилиб, эзилар эди.

Агар ҳозир болалар кулса ёки намойишкорона йўталиб қўйишса ҳам Ҳамдамов қайтиб бормас эdn, эринарди.

Итдай қилишиди-да. “Нима демоқчисиз”, деб муштлашишга чорлади-я. У эса шармандаларча чекинди. Чиқиб таъзирини бераман деб, баттар бўлиб қайтаяпти. Иккалувини ҳам дабдала қилармиш-а! Билагида кучи бўла туриб чекинди-я. Жанжалнинг ҳадисини билмас экансан, уйда ўтирумайсанми!

Ҳамдамов уйга яқинлашган сари жаҳли чиқиб, ўзини ўзи тузларди.

Муштлашиш ҳайвоний иллат, йиртқичлик, зиёли одамга ёт деб, бирорнинг бурнини ҳам қонатмадинг. Ҳалимовни урмоқчи бўлганинг ҳам артистлик эди, шунчаки Маъсуданинг олдида ўзингни кўрсатмоқчи эдинг... Сен ҳеч кимга қўл қўттармадинг, бирон кимса ҳам сени урмади. Икки марта боплаб калтаклашганда эди, кўзинг очиларди, кўқайингда ўт бўларди, ўт! Ҳозиргидек туюдан тушган жабдуқдек бўлмасдинг, қиличинг синиб, қалқонинг тешилиб қайтмасдинг.

Ҳамдамов ҳовлига кирганды дум-думалоқ кучукбола пилдираб келиб оёқларига сүйкалди. Ҳамдамов сигарет тутатди-да, яна ўйлай кетди.

Нима ҳам қылсын, китоб ўқиши, диссертация ёзиши түхтатиб қўйиб, безориликни, муштлашиш илмини ўргансинми? Фан соҳасида у дадил-ку, ахир! Илмий жасорат ҳам йигитнинг кўрки эмасми! Иложи қанча - кундалик, майда-чуйда жасорат қўлидан келмайди, унга керак ҳам эмас.

Ҳамдамов уйга кирди.

Мана, муштлашишни семиз бўлса ҳам Хуррамлар учун чиқарган. Булар шу учун яратилган - талашиб-тортишиб ҳақларини юлиб олишмаса, қуруқ қоладилар.

- Э-э, бориб келдим, - деди Ҳамдамов Хуррамга.

- Қаёққа!

- Бояги чурвақаларнинг олдига-да, қаёққа бўларди! Менга ўчакишма, иккинчи марта бунақа қилсанг, кунингни кўрсатаман, дедим.

Негадир шу топда Ҳамдамов Хуррамга ёлғон гапиришга ўзини ҳақли деб билди.

Исмоил тахтадан кўз узмай:

- Эринмаган одамсиз-да, - деб қўйди.

- Шоҳ! -деб қичқирди Турсун ва чапак чалиб юбордн.— Мот экан-ку!

Мот, укам, мот!

Исмоил Турсуннинг ирғишлишига эътибор бермай, бошини чангллаганча шахмат тахтасига термиларди.

Ҳаммалари тахтага энгашдилар.

- Мот эмас,— деди Ҳамдамов бир оздан кейин.— Битта йўл бор хали.

Исмоилга жон кирди:

- Қани?

- Ўзингиз топинг!

НОИНСОФ МУСО

Ҳикоя

Мусо яхши йигит — қобилиятли. Лекин сал ўйинқароқ. Буни ўзи ҳам билади, бироқ кўп ҳам куйина-вермайди. Бошқалар, масалан, хонада у билан ёнма-ён ўтирадиган Турғун ака насиҳат қилса, Мусо: “Бола бўлсин — шўх бўлсин”, дея кулиб қутулиб кетади. Мусо ўзининг яна бир талай камчиликларинн билади, лекин бошқа нарсадан — гарчи феъл-авторида нуқсон ҳисобланмаса ҳам — пулсизлиқдан кўп қийналади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: отаси уни едирса-ичирса, вояга етказса, беш йил ўқитса-ю, ҳали ҳам унга пул юбориб турса! Мусоқулбой — отасоқол иягиға битган давангир йигит — энди отасини боқиши у ёқда турсин, бир бош, бир қулоғини ҳам эплолмаса, ҳар борганида унга сарғайиб, укаларининг ризқидан юлиб келса! Яхшими шу?

Йўқ, Мусо берсанг — ейман, урсанг — ўламан, деган лапашанглардан эмас, ўзини боқиши, мустақил яшаш йўлларини қўп ахтаради. Лекин иложи йўқ-да. Лаборантликнинг ойлиги саксон сўм, чиртинг-пиртинг бўлиб, қўлга етмиш сўмча тегади, бунга овқат есинми, кийим-бош олсинми? Сигаретанинг ўзига ҳар ой-да ўн беш сўмдан кетса! Мусо кечалари ухламай ўйланиб чиқади: хазина топиб олса, лотореяга “Волга” ютса, спортлотодан ҳамма номери тўғри чиқиб қолса ёки бирон олиҳиммат одам: “Ука, мен илм аҳлининг шайдосиман. Мана, сизга ўн минг сўм. Аммо-лекин фанимиз ривожига зўр ҳисса қўшасиз. Бўлмаса, рози эмасман”, деб жўмардлик қилиб юборса! Мусо энтиклилар кетади, бироқ... Қийин экан-да, ишқилиб.

Мусо чидади, чидади, йўқ, охири бўлмади, директорга кирди: “Домла, бу пулингиз қорин тўйғазишга ҳам етмаяпти-ку”, деди. Директор уни алдади, авради, иложи йўқлигини айтди: “Штатлар саноқли — сенинг ойлигингни ошириш учун, ўғлим, бошқғ бир ходимнинг ойлигидан қирқиши керак”. Кейин Қудратовни мисол келтирди: “Шу йигит тўқсон саккиз сўм билан оила тебратади-я!”, деди. Ер ёрилмадиу Мусо кириб кетмади. У ўзидан беш ёш катта Турғун аканинг оиласидаги тўрт жонни қандай боқишини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан, жуда хижолат тортди, пулпараст деб ўзини койиди, қабулхонада минг пушаймон билан ер бўлиб чиқди.

Мусо ойлигимни оширинг, деб директорга тиқилинч қилгандан роппа-роса уч кун ўтгач, ишхонада хунук гап тарқалди, кимдир аспирант қизлар — Карима ва Мунавварнинг стипендиясини ўғирлаб қўйибди. Упа-элик, тақинчоқ-пақинчоқларига тегманти-ю, тўқсон саккиз сўмдан — бир юзу тўқсон олти сўмни ўмариб квтибди. Давлат бебақо, пул — қўлнинг кири, фалон-писмадон деб кариллаймиз-у, ле-кин, сабил, бир юз тўқсон олти сўм

катта пул-да Тўрт сўмгина қўшса — икки юз сўм! Тушликка чиқаётганларида сумкада экан, қайтиб келишса, шунча пул — йўқ!

Бошланди: қаватда ким бор эди, хонага ким кирган, тушликка ким чиқмаган, кимнинг қўли эгрироқ... Аёллар жонланиб, ташвишманд қиёфада оғиз пойлаган, эркаклар бурчак-бурчакда сўкинган; шивир-шивир, пичир-пичир... Эски, ремонтталаб, мудроқ ишхонага файз кириб, бамисоли ҳиндларнинг мархумин қўйдириш олдидан “рам-рам сатти”, деб рақсга тушадиган маросими ўтаётган жойга айланиб қолди.

Хунук гап ишхонада ажина шамолдек жилпанглаб юрди-юрди ва ниҳоят, қабулхонага, ундан тўппа-тўғри директорнинг қулоғига кириб кетди. Мусонинг дами ичига тушиб, бироннинг кўзига қарашга ботинолмади. Айниқса, котиба қиз ҳаммани мажлисга чақириб юрганини эшитиб, тоза тамом бўлди. Бўйнига ип солиб кушхонага судралган қўйдек, директор кабинетига кирди-ю, бурчакдаги курсига ўзини таппа ташлади — ҳукмни кутди.

Директор сўзини бу гапнинг ишхона учун нақадар шармандалик, бениҳоя хунуклигидан бошлади, ўтри (“ўгри”, демади, “пулни олган”, деди) ташқаридан кирган бегона эмаслиги, қизларга стипендия текканини билиб, тушликка чикишларини пойлаган одамлигини айтиб, “Ким тушликда шу ерда қолган бўлса, ўша олган”, деди. Мусо ўтирган жойида чўкиб. кетди. Директор давом этиб, “Балки ўша ноинсоф ҳозир ичимизда ўтиргандир”, деб тахмин қилди. Бу Мусога: “Хой, ноинсоф Мусо, тур ўрнингдан. Ҳамманинг ўртасида бўйнингга ол！”, дегандек эшитилди. Ҳамма унга қараётгандек, ҳамма уни ўғри тутиб, мардларча бўйнига олишини кутаётгандек туюлди. “Мен олмадим. Олмаганимни ўзим аниқ биламан-ку, ахир”, дея ўзига таскин берди, шўрлик. Хайрият, ҳеч ким “Пулни Мусо олган”, деб ўрнидан сапчиб турмади. Мусонинг бугун тушликка эртароқ чиқиб, дарров қайтганини сотиб қўймади. Бундан ташқари, директорнинг мажлис чақиришдан мақсади ўғрини топишдан кўра (қайдан топади!), пулини очик-сочик ташлаб кетган қизларни тергаш, маҳаллий комитетдан ёрдам уюштириш, энг асосийси — бу хунук гапни ишхона остонасидан четга ҳатлатмасликни қаттиқ уқтириб қўйишдан иборат экан.

Мажлисдан бош чайқаб, афсус билдириб тарқалдилар. Мусонинг назарида, одамлар пулидан ажралган қизларга эмас, пулни олган одамга ачинаётган-дек, тўғрироғи, уни назарда тутиб, “Шундай йигит-а！”, деяётгандек эдилар.,

Йўқолган пул икки кунча одамларнинг оғзида ширин сақич бўлди. Ҳеч ким ўзида терговчилик масъулияти, жавобгарлигини ҳис қилмагани учун, орқаворотдан икки-уч киши ўғри деб топилди, барча яхши-ёмон томонлари тарозига солингач, яна орқаворотдан окланди. Шундай қизиқ воқеани бошқа жойда айтиш қатағон этилгани сабабли, гап фақат ишхонада қизиди. Учтадан йигирма бешталиқ, тўрттадан беш, биттадан уч сўмлик экан йўқолган пуллар. Мунаввар Ҳалима опа берган эллик сўм қарзини қайтариши, Карима пул қўшиб, қишлиқ пальто олиши керак экан. Ноинсоф шу муштипарларнинг ҳақига кўз олайтирибди. Кейин умуман ўғрилик ҳақида гап кетди. Тўртта одам йиғилган жойда қадим замонлардаги каллакесар, йўлтўсар, тоштешар, қулфбузар, чўнтаккатушар ўғрилар ҳақида даҳшатли ва қизиқарли ҳангомалар айтилди. Хуллас, Насриддин афанди қирқ ўғрини қандай алдаган бўлса, ишхонадаги бир ўғри қирқ тўғрини шундай лақиллатди — уни ҳеч ким тополмади.

Бу ҳангомалар босилгунча Мусо ўзини ўзи еб қўйди, бироқ, хайрият, ҳеч ким ундан шубҳаланмади, унинг ҳам кўнгли тинчиди. Ҳамма қаторида ёрдам маъносига ундан ҳам беш сўм сўрашганда, гуноҳдан фориғ бўлгандек, жуда енгил тортди. Агар ундан гумонсирашса, боёқиши камбағал, ўзини қандай оқлашни ҳам билмасди: директорга пулим йўқ, деб ким кўзёш тўкди — Мусо; доим тушликка ким қарз сўрайди — Мусо; кимнинг ойлиги кам — Мусонинг; ойлиги кам бўлса ҳам, тез-тез ресторонларда ким давру даврон суради — Мусо (айш-ишратга қайдан топади?); ким қизларнинг хонасида лақиллаб юради — Мусо; энди, худди ўша куни айни тушлик пайтида ишхонада ким қолган эди — Мусо-да!

Ҳамкасларини қўяверинг, шунча далил-исботни синчилаб таҳлил қилиб чиқсан Мусо ҳам қизларнинг стипендиясини ўзи эмас, бошқа бирор илиб кетганига жуда-жуда ҳайрон эди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди, Мусо бу гапларни эсидан чиқариб юборди. Ширинсақйчнинг ҳам ширини кетди шекилли, одамлар уни туфлаб ташлаш-ди. Мусога Шибутани деган америкалик олимнинг “Социал психология” деган китоби жуда зарур эди, сўроқлай-сўроқлай, охири бир файласуф дўстиникидан топиб келди. Хонада ҳеч ким йўқ: Турғун ака бетоб экан, телефон қилди, Абдухалил жавоб сўраб қаёққадир жўнади. Мусо эрталабдан бери Шибутанинг китобидан бош кўтармай, олтмиш саҳифагача ўқиди, етти-саккиз бет кўчирма олди. Ўзининг бошида ҳам психологияга оид фикрлар ғивирлаб-югургилаб қолди. “Уятчанлик — уятчанликдан уялишдир. Агар ҳамма одамлар бир-бирларига кўнгилларидағи уятлн хис-туйғуларни айта бошлашса, уятчанлик йўқолади. Нега бирорлар ўзлари шикоят қилганда уялмайдилар-у, бошқа кишининг шикоятига ғашлари келади?”, деб ўйга чўмди.

Мусо ана шундай ғалати, ўзига ҳам у қадар тушунарли бўлмаган фикрлар оғушида ҳаяжонланиб ўтирганда, эшик гийқ этиб очилди ва Муқамбарнинг чиройли боши кўринди.

— Мумкинми?

— О, албатта! Қадамларига ҳасанот,— деди Мусо ўтирган жойида.

Муқамбар эшикни эҳтиёткорлик билан ёпди, Мусога қараб илжайгандек бўлди.

— Яхшимисиз,— деди.

— Сояи давлатларида!

Муқамбар деразага бир қараб қўйди, ўнғайсизланиб, бошини қуи солди, локланган тирноқлари тикилди-да, бегона бир овозда:

— Бугун менга ҳазиллашдингизми?—деди.

Мусо гавдасини орқага ташлаб ястанди.

— Ҳазиллашдим.

У эрталабдан бери китобга мук тушиб чарчаган ҳозир эса ростдан ҳам ҳазиллашгиси, беш-ён дақиқа ҳордиқ чиқаргиси келар эди. Муқамбар — истараси иссик, ширингина жувон — ҳамиша ҳазилни кўтарарди.

— Ҳазнллашдим,— деб тақрорлади Мусо.— Паспортиңизни олдимда, ариза ёзиб, ЗАГСга топшириб келдим. Қалай, боплабманми? У ёқда сиз, бу ёқда мен, бағримизни жизза кабоб қилиб юраверамизми?

Мукамбар “Қўйинг шунаقا бачкана гапларни” дегандек, қўл силтади.

- Сумкамни кавлаштирдингизми?

Мусо қўлларини қўксига чалиштириди.

— Энди, нима десам экан, аввало, “сумкам” эмас, “сумкамиз” денг, хўпми? Иннайкейин...

Мукамбар унга ғалати тикилди, нимадир демоқчи эди, эшик яна очилди-да, ташвишманд қиёфада Ҳалима опа кирди. Мукамбар жим қолди. Ҳалима опа унга савол назари билан қаради.

— Нима бўлди?— деди.

— Билмасам, — деди Мукамбар тутилинқираф. — Мусо ҳазиллашибдими...

Ҳалима опа танглайини тақиллатди, бошини сарак-сарак қилди.

— Эй укам-эй, укам! Келиб-келиб пулдан ҳазиллашасизми?

Мусонинг кўнглига хавотир оралади.

— Тўхтанглар. Қанақа пул?

Мукамбар қизаринди.

— Ўзингиз... Сумкани кавладим, дедингиз-ку?

Мусонинг ичида нимадир узилиб тушгандек бўлди.

— Э, қўйинглар-э! Наҳотки, мени... Эрталабдан бери хонадан чиққаним йўқ, ахир!

Мукамбар мунғайди, қўлларини қовуштириб, кифтларини қисганда, кичкина жувон, баттар кичрайди.

— Йўғ-э, Мусавой, ким сизни...— дея Ҳалима опа гапининг давомини ичига ютди.

— Нима, яна пул йўқолдими?— деди Мусо юраги увишиб.

Ҳалима опа ва Мукамбар индамай тасдиқлашди. Мусо жуда қаттиқ хафа бўлди.

— Шу... Саксон сўм ойлик олсан, тез-тез қарз сўрасам, кимнинг пули йўқолса... Дарров мени ўғрн тутасизларми!

— Ҳай-ҳай, Мусожон, нималар деяпсиз! Опангизман-а, айланай! Сиздай йигитдан шу иш чиқадими? Сиздан гумонсираган одам кўр бўлади-я, кўр!

Ҳалима опа Мусонинг елкасига устма-уст қоққанча, куйиб-пишиб тушунтириди. Гап бундай бўлган экан: Мукамбар эрталаб сумкасидаги кармончага йигирма уч сўм солган; троллейбусда чақаси йўқ экан, пул узатса, ҳайдовчи нақ қирқ тийинлик абонемент берибди: ҳозир пастки қаватга, кутубхонага тушиб, Турсуной билан беш минутгина гаплашиб, қайтиб чиқса, сумкасида икки сўму олтмиш тийин турган экану йигирма сўм йўқ эмиш. Ҳалима опага айтса, “Э, ўлибдими! Аввал сўрайлик, Мусо-пусо ҳазиллашгандир”, депти. Кейин Мукамбар тўппа-тўғри Мусонинг олдиган чопиб келаверибди. Устига устак, Мусонинг ҳам ҳазиллашгиси келиб турган экан...

— Пулдан бошқа ҳазил қуриб кетган экан-да, деб бўғилди Мусо.

Ҳалима опа ўйланиб турди-да, сўнгра:

— Яна ўша олдниман?—деди.

— Ўшаларинг ким?— деди Мусо.

— Ким бўларди! — деди Ҳалима опа.— “Турнахон”да. Сувилонга ўхшамай ўлгур!

Мусо шу пайтгача ўғрини бурни иягиға ёпишган аллақандай ялмоғиз кампир ёки ҳаммаёғини жун босган, бадбашара, оғзи қийшиқ, бир кўзига чарм сирилган эркак сифатида тасаввур қилганиданми, қош-кўзи, оёққўли ўз жойида бўлган росмана одам, устига-устак, қиз бола эканлигини эшитиб, қўрқиб кетди.

— Йўғ-э?!—деб юборди. -

— Ий-э, Мусовой, буни ҳамма билади-ку?

— Рост,— деди Мукамбар ҳам. — Маҳзуна Зокировнанинг ҳар ойлигидан йигирма беш сўм йўқолаверди. Кейин билсак — шу олган экан. Менинг ўттиз сўмим, Турсунойнинг соати, Мапуз бечоранинг қирқ етти сўми, тунов кунги пуллар...

Мусо анграйиб қолди.

— Ў, энагар-эй!.. Э, кечираслилар, оғзимдан чиқиб кетди.

— Ўлсин!—деди Мукамбар.— Бор-йўғи йигирма сўм экан. Тешиб чиқсин!

— Йигирма сўм ҳам пул-да, ахир,— деди Мусо.

— Шуни уни айтинг,— деди Ҳалима опа.

— Нима, бир гала хотин бўлиб ўртага ололмай-сизларми?— деди Мусо.— Нуқул оғзимга сўкиниш келяпти-я! Наҳотки уни тийиб қўйолмасаларинг? Директорга айтинглар. Ҳеч бўлмас...

— Ушлаб олмасак, қандай айтамиз?

Мусо қўлларини орқага қилиб, ўёқдан-буёққа юра бошлади.

— Бу ҳам тўғри. Лекин бир иложини топиш керак-да. Наҳотки, уни ушлаб бўлмаса, а? Пул қачон йўқолди? Ҳозирми?

— Шу гаплашиб тургунимизча вақт ўтди-да, - деди Мукамбар негадир Мусога умид билан термилиб.

— Та-ак,— деди Мусо Мукамбарнинг термилишидан таъсирланиб.— Текшириб кўрсак-чи?

— Қандай?—деди Ҳалима опа.

Мусо ўйланиб қолди, қошларини чимирди.

— Замира... бу “Турнахон” хонасида ўтирибдими?

— Ўтиргандир,— деди Мукамбар.

— Хонасида,— деди Ҳалима опа,

— Унда пул шу ерда. Ишхонада,— деди Мусо. Унинг калласига ажойиб фикр келган эди.

— Ҳалима опа, ҳозир сиз аччикқина чой дамласангиз-да, “Турнахон”ни чақирсангиз? Мукамбар бу пайтда...

Мукамбар орқага тисарилди.

— Э-э, мен қўрқаман.

— Сезиб қолади,— деди Ҳалима опа.

— Бирон йўлини топиш керак-да, ахир,— деди Мусо қизишиб.— Қачонгача бундай бўлади! Ҳадеб пул йўқолаверса, “Турнахон” ялло қилиб юрса!

— Хонада Йўлдош ака ҳам бор-ку?—деди Мукамбар.

— Хўш? Унга тўғрисини айтасизлар. Унинг ўзи “Турнахон”дан безор.

— Бари бир, жуда нокулай. Ўғри бўлгани билан, одамнинг юзи иссиқ,— деди Ҳалима опа.

— Ҳа, ўша иссиқ юзи қурсин унинг,— деди Мусо.— Юзим иссиқ деб ўғирлик қиласизларими! Сизларнинг шунаقا кўнгилчанликларингни биладида.

Аёллар индашмади.

— Бугун йигирма сўм ўғирлайди, эртага кассадан ҳаммамизнинг ойлигимизни ўмариб кетади. Ўғри онадан ўғри туғилмайди, уни ўзимизнинг кўнгилчанлигимиз етиширади. Унинг гуноҳига ўзимиз ҳам шерик,— деб Мусо ташвиқотга зўр берди.— Майли, сизлар индаманглар — пулларинг қўп, маошларинг ошиб-тошиб ётиби! Ҳар замонда бир камбағал эллик-олтмиш сўм олса олиби-да, камайиб кетармиди! Қайтангга яхши — савобга қоласизлар!

— Ҳалима опа, биздан нима кетди, бир уриниб қўрайлик,— деди Мукамбар оқаринқираб.

Ҳалима опа индамади.

— Эҳ, қиз бола бўлганимдами!—деб хитоб қилди Мусо,

Ҳалима опа Мукамбарга қаради:

— Маҳзуна Зокировнага айтсакми?

Мукамбар Мусога қаради. Мусонинг ғаши келди.

— Уни аралаштиришнинг нима кераги бор?

— У киши Замирани бирон иш билан чақирсалади Мукамбар иккаламиз...

— Во!—деди Мусо, Маҳзуна Зокировнанинг бу ишга аралashiшидан норози бўлса ҳам.— Зўр! Икковларинг қараб чиқасизлар.

— Майли,— деди Мукамбар.

Аниқлик киритадиган ҳеч нарса бўлмаса ҳам Мусо бутун тадбирни қайта тушунтириб чиқди: Маҳзуна Зокировна “Турнахон”ни чойга, йўқ, тўғри келмайди, яхшиси, бирон нарсани ўқишга чақиради (хозир докторлик ишини машинка қилдирияпти, шунга ёрдамлашинг, деса ҳам бўлади); Ҳалима опа билан Мукамбар бу пайтда “Турнахон”нинг сумкасини, столи тортмаларини синчиклаб қараб чиқадилар.

Натижасини келиб Мусога айтадилар.

- Пулни топиб олсак, нима қиласиз?— деди Ҳалима опа.

Мусо ҳайрон қолди: ростдан ҳам, кейин нима қилишади? У “натижасини менга айтинглар”, деганида фақатгина бу ишга раҳбарлигини таъкидлаган, нариёғини ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

— Кейинми?— деб кифтини учирди у.— Кейин... Аввал топайлик, кейин бир гап бўлар.

— Уларнинг хонаси рўпарама-рўпара-ку!

Мукамбарнинг бу гапи пишиб келаётган ишни бузиб юборишига сал қолди.

— Ҳеч кўнглим чопмаяпти-да,— деди Ҳалима оп

— Оббо!—деди Мусо.— Мунча қўрқасизлар. Ахир, эшик ёпиқ туради-ку. Ўзи, шу аёллар билан бир ишни битириш қийин. Сал нарсага дарров: “Вой ўлмасам, бир балоси чиқмаса эди”, деб ваҳима қилишади.

— Пул топилмаса-чи?

— Топилади. Ҳалима опа, топилади, мени айтди денг, топилади! Топилмай қайта боради? Қанот чиқариб учиб кетмайди-ку.

Ҳалима опа оғир сўлиш олди.

— Тезроқ боринглар,— деди Мусо.— Хонадан битта-битта чиқинглар — “Турнахон” коридорда бўлса, шубҳага тушиши мумкин. Кейин, бунақа ҳаяжонланиб юрмай, бамайлихотир, гўё ҳеч гап йўқдай, пул йўқолганини билмагандай тутинг-да, ўзингизни, Ҳалима опа, Мукамбар, сиз ҳам.

Ҳалима опа аввал эшикни очиб, долонга қаради, сўнгра, худди Замиранинг хонасига кираётгандек, бир-бир босиб, эҳтиёткорлик бйлан чиқди.

Мусо кулиб юборди. Мукамбар ҳам ожизгина, ўлганининг кунидан жилмайиб қўйди.

— Сиздан зўр изқувар чиқар экан-да,— деди.

— Ҳе, ўзимизни хор қилиб юрибмиз-да,— деди Мусо бирдан кўнгли кўтарилиб.

Улар ниманидир кутиб жим ўтирилар.

Мусони хаёл олиб қочди: Америка, канъон, прериялар... Гангстерлар гиж-биж тўлиб ётган Колорадо... У — махфий полиция департаментининг бошлиғи. Мукамбар эса унга котиба. Мусо давлат банкини ўмарид кетган ўта хавфли жиноятчиларни тузоққа туширадиган махфий кодли операцияга раҳбарлик қилмоқда. Мукамбар машинка ёнида ўтириб, унинг кўрсатмаларини ёзиб олмоқда.

— Энди бораверайми?—деб сўради Мукамбар. Мусо бош иргади — рухсат.

— Ростини айтсам, жуда қўрқяпман,— деди Мукамбар.

Мусо осмондан тушди, “Америка”дан қайтди.

— Ҳеч қўрқинчли жойи йўқ,— деди.— Энг муҳими — пулни топиш. Э аттанг, ўғирлашини олдиндан билганимизда, пулларнинг номерини ёзиб қўйган бўлардик.

— Бари бир танийман,— деди Мукамбар жонланиб.— Битта ўн сўмлик, иккита беш сўмлик. Беш сўмликлар янги, ўн сўмлик тоза эскирган эди.

Мусо қидирув операциясига янада чуқурроқ кираётгандек ҳис қилди ўзини.

— Эскилиги-ку яхши. Бирон белгиси, доғ-поғи эсингида қолмаганми?

— Билмасам, кўрсам танийман лекин. Тоза абгор эди.

— Да, майли, топилсин-ч”. Синчиклаб қаранглар.

Мукамбар одатдагига ўхшамайдиган бир юриш билан эшикка борди. Чиқаётганида шундай катта эшикнинг кесакисига елкасини уриб олди.

“Иккита беш сўмлик, битта ўн сўмлик”, деди Мусо ўзича. У мана шу пулларни кўз ўнгига келтириди. Ҳалима опа “Турнахон”нинг сумкаси ичидағи қизил кармончани (Мусо кузатувчан йигит, бу кармончани Замира кўтариб юрганига ҳам эътибор берган) очаётганида шу ўн сўмлик чиқади. Икки буқлоғлик. Унинг ичида эса яп-янги иккита беш сўмликнинг четлари кўм-кўк чизилиб туради. (“Ҳамма, ҳамма одам пулнинг йиригини албатта сиртга, майдарогини ичга олиб тахлайди. Қизиф-а?”) Мусо айниқса шу ўн сўмликни аниқ кўрди: латтадай эскирган, ранги униккан, ғижим... Шу қадар аниқ кўрдик, негадир унинг топилишига ишонмай қўйди.

“Нега топилмас экан? Ахир, шу пуллар қаердадир турибди-ку!—деб яна ўзига таскин берди у. — Бордию Ҳалима опа билан Мукамбар тополмасалар ҳам, ҳозир худди шу топда аниқ бир жойда турган чиқади-ку!”

Эшик тарақ этиб очилган эди, Мусо чўчиб тушди! Ҳалима опа, ортидан ёв қуваётгандек, ҳовлиқиб кирди. Мусо сапчиб турди.

— Нима бўлди? Топилдими?

— Энди, энди, Махзуна Зокировна Замирани чақирди. Ҳозир сизни ҳам чақиради,— дея Ҳалима опа кўйлагининг ёқаси билан елпинди, чуқур нафас олди.— Чойингиз йўқми? Ичим ёниб боряпти.

— Ий-э, мени чақириб нима қилади? Нима иши бор экан?

— Бир ўзим қўрқаман, деяпти. Ноқулай-да, унга ҳам,— деди Ҳалима опа ва чойнакнинг қопқоғини очиб кўрди.

- Мендан бошқа одам қуриб кетибдими?

- Унга бу ишни сизнинг маслаҳатингиз билан қилаётганимизни айтдим...

- Э-э,— деди Мусо, бирдан кўнглига ғулғула тушиб.

— Жуда калласи ишлайдиган бола экан, деб айтдилар. Ўзи ҳам келсин, бир ўзим бўлсам, Замира сезиб қолади, дедилар.

“Э, каллам ишламай ўлсин!”, деди Мусо ичида.

— Ҳозир борайми?

— Йўқ, ўзлари телефон қиладилар. Агар жуда боргингиз келмаётган бўлса...

— Нега энди! Бораман!

— Лекин, Мусожон, менинг юрагим ўйнаб кетяпти-да.

— Кўйсангиз-чи, шунақа гапларни.

— Рост. Мана сиз ҳам хавотирланиб қолдингиз-ку.

— Мен-а??

Мусо Ҳалима опага мағрур бир тарзда қараб қўйди.

— Хўп, мен Мукамбарни чақирай.

Ҳалима опа чиқиб кетди.

Мусо Замирага рўпара келишини ўйлади...

Телефон қаттиқ жиринглаб юборди. Мусо кўпдан бери тип-тикка бигизининг устида ўтирган-у, бигиз пайт пойлаб бирдан санчилгандек, отилиб турди. Стул ағанади. Мусо трубкани кўтарди.

Маҳзуна Зокировнанинг овози лоқайд әшитилди:

— Раҳмонов?

— Ҳа, мен,— деди Мусо.

— Салом алайкум!

Кўлини кўксига қўйганини Мусонинг ўзи ҳам сезмай қолди:

— Э, кечирасиз, салом алайкум!

— Раҳмонов, ҳозир ишнинг биринчи боби машинкадан чиқди. Шуни, мана, Замирахон билан аслига солиштирияпмиз. Ярим соатгина қарашмайсизми? Ҳозир келинг, хўпми?

Маҳзуна Зокировнанинг овозида қўрқиши, ноқулайлик, ҳаяжон — ҳеч нарса сезилмас эди. Аксинча, ўзини Замирани фош этиш операциясига алоқаси йўқлигини писандади қилиб турарди.

Мусонинг кўнгли сал жойига тушгандек бўлди.

Лекин коридор кимсасиз, нимқоронғи, жимжит экан. Кўпи куйиб, бор-йўғи учта қолган неон чироқларидан бири сирли тарзда лип-лип этар, шифтни қалқитиб кўрсатар эди.

Мусо шифтга хавотир билан қараб қўйди. Ҳозир Замираларнинг хонасида Ҳалима опанинг Муқамбар билан тинтуб ўтказаётганлигини ўйлади-ю, кўнглини ваҳм босди; кашалотлар оғзини очиб ётган ўпқон-нинг устидан муаллақ юзиб ўтаётгандек, авайлаб қадам қўйди.

Маҳзуна Зокировна тўрда — эшикка қараб, Замира қўйида — Маҳзуна Зокировнага рўпара ўтирган экан.

“Зигмунд Фрейднинг психоанализ назарияси ўз ўзидан вужудга келмаган — у буржуа жамиятидаги маънавий инқирознинг инъикоси эди...”

Элликларга кириб, сочларига оқ оралай бошлаган Маҳзуна Зокировна ўқишдан тўхтаб, бошини кўтарди, олтин гардишли кўзойнагининг бир шишааси “йилт” этиб совуқ чақнади.

— Келинг.

Олиманинг шиша билан қопланган нигоҳи ҳеч қандай маънони ифода этмас, одамни қўркитар даражада бўм-бўш эди.

— Салом алайкум,— деди Мусо, негадир овози қалтираб.

Замира ерга қараганча товуш чиқармай бош ирғади.

Мусога ўғирлик содир бўлмагандек, Маҳзуна Зокировна билан ўзининг орасида Замирадан бекитадиган ҳеч қандай гап йўқдек туюлди.

Замира столга сингиб кетгудай эгилиб олган эди.

Мусо унинг ёнидаги курсига ўтирди.

- Олдингиздаги иккинчи нусхами? Учинчи бетни очинг. Фрейд ҳақидаги жойини топдингизми? Қаранг, Замирахон, қаерда эдик?

Замира индамай қўл чўзиб, бояги жумлани кўр-сатди.

- “Инъикосидир”, шундайми? Бошладик. “Йигирманчи аср бошида Европа буржуазияси орасида тушкунлик, ахлоқ категорияларининг дарз кетиши, келажакдан умидсизланиш оқибатида... Фрейд ўзининг эротик таълимотини яратди. Айрим кузатишлари медицина, жумладан, психиатрия

учун қимматли бўлган ҳолда, ижтимоий ва илмий жиҳатдан хато бўлган бу таълимот...”

Мусо Замирага зимдан разм солди: Замиранинг чўзинчоқ, суяги туртган юзи кўкаринқираб, маъносиз қотган, бурни ўшшайиб, юпқа лабларига сезилар-сезилмас соя ташлаб туради (Мусо шуни ҳам кўрди).

“Ростдан ҳам шу ўғирлаган”.

- Раҳмонов, қарайпсизми?

Мусо шошиб қолди.

— Ҳа, қарайпман. Фрейд ҳақида гап кетяпти. Маҳзуна Зокировна росткамига жаҳл билан тикилди.

— Раҳмонов! Сизни пашша қўришга чақирмадим. Ҳаёлни кейин сурасиз.

Мусо қофозга қаради, қаторлар липиллаб, ҳарфлар хира тортди.

— “Эдип комплекси, “Электра комплекси” деган ғайриилмий схемалар бўйича ўғил онани отадан, қиз отани онадан рашқ қиласр эмиш.

Энди Мусо қизиқиб тинглай бошлади.

— “Фрейднинг реакцион қарашлари ~арб ва Америка Кўшма Штатларига кенг ёйилиб...”

Шу аснода коридордан ғалати шивир, пичир-кучур келиб, Мусо қулоқларини динг қилди. У гап-сўзларини эшиитмаса ҳам, Ҳалима опа билан Мукамбарни товушларидан таниди. Узини қаерга қўйишини билмай, Маҳзуна Зокировнага, кейин Замирага, яна Маҳзуна Зокировнага қаради.

Маҳзуна Зокировнанинг овози бир парда кўтарилди.

— “Унинг... издошлари...”

Бирдан Мусонинг кўзлари Замиранинг ўқиб бўлиб, ағдариб қўйилган оқ қофоз устидаги қўлларига тушди; қонсиз эти сувекка тортилган, кўм-кўк томирлари жилвираб турган, тирсаккача яланғоч қўлдаги сезилар-сезилмас титроқни пайқаб, кўнгли бир хил бўлиб сесканиб кетди: “Ўғриларнинг қўли титрайди!”

Қўлга бирин-сирин қизғиши, кўнглини айнитадиган даражада ёқимсиз доначалар тошиб чиқа бошлаганда, Мусо менга шундай кўриняпти шекилли, деб кўзларини юмиб очди; бу орада доначалар хира тортиб, бир тийинлик, икки тийинлик тангадек нопармон доғларга айланди, кўм-кўк томирлар уларнинг остида билиммай қолди.

Замира бирдан қўлини тортди, “Им-м”” дея инграпиб, оғзини чангаллаганча, букчайиб қолди.

Мусонинг юрагини алланарса тимдалаб-юлиб ўтди.

Маҳзуна Зокировна қўрқиб кетди.

— Ҳа-ҳа, Замирахон! Нима бўлди?

Замира яна бир ингранди-да, эшикка отилди. Маҳзуна Зокировна “Замирахон！”, деганча ўрнидан турди, Мусога қараб ҳайрон қотди.

“Эшиитди! Уларнинг шивирини эшиитди!”

Маҳзуна Зокировна дарров ўзини босиб, кўзойнагини қўлига олди.

— Раҳмонов, нима бўлди ўзи?

Мусо жавоб беришдан олдин коридор томонга қулоқ тутди: унинг хисобича, худди ҳозир Замиранинг вағиллаши, Мукамбарнинг чийиллаши, Ҳалима опанинг ҳай-ҳайлаши эшитилиши, нимадир гурс етиши, нимадир синиши, эшик қарс очилиб-ёпилиши керак эди. Лекин буларнинг ўрнига неон чироқнинг ғўнғиллаши элас-элас келди — тинчлик эди.

— Билмадим, қуянчиқ-пуянчиғи тутиб қолди шекилли.

Махзуна Зокировна кулмоқчи бўлди-ю, лекин дарров лабларини ийғиштириб олди.

— Кўполлик қилманг, Раҳмонов.

Замира тезда қайтиб кирди, тўғри келиб жойига ўтирди.

— Тишим бирдан санчиб қолса бўладими?—деди у яна қоғозга мук тушиб.

“Бўлади”, деди Мусо ичида.

Махзуна Зокировна Мусо билан кўз уриштириди-да, ўта меҳрибонлик билан:

— Ҳалиям оғрияптими?— деди.

— Анальгин қўйдим,— деди Замира.

Мусо Замиранинг қўлига қаради: ҳеч қанақа донача-понача, доғ-поғ йўқ; қонсиз эти суюгига тортилган, кўм-кўк томирлари живирлаб, тирсаги туртган, оддий ориқ қўл; қалтирамас, саҳифа устида хотиржам чўзилиб ётар эди.

“Пулни бекитиб келди!”

Ҳозир шу қўлдаги томирлар кўкимтири сувилончалардек ўрмалаб, чиқиб, қочиши керақдек эди...

— “Фрейднинг оригинал кўринган идеяларига эргашган бу олимлар...”

Мусо Махзуна Зокировнани тўсатдан ёмон кўриб кетди. Шу дақиқадан бошлаб ундан қўрқиш ҳам ўз-ўзидан йўқолди: қўнглининг бир- бурчида ачинишга ўхшаган бир нарса уйғондию ўчди — олиманинг тоза пўлатдан ясалган пичноқ тифидек кескир овозида ҳеч қанақа амирана куч-пуч йўқ, бор-йўғи совуқ экан.]

Махзуна Зокировна ўқийверди. Мусо эса унинг кўзойнагига ошкора тикилиб қолди, агар у ҳам қараса, “бўлди қилайлик” деган ишора беришга чоғланди. Лекин олима бош кўтармади; сўзлар холодильник музхонасидаги катак пластмассада қотган, қирралари салгина ейилган муз парчалари каби шалдираб тўкилаверади...

Мусо Махзуна Зокировнанинг энди нега диссертациясига ёпишиб олганига тушунолмади: ахир, За-миранинг хотиржам ўтиришидан ишни тинчитиб келгани шундоқ кўриниб турибди-ку, олима ҳеч бўлмаса, Мусога жавоб берса бўларди.

Ниҳоят Махзуна Зокировна худди чарчаган одамдек уф тортди, кўзойнагини олиб, чаккаларини уқалади...

Мусо Замирадан олдин чиқди, тўғри Ҳалима опаларнинг хонасига кирди.

Ҳалима опа жуда дарғазаб, Мукамбар эса умидсиз бир қиёфада ўтирган экан.

Ҳалима опа Мусони кўриши биланоқ ёрилди:

— Йўқ! Ҳамма жойни титиб чиқдик. Фақат тангаси бор. Бир сўм ҳам пул йўқ.

— Боя коридорда мунча шивир-шивир қилдиларинг?

— Сен кир, мен кир қилиб турган эдик-да.

— “Турнахон” шу пайтда чиқдими?

— Энди эшигини тортмоқчи эдим, шўп этиб чиқиб қолса бўладими!

Демак, Мусо янглишмапти.

— У бекорга оғзини чанглаб чопгани йўқ. Шивир-шивирларингни эшитиб турган эди. Пулни бирон жойига қистириб чиқди. Сизлар йўқ нарсани ахтариб юрибсизлар.

— Яшшамай ўлгур-эй!— деди Ҳалима опа.

— Усталигини қаранг!—деди Мукамбар.

— Қўйинглар, энди фойдасиз,— деди Мусо.— Йигирма сўмларинг ҳам кетди — қулоғини ушлаб, чинқириб.

Ҳалима опанинг ғазаби ошди.

— Нега қўяр эканмиз! Ҳозир бориб шартта бетига ўғрисан, деб айтаман.

Мукамбар нима деяр экан, деб Мусога қаради.

— Ўзини бир... обиск қилсак,— деди Мусо юрак ютиб.— Қуруқ ғалва кўтаргандан кўра...

- Э, энди шунинг башарасини кўргани тоқатим йўқ, - деди Мукамбар.

Лекин Ҳалима опанинг алами ҳали-бери ўчмоқчи эмас эди.

— Йўлдошни чиқариб юборамиз-да, ҳамма хотинқизларни текширияпмиз, деймиз.

— Кўнмаса-чи?—деди Мукамбар жунжикиб.

— Кўнмай кўрсин-чи!—деди Ҳалима опа.— Зўрлаб ечинтиарман.

Мусонинг завқи келди:

— Бир юлишмайсизларми!

— Эҳ-ҳе, ҳали қариганим йўқ,— дея сал шаштидан тушди Ҳалима опа.— Битта қоқсуюкка кучим етмай, нима қилиб юрибман.

...Мусо “тинтув” натижасига беҳад қизиққанидан коридорда кутишга аҳд қилди.

Бирон дақиқалардан сўнг Йўлдош aka чиқди “Ҳа, Мусавой, ўғри мушукдек коридорни пойлаяпсиз?”, деган ёқимсиз гап айтиб ўтди.

Сал ўтмай Замиранинг вағиллаши, Мукамбарнинг чийиллаши эшитилди. Нимадир гурс этди, нимадир сингандек бўлди...

Мусо турган жойида тахтадек қотди.

Эшик қарс очилди-да, Замира отилиб чиқди, бутун қаватни бошига кўтариб вағиллаганча, Мусонинг ёнидан ўтиб кетди.

Мусо ғалати бир шиддат билан ўзини эшикка урди, ичкари киргач, шартта эшикни қулфлаб олди; танглайи қуриб қолган экан, суви янгиланмаган графикни кўтарди.

Қаватда бор одамларнинг ҳаммаси, нима гап экан деб, коридорга чиқди шекилли, ғала-ғовур бошлан? ди.

Кимдир эшикни тортиб кўрди.

Ташқарига қарашга на журъат, на мадор бор эди Мусода.

Кейин Мусонинг тушига ҳам кирмайдиган ажабтовур воқеалар содир бўлибди: “Турнахон” шу вағиллаганича, Ҳалима опанинг айтишича, “иштонин бошига илиб”, қабулхонага, ундан тўппа-тўғри директорнинг олдига кирибди, ўзидан кетиб қолибди (Мусо буни эшитганда тишини тушига босди, “ёлғон!” деди); сув-пув ичирган бўлиб, “ўзига келтиришса”, яна вағиллабди, “Мени ўғри тутиб, коридорда қип-яланғоч ечинтиришмоқчи эди, зўрға қутулиб қочдим, қочганимни Мусо ҳам кўрди”, депти (Мусо буни эшитганда ўтирган жойида бир сакраб тушиб, сўкиниб юборди); директор уни отанг яхши, онанг яхши, деб тинчтишга уринибди, кейин Ҳалима опа билан Мукамбарни чақириб, пича дағдаға қилибди, “Учовингни ҳам ишдан бўшатиб юбораман”, депти (Мусо буни эшитганда “Шунчаки йўлига-да”, деди); директор аёлларни “Турнахон”дан кечирим сўратгач, учаласига ҳам бу хунук гапни ишхона остонасидан четга ҳатлатмасликни қаттиқ уқтирибди (Мусо буни эшитганда индамади).

Бу ҳангома одамларнинг оғзида кўп ҳам турмади, факат икки-уч кун бурчак-бурчакларда, Замирага эшиттирмай (юзи иссик, ахир!) шивир-шивир бўлди. “Изқуварлар”нинг бўшлигидан кулишди, Замиранинг устакорлигидан ҳайратланишди.

Лекин, ҳеч ким Мусони тилга олмади. На Ҳалима опа, на Мукамбар, на Маҳзуна Зокировна бу ҳақда чурқ этмагани учун, ҳеч ким ундан шубҳаланмади. Қайтага, Маҳзуна Зокировна Мусонинг берган саломига мутлақо алик олмай қўйди. Мусога одаммисан ҳам демай ўтадиган бу олим Замирани ҳар қўрганида қуюқ сўрашадиган, уй ичларигача суриштирадиган бўлиб қолди.

Мусо раҳбарлик қилган маҳфий операция муваффақиятсизликка учраганидан кейин икки ойлар ўтгач, ишхонада “штатлар қисқарармиш” деган нохуш гап ўрмалади. Мусо бу илмий даргоҳга ҳали кўп фойда келтиришига ишонса ҳам, негадир ўзидан хаво-тирга тушиб қолди.

Лекин директор ундан қутулишни хаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, “Бу болани студентлигидан бери биламан, сал... унақароғ-у, ҳали хом-да... лекин ундан кўп иш чиқиши мумкин. Келаси йили аспирантурага шуни юборсакмикан?”, депти. Мусо жуда қувонди.

“Хатга тушганлар” орасида Замира ҳам бор экан. Мусо буни эшитганда Замирага ачинди, дил-дилидан ачинди. Ҳар қалай, ўғирлик деганида ҳам сал-пал обрў бўлиши керакмикан, ишқилиб, унга Замиранинг ўғирлиги жуда абгор, бечора бўлиб туюлди. Бу ўғирликни на фош қилиб бўлади, на фош қилгандан кейин мақтаниб... Бор-йўғи йигирма сўм экан, арзимаган нарса. Шунга силлиққина ишдан кетказилди. Одам деган мунча майдалашмаса-да: майда ўғри, майда изқувар... Дунёда шундай катта ишлар бўлаётган пайтда бу гаплар энди чўнтакдан тушиб колди-да.

Дунёдаги ҳамма катта нарса майдадан улғаяди. Лекин Мусоники тескари — у каттадан майдалашиб кетяпти. Одамлар бир ишда хатога йўл қўйсалар, шундан керакли сабоқ оладилар. Аммо Мусо бечоранинг хатоси ҳам кулгили, бетайинроқми-ей... Мана, энди ўйлаб кўрса, ўшанда нега шунча ҳовлиққанини ўзи ҳам тушуна олмайди: “Менга шу зарилми-ди?..”, деб хижолат тортади.

Хижолатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қуруқ хижолатнинг сабоқлик жойи ҳам йўқ.

“Қачон одам бўламан?”, деб ўйлайди Мусо. Назарида, ўзи билан одамлик ўртасида бир масофа бордек, бу масофани лой кечиб ўтиш керакдек... ;

Хуллас, яна шундай хунук ҳодиса рўй берадиган бўлса, Мусонинг бирданига ўзини катта одам билиб, бир четда аралашмай туришига ишонч йўқ. |

Яна ҳам ким билади, катта ишлар ўз йўлига — катта одамлар зиммасида, лекин шунаقا майда-чуйда ҳодисаларда Мусога ўхшаган ўйинқароқларнинг виждони таскин топмай, ҳовлиқиб юриши ҳам керакдир — эшагига яраша тушови-да; оламшумул ишлар қўлидан келмагандан кейин жилла курмаса, арзимас нарсалардан кўз юмишмасин. Яна шундай мақол ҳам бор: “Ўғирлик игнадан бошланади”. Тўғрилик-чи?

Виждон деган нарсанинг ҳамма ишга, катта-кичик демай, бирдек тумшуғини суқишини, шунинг учун ҳам ўзининг ҳали кўп лой кечишини Мусо ҳозирча тасаввур қилолмайди.

Бу ахволда қачон одам бўлар экан бечора?..

